

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АҚАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АВАЗХОННИНГ ЎЛИМГА ҲУКМ ЭТИЛИШИ

Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли
Езаболувчи: Ғулом Каримов
Нашрга тайёрловчилар
Зубайда Ҳусаинова ва Тўра Мирзаев
Масъул муҳаррир: Охунжон Собиров

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-1976

Фазил Йўлдош ўғли.

Аваэхоннинг ўлимга ҳукм этилиши (Достон). Ёзиб олувчи
F. Қаримов. Масъул мұхаррир О. Собиров. Т., «Фан» 1976.
128 бет (ЎзССР ФА. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабнёт
ин-ти).

I. Сарл.

Фазыл Юлдаш оглы. Смертный приговор Аваэхану. (Дастан).

На узбекском языке

Смертный приговор Аваэхану

(Дастан)

Сказитель Фазыл Юлдаш оглы

Записал Гулям Каримов

Подготовили к печати Зубайды Хусаинова и Тура Мирзаев

Отв. редактор Ахунджан Сабиров

**Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти
илемий совети, Ўзбекистон ССР ФА Тарих, тилишунослик
ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.**

Мұхаррир С. Рәззакова

Рассом Е. И. Владимиров

Текшүхаррир Т. Шалюк

Корректор О. Абдуллаева

Р09157. Тернишга берилди 19/II-76 й. Боснинга руҳсат этилди 16/III-76 й. Формати
84×108^{1/2}. Босмахона қоғози № 1. Бояма л. 6,72. Қоғоз л. 2,0. Ҳисоб-нашриёт л. 6,6
Нашриёт № 1724. Тиражи 73000. Баҳоси 39 т. Заказ 56.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

Илгари Гўрўғлининг мамлакатини Чамбил дер эди, Чамбилга яқин Ширвон деган бир шаҳар бор эди. Шаҳри Ширвон дер эди, Ширвоннинг хонини Бектош араб дер эди. Шў* вақтларда Гўрўғли Чамбильдан бир тарафга узоқ сафар қилиб кетган эди. Гўрўғлининг кетганини Ширвон хони Бектош араб билар эди. Шунда у Гўрўғлининг йўқлигидан фойдаланиб, ўз катталари билан Ширвонда маслаҳат қилди. Маслаҳатида Бектош араб шундай айтди:

— Гўрўғли — бутун туркман халқининг посбони. Агар Гўрўғли ўзининг жойида бўлса, ул жойни қўриб турса, киши босиб бора олмайди, босиб борган душманга омонлик бермайди. Гўрўғлининг йўқ вақтида Чамбильни — туркман юртини босиб олсак, ҳамма нарсадан айрилиб, гангиб қолса, ҳеч нима қилолмайди, — деб Бектош араб Гўрўғлининг мамлакатини босиб олмоқнинг ҳаракатида бўлди. Эгаси йўқ мамлакатни босиб олмоқчи бўлиб, ўз одамлари билан лашкар тортиб, Чамбильни қамсаб келди.

Шунда Гўрўғлининг тоғаси Аҳмад Сардор: «Гўрўғлининг кетганини билдирумайик, бунинг билан чиқиб уруш қиласайлик, мамлакатни қўлдан бермайик», — деб бутун туркман халқига хабар бериб, Чамбильда йигириб, Бектош арабнинг лашкарига қарши чиқди.

Туркманнинг каттакони Аҳмад Сардор йигитларга шердиллик бериб: — Гўрўғлининг йўқ вақтини билдирумайик. Бектош араб кепти, бизга уятди, қўлдан бермай қўриб турайик элатди, — деб чираниб, қовоғини уйиб, қолган одамларини жийиб, бир сўз айтаяпти:

* Уша.

Мард йигитлар, кирнинг майдон орага,
Душман қонин сочмоқлиқдир, йигитлар,
Эр йигитлар, карбалодай бosh беринг,
Муқаннис қочмоқлиқдир, йигитлар.
Бектош араб душман бўлган,
Лашкар тортиб бунда келган,
Сизлар қанча уруш кўрган,
Гўрўғлиман бирга юрган,
Баринг бўлгин марди майдон!

Аҳмад Сардор дейди отим,
Йигитлар, бўлдинг улфатим,
Душман устига от қўйинг,
Урушли кунда хизматинг.

Бу арабга берманг омон,
Ўнгу сўлни олсин туман,
Шердай бўп киргин урушга,
Солинг бунга охир зам',
Дўнинг душманнинг га.

Остингизда бедов отла,
Саф-саф бўлган азама ё,
Урушга ўзини чоқлаб
Турган бунда валламга.

Танидин бошини узинг,
Оғир сафларини бузинг,
Неча сўзни айтдим сизга,
Бош бўп от қўярман ўзим.

Бўлсин Рустамнинг саваши,
Гангисин душманнинг боши,
Бектош араб кўпди эмиш,
Душман бўлган қанча киши.

Неча сўзни тимсол айтдим,
Қарисам келар ғайратим,
Йигитларим, азаматим,
Дўнинг душманнинг устига.

Ҳар қайсиси эрдай бўлиб,
Тоғда ақирган шердай бўлиб,

Бектош устига от қўйди,
Ҳаммалари бирдай бўлиб.

Бир-бирига қилич солиб,
Майдонда ким келар ғолиб?!
Урушмоққа бўлиб толиб,
От қўйди майдон ичинда.

Икки тараф аралашиб,
Мавж урган дарёдай тошиб,
Бир-бирига аралашиб,
Ол-ҳа, дейишиб, бўл-ҳа, дейишиб,
Ажал етса ўл-ҳа, дейишиб,
Икки лашкар аралашиб,
Майдонда ётиришиб,
Ботирлар дарёдай тошиб,
Бир нечанинг ақли шошиб,
Ота-боладан адашиб,
Бир ажойиб уруш бўлди,
Ботирларга хўп иш бўлди.

Бошчи бўлган Аҳмад Сардор,
Омон кетмасин араблар,
Тошар йигитлар ғайрати:
«Ҳамиша бизни босиб келган,
Бектош арабнинг одати».
Тўполонлп қумда қолди
Неча арабнинг жасади.

Туркманга араб дуч бўлиб,
Ширвоннинг хони бош бўлиб,
Туркман халқиман ғаш бўлиб,
Шундай қумда уришиб ётириш
Бири-бирига дуч бўлиб,
Қиличлар қўлда ярқиллаб,
Найзаси борди сўлқиллаб.

Шу бўлар Сардорнинг иши,
Бундай кунда иш кўрсатар
Кўнгли ўсиб ботир киши.
От остинда, қумда қолди
Неча арабларнинг боши.

...

Сардор айтар: «Фам әмасман,
Мен сени парвой қўлмасман,
Урушли кун бўлган вақтда,
Гўрўғлидан кам әмасман,
Мен сени одам демасман,
Сенга омонлик бермасман.

Менга ҳамроҳ сатта аждар,
Ишқирсам кетар араблар,
Мана шундай уруш бўлса,
Гўрўғли бизга на даркор!?.
Кўтарилиб кетди Сардор.

Уруш жуда қаттиқ бўлди,
Сесканиб чиқди йигитлар,
Қариса ҳам қайтмай Сардор;
Ширвон хониман биргадир
Араб хонида неча ботирлар.
Бир ўровда қолди Сардор,
Тўпланиб чиқди йигитлар,
Банди бўлди Аҳмад Сардор.

Йигитларнинг ақли шошиб,
Аҳмад Сардор қўлга тушиб;
«Ўлжа шул», — деб қайтмоқ бўлди,
Ширвон қараб кетмоқ бўлди,
Йигитлар неча от солди,
Ола олмади ул Сардорди,
Арабнинг қўлида қолди.
Одами жойига қайтди,
Аҳмад Сардор банди бўлиб,
Араблар қўлида кетди.

Бу Сардорни яёв ҳайдаб,
Қўлинн ортига бойлаб:
«Туркман халқига бош бўлдинг,
Гўрўғлиман йўлдош бўлдинг,
Қариганда энди ўлдинг,
Арабнинг зўрлигин билдинг.

Биздан омон қолмайсан,
Бола-чақангни кўрмайсан,
Дунёда тирик юрмайсан.

Одамман деб келдинг анда,
Энди ётарсан зиндонда».

Араблар Аҳмад Сардорни банди қилиб кетди. Туркман йигитлари Аҳмад Сардорнинг банди бўлиб кетганинг хафа бўлиб, ҳеч кимга сирини айтмай, ҳар қайси үз мазгилига бориб, бирор-бировига гапирмай: «Энди иш қандай бўлди. Гўрўғли келиб, тоғам деб сўраса, нима деймиз», — деб хафа бўлиб ётди. Банди кетганига ҳам анча вақт ўтди.

Кунлардан бир кун Гўрўғли кетган тарафидан қанча ўлжа билан, одамлари билан келди. Келиб, жойлашиб, пойтахтда ўтириди. Урушга борган кишилар келиб, Гўрўғлига кўриниш берди. Ул кун ўтди. Гўрўғли кўнглида айтди: «Тоғам Сардор қариса ҳам, кўп бўйни йўғонлиги бор. Ҳамма қолган йигитлар: «Ҳорманг, бор бўл!» қилиб, менинг олдимга келди, Сардор тоғам мени писанд қилиб келмади».

Шунда оғиздан-оғизга оғишиб, Сардорнинг банди бўлганини эшилди. Гўрўғли ҳеч кимга сирини айтмади: «Бектош араб фоли билан билиб, мен йўқ вақтида келиб, тоғамни банди қилиб олиб кетибди». Гўрўғли хизматда турган амалдорларга хабар бермай: «Тоғамни ажратиб олиб келарман», — деб Фиротни миниб, ҳеч кимга сир айтмай жўнаб кетди. Бектош одамлари билан Гўрўғлига даф этди. Шундай қилиб, Гўрўғли икки марта бориб ҳам қочқинчи бўлиб келди, Бектош араб қўлидан тоғасини ажратиб ололмади.

Кунлардан бир кун Авазхон туриб айтди: — Ота, бизга сир бермадигиз; икки марта Ширвон бориб, қочқинчи бўлиб келдингиз. Аҳмад Сардор бандиликда кўп ётиб кетди. Сизнинг тоғангиз, ҳаммамизнинг каттамиз банди бўп араблар қўлида ётиши уятдир. Энди менга жавоб берсангиз, мен ҳам бир бориб келсам, насиб бўлса Сардорни ажратиб олиб келсам. Гўрўғли: — Авазжон, ўзинг биласан, — деди. «Ўзинг биласан» дегандан кейин Аваз Ширвон боришга файрат қилиб, уруш яроғини замлади.

Шунда Гўрўғли Соқи деган хизматкорига қараб, бир сўз айтаяпти:

Аваз болам ғазоталаб қилибди,
Соқи-ё, абзаллаб келтир Фиротди;

Мард ўғлонлар мудом қилар эрликни,
От устига солгин майин терликни.

Эр йигитлар мудом қарап дурбини,
От устига солгин заррин чиргии.
Чиргининг устидан қўйиб белликни,
Боз устига ташлаб жаҳалдирикни,
Соқижон, абзаллаб келтири Фиротни.

Муллалар ўқиган зеру забарни,
Эр йигитлар элдан олар хабарни,
Фиротнинг устига солгии, Соқижон,
[Тилла корсон], қоши олтин эгарни.

Қишиман ёз ўртаси ҳишишай совурди(р),
Емон одам ҳамша қилар ғовурди,
Ярашиққа солгин отнинг устига
Чачоғи олтиндан заррин довурди.

Гана-гана бандаларинг жоҳилди(р),
Худо қилган ишга банда қойилди(р),
Сен каш-кашлаб тортгин отнинг белидан
Сирти ипак, нчи майин айилди.

Устидан тортгайсан чагатой пуштан,
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан,
Абзалининг бари олтин, кумушдан,
Соқижон, абзаллаб келтири Фиротни.

От абзалин кўриб мардлар қувонди,
От бошига солгин тилла юганди;
Аваз болам уруш ҳавас қилибди.
Майдонда чиқарсин Фирнинг бувини¹,
Қонга бўяр Зарчашманинг сувини,
Олиб келгин Гўрўғлининг Фирини,
Отлантиринг Авазхондай улини.
Соқижон, абзаллаб келтири Фиротни,
Жўнатайик бундан Аваздай мардни.

Гўрўғлидан бу гапларни эшилтиб, Соқи тош таблага
отни эгарламоқчи бўлиб жўнаб кетди. Соқи борса, хон-

¹ Бугини.

нинг Фироти сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, юлдузни кўзлаб, тарақос бойлаб, ўйнаб турибди. Шунда Соқи отга қараб туриб, бир-икки оғиз айтиб, отнинг юрган юришини, қилган ишини айтиб турган сўзи экан:

Йўлга чиқсанг сен ярайсан йўлдошга,
Кечакундуз қайтмай кирдинг савашга,
Неча марта йўлиққансан Бектошга,
Душманнинг додини берган бедовсан.

Иилқи (и) чинда ўзи келган синлидир,
Тубушқон түёқли, морол беллидир,
Урушли кунларда ажаб ҳоллидир,
Майдон ичра иш кўрсатган бедовсан.

Сени минган мардлар дарёдай тошди,
Дев-шарилар билан қилди савашди,
Ирам боғдан Мисқол ойни опқочди,
Қора девнинг бошин кесган бедовсан.

Гул Ирамдан олиб ой Хиромонни,
Ўз элидан жудо қилган бедовсан;
Шакаманлар ёйни тортар гиришда (и),
Ваянгандан олиб Холдор бувишиди,
Чамбилга етказиб келган бедовсан.

Заррин элдан олдинг Машриқо парини,
Торкистондан олиб Малика айёрни,
Истамбулдан олдинг Зулфизарни,
Ёр изласа, кўрдинг неча шаҳарни,
Эрларнинг назари теккан бедовсан.

Ғазо деса сен ҳам бўласан тайёр,
Устингга минади Аваздай шунқор,
Бир неча одамнинг эрлиги бекор,
Сени миниб қилар бир ёққа сафар;
Йўлинг қирқиб чиқолмайди душманлар,
Чамбилбелда сенсан назари тулпор,
Сенга қараб мудом бўлдим хизматкор,
Душмандан ўчингни олган жонивор,
Майдонда туришли² келган тулпорсан.

² Қўлләмада түғилили.

Шоирлар эплайди сени достонда,
Гоҳи ерда, гоҳ юрасан осмонда,
Иш кўрсатиб келдинг неча майдонда,
Эр йигитга қувват берган тулпорсан.

Мана бу сўзларни айтиб, Соқибулбул отни эгарлаб,
чоқлаб, етаклаб пойтахт остига олиб келди. Авазхон
уруш яроғларини ғамлаб, ўн етти газ олмос пўлатни бе-
лига бойлаб, совут-қалқонларини ғамлаб, Фиротнинг бе-
лига минди. Қирқ йигитни бирга олди, яна тўқсон олти
баҳодирни ўзига ҳамроҳ қилди. Тўқсон олти баҳодир,
қирқ йигит билан Аҳмад Сардорни олиб келгани Шир-
вонга жўнади. Авазхон жўнаётганда Гўрўғлининг ай-
таётган сўзи:

Эл кўчириб Олатоғдан оширдим,
Сирим айтмай душманлардан яширдим,
Аваз болам, сени ҳаққа топширдим.

Мард бўлиб жўнадинг, номард бўлмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Обрўли бўл, беобрў бўп келмагин,
Кўтар кўзим, болам, ҳаққа топширдим.
Душманнинг устига кетиб борасан,
Сардорнинг ҳолидан хабар оласан,
Иншоолло, обрўли бўп келасан,
Кўтар кўзим, болам, ҳаққа топширдим.

Остингга миндирдим, қўзим, Фиротди,
Бойладинг белингга кескир пўлатди,
Ўлжа олмай бунда келмак уятди(р),
Кўтар кўзим, болам, ҳаққа топширдим.

Сенга ҳамроҳ бўлди неча йигитлар,
Тўқсон олти бўлди баҳодир беклар,
Иш кўрсатиб омон келмагинг даркор,
Бор энди, Авазжон, ҳаққа топширдим.

Шу сиёсат билан Ширвонга кирсанг,
Зўрлигингни Ширвон ҳалқа билдирсанг,
Ўнг келиб Сардорни қўлингга олсанг,
Соғ-саломат элга келгин, Авазжон!

Мард бўлиб жўнадинг Чамбил әлингдан,
Файрат қылсанг ҳар иш келар қўлингдан,
Соф бориб, саломат келгин, Авазжон!

Сенга йўлдош бўлди неча йигитлар,
Омон келсанг, бўлгин Чамбилга саркор;
Сени дуо қилар Гўрўғли номдор,
Соф бориб, саломат келгин, Авазжон!

Майдонли кун сен сотарсан ширин жон,
Олмосингдан агар қўйсанг қирмиз қон,
Зарбингдан титраса майдонда душман,
Иўлиқан душманлар қилсин пушаймон,
Соф бориб, саломат келгин, Авазжон,
Кўрар кўзим, сени ҳаққа топширдим.

Бу сўзни айтиб, Гўрўғли фотиҳа бериб, дуо қилиб,
Авазни жўнатди. Шунда жўнаб бораётган ери дейди:

Бош бўлиб Аваздай шунқор,
Бир-бирга бўлиб йигитлар,
Тўқсон олти баҳодирлар,
Ҳар қайсиси бўлиб аждар,
Жўнади Ширвонга қараб.
Яхши сўз айтиб тилидан,
Чиқа берди мазгилидан,
Жўнади Чамбил элидан.
Ҳамроҳлари бирдай бўлиб,
Ҳар яғринп қирдай бўлиб,
Жўнади сатта аждаҳор.
Чиқиб кетди энди йўлига,
Қарамайди ўнгу сўлига.
Оҳи чекиб ҳар дам кундуз,
Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлғиз.
Бедовларга қамчи чотиб,
Урган қамчи симдай ботиб,
Сатта аждаҳор йўл тортиб,
Жўнади Ширвонга қараб,
Ширвоннинг хонини сўраб.
Ур келса ўмганлатди,
Кир келса қилпиллатди,
Арна келса иргитди;
Қистайди бедов отди,

Шуйтиб қилди ғайратди,
Ширвон қараб йўл тортди.
Беллиги белда иркиллаб,
Бедов отлари диркиллаб,
Найза эгнида сўлқиллаб,
Тилла поянак урилган
Узангиларга ширқиллаб.
Қизил ялови қўлида
Боради шундай пирнллаб.
Кўрганларнинг ақли шошиб,
Нечалар банд-белдан ошиб,
Қани, бизга ёв кўрсат, деб
Нечовлар дарёдай тошиб,
Ширвон шаҳрига ёнашиб.

Шунда булар Зарчашма бўйига бориб тушди. Зарчашма Ширвонга тобе. Ширвон шаҳри кўриниб турибди. Қўлида дурбин, ҳар тарафга қараб тури³: усти туманланиб, олдида Ширвоннинг шаҳрни.

Шунда Ширвон хони ҳам ҳадик олиб турган: «Шу Аҳмад Сардор бизнинг қўлимизда банди. Улар умидини узиб кетмас, албатта айланиб хабар олар», — деб булар ҳам дурбин билан Зарчашма бўйида бу баҳодирларни кўрди. От-анжомини тузаб: «Бизнинг устимизга душман келибди», — деб улар ҳам Ширвон шаҳридан чиқиб, Зарчашма тарафга кела берди.

Авазхон, тўқсон олти баҳодир, қирқ йигит от айилларини бўшатиб, етаклаб, қашантисиб турган эди, Ширвон лашкарини кўриб, айил, пуштанини қаттиқ тортиб, отларини мина берди. Уруш яргини ғамлаб, Авазхон бош бўлиб, Ширвон хонига рўпарў — дуч бўлиб бора берди. Аваз бу сўзни айтиб бераётир:

Бу майдонда ўйнаб-кулгин,
Биринг қўрқсанг иков келгин,
Ўнта-ўнта бўлиб тургин,
Менинг урушимни кўргин;
Ширвон хони, сен ҳам Бектош,
Кел, қилайн бирга саваш.

От чопилар тоғу тошга,
Аваз дёди, ишим бошқа,

³ Турибди.

Қайтмай кираман савашга.

Кел майдонга якка-якка,
Овоза кетсин фалакка,
Лошингни отарман кўкка,
Дучор бўлгин Авазбекка.

Бу сўзларни айтиб шунқор,
Ўзганинг уруши бекор,
Бош бўп келди Аваз шунқор,
Беклар айтар: «Обло акбар.»

От қўйди араб устига.
Қилич келар алаб-ялаб,
Олтин коса гулгун шароб
Ичилар майдон ичинда.

От қўяди овут-овут,
Урушда йўқласа Довуд,
Оқ кировка, олтин совут
Сўтилди майдон ичинда;
Бўз тупроққа қирмиз қонлар
Қотилди майдон ичинда.

От остинда калла қолди,
Қирқ тиллалик салла қолди.
Ўнгу сўлни олиб туман,
Арабларга бермай омон,
Шундай урушди Авазхон.
Тоб бермас бунда урушга,
Араб халқи қочаётир
Бошин олиб тофу тошга.
Бедовга заррин айиллар,
Бу ишга душман қойиллар,
Шабғам милтиқ, жазойиллар
Отилар майдон ичинда.

Мард йигит урушга тушди,
Майдонда қайтмай савашди,
Арабларнинг ақли шошди,
Ота боладан адади,
Қайтмайди, беклар урушди,
Авазхон бирдай туришди.

Араб ҳолин сўрамайди,
Бир-бирига қарамайди,
Ширвон аскари йиглайди:
Нега душман бўлдик, дейди,
Агар турсак, ўлдик, дейди.
Бир-бирига қарамайди,
Хеч ким ҳолин сўрамайди.

Душманни Аваз тўплаб олди,
Қочқинчи Ширвонга борди,
Туркмандан борган баҳодир
Ширвоннинг шаҳрига кирди,
Шаҳар ичида қирғин қилди.

Тош кўрмаган гоҳ кўчалар
Тош ўрнига бош кўргандир,
Сув кўрмаган гоҳи ерлар
Сув ўрнига қон кўргандир.

Уруш қилди Аваз шунқор,
Кўчаларда кўп ярадор;
Нечовлар жазосин топиб,
Ярадорлар сулаб ётирип
Бу майдонда қумни қолиб.
Шу бўлди Авазнинг иши,
Кесилиб душманинг боши.

Энди ёвнинг енгилганин у вақтда шу бўлди: «Бундан биз омон қолмаймиз», — деб қиличини бўйнига солиб, буларнинг олдига пешвоз чиқди, қиличини бўйнига солиб чиққандап кейин Аваз омонлик берди; уруш тамом бўлди. Ширвон эли Чамбилга тобе бўлди. Энди Чамбилга Ширвон бож бериб турадиган бўлди. Бектош араб ҳам бўшаб қолди, Ширвон ҳам Авазнинг қўлида қолди. Аҳмад Сардорни Авазхон бандиликдан бўшатиб олди. Ширвонда Авазхон бир олти ой туриб қолди. Узи Ширвонда туриб, тўқсон тортув норларни Чамбилга жўнатиб юборди. Ширвонда Авазнинг қилган ишларини Чамбилда турган беклар ҳаштиб, ҳаммаси офарин қилди. Авазнинг ишига офарин қилиб, Аҳмад Сардор ҳам Авазнинг қошида бўлиб, орадан олти ой ўтди. Энди Авазнинг Ширвондан кеткиси келибди. Яна Авазхон Бектош арабни чақириб, ўзининг жойини ўзига бериб: — Бож-

хирожийнги Чамбилга тўлайсан, — деб ўзини ерига ўтказиб, шундай бир ўтириш қилди.

Бектош айтди: — Сизлар бу илм-силоҳигарчилик, урушни қаердаи ўргандиларинг? Авазхон: «Бунинг сўровига бир-икки оғиз жавоб берайик», — деб бир-икки оғиз айтиб турибди:

Устодимни сизга баён айласам,
Савашмоқни Гўрўғлидан ўргандим.

Душманларни ерга яксон этмакни,
Отган ўқи нишонага этмакни,
Хосиятли Холдорхондан ўргандим.

Олти байдоқ билан отни сайлаган,
Чорвадори Асқар тогни ёйлаган,
Тўққиз мазгил душман йўлдан овлаган,
Чаман ўғил Олбегидан ўргандим.

Душманларга бунда босиб бормоқни,
Душман кўрса жазосини бермоқни,
Моли-ҳолин мудом ўлжа қилмоқни,
Чаққон ўғли Сафобекдан ўргандим.

Барчалари сафар қилди жаҳондин,
Ушбу сўзлар мендай марди майдондин,
Устод кўриб мудом кечганман жондин,
Таълим олдим Асад билан Шодмондин.

Бу сўзларни айтиб, тўқсон олти баҳодир, қирқ йигит, Авазхон бош бўлиб, Аҳмад Сардорни бирга олиб қайтди...

Аҳмад Сардор бош бўлиб, йигитларга маслаҳат қилиб, гап бошлади.

Аҳмад Сардор айтди: — Йигитлар, ўйланглар, Авазхон иш кўрсатди, бизни бандиликдан ажратди, қанча нарсаларни Чамбилга жўнатди. Шу сиёсатда Чамбил кириб борса, билгин, Чамбилининг ихтиёри Авазда қолди. Гўрўғли шоҳлик шавкатини, беклиқ ҳукуматини Авазга топширади, туркман халқининг қаттаси бўлганимиз бекор бўлади. Гуржистондан келган бир Аваз-да! Ўйласанг, бу бир байталлик қул-да. Ғуни бек қилиб биз қандай турамиз! Ундан кўра бугун ўйлда ётиб, вақтини топиб, Авазни ўлдирсак, қандай бўлади?!

Аҳмад Сардор Ғўрӯғлининг тоғаси, катта одам. Ҳеч қайсиси: «Бу гапинг ярамайди», — деб айта олмади. Ҳаммаси: — Хайр, — деди. Оқшом қўниб ётди, эрта билан тонг отди. Вақтини топиб Авазни ўлдира олмади. Яна отланиб Чамбил қараб йўл тортди. Авазнинг олдидан бир анг⁴ чиқди. Иигитлардан айрилиб, Авазнинг ўзи ёлғиз бояги ангни қувиб кетди. Аҳмад Сардор айтди: — Оқшомғи маслаҳатимиз бўлмади. Энди мени иштончанг қилиб, икки қўлимни орқамга бойланглар. Орқамни қонатиб, қирра тошлар билан тирнанглар, от олдига солиб, Гўрӯғлининг давлатхонасига ҳайдаб боринглар. «Тоғамни ким бундай беобрў қилди?» — деса, «Авазхон қулинг қилди», — деб тортинмай гувоҳлик беринглар.

Аваз кетди йигитлардан айрилиб,
Узидайин кўнглида дўст билиб,
Булар кўнглида Авазга душман бўп,
Йўқ ердаги бир туҳматни гапириб.

Ҳаммаси маъқул деб шумлик ўйлади,
Сардорнинг қўлини тортиб бойлади,
Иштончанг қип бу замонда ҳайдади.

Қилиб қолди шундай туҳмат ёлғонди,
Орқасини тошман яра қилганди,
Шу шумликман буни ҳайдаб жўнади.

Авазхон буларни нима билади,
Авазхоннинг кўнглида бор дўстлиги,
Буларни ҳам ўзидайин кўради.

Ҳайдалиб боради Сардор иғвогар,
Гувоҳлик бермакчун неча йигитлар
Ҳайдаб бораётир бунда йигитлар.
Гўрӯғлининг оти Фиркўқдай тулпор,
Бўлган ишдан Аваз ўғлон бехабар,
Қувиб ангни чўлда юрур зўрабор.

Туркман халқи бу ишларни кўради,
Ванди кетган Сардор элга келади,
Сўрай олмас икки қўли бойловли,
Сон баходор беклар ҳайдаб боради.

⁴ Ани — овланадиган ҳайвон.

Ҳеч ким билмас, Сардор бундай иш билан,
Бадфеъллик билан, кўнгил хуш билан;
Шундай бўлиб бораётир йўл тортиб,
Авазнинг устига тұхматни ортиб.

Ҳайдаб бораётган сатта аждаҳор,
Элатига катта бу Аҳмад Сардор,
Бошида жигаси, шавкатли номдор,
Баҳодир бекларга бўлганди дучор.
Тўп-тўп бўлиб ўйлашади туркманлар:
«Якка бўлди хон тогаси гуноҳкор.

Кўрса бу ишларни хоним билмайми,
Гўрўғлиниң унда қаҳри келмайми,
Сардорни бу ҳолга солган йигитлар
Армон билан гуноҳкор бўп ўлмайми?!»
Кирқ минг уйли элат бунга қарайди:
«Биз кўрдик, йигитлар буни ҳайдайди».


Шуйтиб, Авазга бу тұхматни ортиб, йўл тортиб Гўрўғлиниң давлатхонасига кириб борди. Уч йилдан бери банди кетган тоғасини бу хилда кўриб, дарғазаб бўлиб, Гўрўғли қирқ йигит, тўқсон олти баҳодирдан сўради:

— Тоғамини ким бундай беобруй қилди?

Кирқ йигит, тўқсон олти баҳодир Аҳмад Сардорниң ирвоси билан: — Авазхон ўғлинг қилди, — деб тортинмай гувоҳлик берди. — Биз Авазнинг амри билан шундай қилиб ҳайдаб келаяимиз, — деди. Шунда Гўрўғли бир ваҳшат, сиёсат билан Авазни ҳукмикушга тайин қилиб юборди: — Аваз Чамбилга келгандан ушлаб, бошини кесиб, дорга тортинглар! Аваз бизни кўп «ҳурмат» қипти. Тоғамини бандилиқдан бўшатиб, халқнинг ўтасинда шундай шармаида қип ҳайдабди, — деди.

Кўргансиз, Аваз бояги ангни қувиб кетган. Бу ишлардан хабари йўқ. Бояги ангни ушлай олмай қолибди. Чамбил қаласига яқинлаб етди. Чамбил қаласидан ташқарида Авазни ака деган синглиси — туркманда ўқинган бир қиз бор эди. Авазни ҳукмикушга тайин бўлганидан у қизнинг хабари бор эди. Шунда кўзи тушиб қаради, Аваз Фиротни ўйнатиб, Чамбил қараб бораётир. Бу синглиси Авазни кўриб, югуриб бориб олдига чиқди. Авазхон синглисини кўриб, отнинг жиловини тортди. Шунда синглиси Авазни бир сўз айтиб турибди;

273878
273846



Қиэларнинг ичидаги мёнман ўдаға,
Кийганим ипакдан, олтиндан ёқа,
Жасадингдан мендай синглинг садаға.

Мени десанг, борма Чамбил шаҳрига,
Тортиласан Гўрўғлиниңдорига,
Дучор бўлма одамхўрниң қўлига.
Ширвон элга энди қилган ғазотинг,
Туҳмат бўлди қилиб келган хизматинг.

Сенга туҳмат қилди ул Аҳмад Сардор,
Гувоҳлик берганди неча йигитлар;
Чамбил борсанг, армон билан ўлдирав,
Гўрўғли чангига бўлмагин дучор,
Жўнгина бориб ғариб ўлмак на даркор?!
Қайтгин, ака, кирмай Чамбил шаҳрига.


Бўлак подшоларга бўлгин хизматкор;
Хизмат қилсанг берар от-анжомингни,
Ким билмайди баҳодирлик номингни?!
Бўлак подшоларга бўлсанг хизматкор,
Бериб тураг сенинг ошу ионингни,
Мени десанг, борма Чамбил шаҳрига!

Қайдада борсанг сени қувлаб тутади,
Бошинг кесиб, сени дорга тортади,
Сендек акам бу дунёдан ўтади,
Қайтгин, ака, борма Чамбил шаҳрига.

Аваҳ ғайрати тошиб, ўтдай туташиб: «Менинг овомзам оламга кетади», — деб кўтарилиб келаётнб эди. Бу сўзни синглисидан эшитиб, бу гапга ҳайрон бўлиб қолди. Яна ўйлаб: «Менинг ажалим етса, вақти-замони, куним битса, ажалдан киши қочиб қутулами, ўлимдан ким қочиб қутулган?» — деб синглисига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Бир нечалар олтин тахтнинг устинда,
Бир нечалар, Аваҳ айтар, пастинда,
Не гўзаллар ётирир ернинг остинда,
Охиратдир чин сафар, ўлмай жаҳонда ким
қолар?..

Кўйи... йўлдан урма, муштипар,
Оғизинатиб... кирмагим даркор.



Жамшид ажал майин ичди,
Искандар дунёдан кечди,
Не жойларнинг тахти кўчди,
Шў⁵ қанча қип ўтди хурушди,
Улмай дунёда ким қолган?!

Нодонлик қип йўлдан урма, муштипар,
От ўйнатиб Чамбильбелга кирайин,
Дўсту душман кирса ўзим билайин,
Душман бўлса бошин боғдай чалайин,
От ўйнатиб Регистонда турайин.

Баҳодирлик номим бордир, билдириб,
Чамбиль элда не эрларни ўлдириб,
Алининг савашин бунда солайин,
Қандоқ душман бўлса бошин олайин,
Улим ҳақдир, қочиб қайда борайин.

Қўйгин мени, йўлдан урма, муштипар,
Номардларнинг гапи менга не даркор,
Мард киши қочса, номард гап қилар,
Қочганча бунда ўлмагим даркор,
Мард киши ўлимдан ҳазар қилмайди,
Уламан деб ҳеч кўнглига олмайди.

Шўйтиб, Авазнинг феъли, аҳволини англаб, Авазнин⁶
жонига раҳми келиб, синглиси яна бир сўз айтиб тур-
ган экан:

Олмадайин сўлган гулдай тарзим бор,
Қайта бошдан сенга айтар арзим бор,
Бу ишдан бош олиб кетмагинг даркор,
Гўрўғлидир Чамбиль элда зўрабор;
Қанча миражаби, бордир жаллодлар,
Қонхўрлар қўлига бўлмагин дучор.

Сен кўнглингни ҳар хаёлга бўлмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Душманнинг чангига яна қолмагин.

Ёлғизсан-да, билгин, ака, ҳолингди,
Ўзингга олмагин ноҳақ ўлимди,

⁶ Шў — ўша.

Менманликман бойлаб берма қўлингди,
Кун кечириб бўлак ерда бўл энди.

Бежой билдим Гўрўғлиниг сиёғи,
Ийғилган туркманинг бошдан-оёғи;
Чамбилинг қаласи одамга тўлган,
Қанча қонхўр йўлда тикилнб турган,
Сенинг учун, ака, дорлар қурилган,
Мени десанг, борма Чамбил шаҳрига.

Чамбил борсанг, нима илож қиласан,
Кўпга танҳо қандай жавоб берасан,
Зинҳор бора кўрма, ака, ўласан,
Қурисиш, шу Чамбилда нима қиласан?!

Қета бергин, ака йўлингдан қайтиб,
Бир ерга борарсан бундан йўл тортиб,
Ҳар кимга гапирма сирингни айтиб,
Қайтгин, ака, кирма Чамбил шаҳрига.

Шунда ҳам Авазхон синглисисинги сўзига эътиқод
қилмай, ўзи билганидан қолмай, ўрлаган ёғин бермай,
Синглисига яна бир сўз айтиб турган экан:

Тангримни йўқларман, фифон этарман,
Нор кесар олмосга қонлар қотарман,
Нечовларнинг бошин боғдай чотарман,
Чамбилинг шаҳрини вайрон этарман,
Сўнгра бундан бошим олиб кетарман.

Йўлдан урма, қани мен ҳам борайин,
Чамбил элга бориб қирон солайин,
Шў беклардан тенглигимни олайин,
Нима бўлсам, жоним синглим, бўлайин.

Мен сўйладим, кўнглинг оғир олмагин,
Ўлди деб сен мени парво қилмагин,
Шоду хуррам бўлгин, ғамгин турмагин,
Кўнглим бўлиб мени йўлдан урмагин.

Қани бориб кирай Чамбилбелига,
Мен борарман Гўрўғлининг ёнига,
Неча сўз айтарман уннинг шаънига,
Ким ўлади, бунда кимлар қолади,
Нима бўлишимни худо билади.

Чамбильбельда менинг ватанларим⁶ бор,
Фарзандларим бўлиб турган интизор,
Албатта Чамбильга бормоғим даркор,
Хайр энди, дуода бўл, муштипар.

Авазхон Чамбиль қаласига қараб жўнади, Чамбиль қаласининг дарвозасини очиб, ичкари кирди. Ичкари кирса, синглиси айтган сўзишинг бари рост бўлиб чиқди: дорлар қурилган, Чамбиль қаласи одамга тўлган, қизжувонлар том бошида саф-саф бўлиб турган. Авазни кўрган бор, кўрмаган бор, кўрмаганлар кўрганлардан сўраб, қандай яхши отлини кўрса: «Шу Авазми?» — деб сўраб, қараб турнибди. Аваз дарвозадан ичкари киргандан сўнг кўп кўйига бўри оралагандай бўлиб, одамлар гуруллаб қоча берди, йўл берди. Кўрмаганлар шу Аваз эканини сўнгра билди. Шу вақтда Авазхон ҳадик олди: «Бу синглинииг айтгани ҳам рост экан-да», — деди. Бундан илгари Авазхон шундай ширкордан келса, тушиб Ғиротни Гўрўғлинииг табласига бериб юборар эди. Уйига бориб, бола-чақасини кўриб, елвагай бўлиб, сўнгра Гўрўғли олдига саломга борар эди. Бу дафъа Авазхон ҳадик олиб қолди. Ҳавфсиниб тушиб, Ғиротни бир хизматкордан ўзининг ўрдасига бериб юборди. У хизматкор Авазнииг ўрдасига олиб кетди. Ширвонда урушда кийган ёв-яроги билан шиёда бўлиб, Гўрўғлига саломга жўнади. Авазнииг ҳукмикуши тайин бўлган: «Чамбиль келгандан ушлаб, бошини кесиб, дорга торт», — деган. Жиловхонанинг икки тарафини амалдор, беклар олиб турибди. Ёв-яроқ, асбоб — ҳеч қайсиси Авазга ботолмайди; жон ширинлик қиласяпти, Аваз салом бериб юқори қараб ўтиб бораяпти. Бир неча беклар гапирайяпти: «Ҳисоби йитган, кунни битган, энағар бизга қўрққанидан салом бераяпти».

Авазнииг ети яшар Нуралихон дегаи-ғўғли бор. Нуралихон чопиб чиқиб: «От келди, отам келмадими?» — деб беклардан сўраяпти. Илгари сўраса: «Тўражоним», — деб кўп парвариш қиласар эди. Энди чиқиб сўраса, беклар: — Отанг ўлади, энанг есир бўлиб қолади. Энангни ўзимиз оламиз. Мана сенинг отанд биз бўламиз, — деб кўтарилиб, Нуралихонининг кўнглини хафа қиласяпти. Аваз бундан бехабар, юқори ўтиб бораяпти. Гўр-

⁶ Ватан — оила, уй-рўзгор маъносида.

ўғлининг пойтахтидан бўрироқда кўк тошдан бўлган бир гумбаз бор эди. Бу гумбазда ҳар оқшом чилтанлар келиб сухбат қиласа, пойтахтдан тушиб, шу гумбазга кеп турар эди. Ўтиб бораётуб Авазнинг кўзи гумбазга тушди: Гўрўғли билан бирга ўтирадиган бекларнинг дастори кўринди, «Бу ерда ҳам одам борми?» — деб Авазхон гумбазгá бурилиб борди. Ҳамма катта беклар қўр тортиб гумбаз ичидаги ўтирибди. Гўрўғли тўрда минордай бўп ёнбошлаб ётибди. Авазхон қўл қовуштириб салом берди. Ев-яроқ — ҳеч қайсиси Авазхонга ботина олмади. Салом бериб эди, Гўрўғли тескари қараб алик олмади. Алик олмаганини билиб, Авазхон Гўрўғлига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Саломимни ола бердинг қиёма,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма.
Шаҳри Ширвон элга эди ғазотим,
Туҳмат бўпти қилиб келган хизматим,
Гуноҳкор бўлибди мендай фарзандинг.

Менга туҳмат қипти у Аҳмад Сардор,
Гувоҳлик берганди неча йигитлар,
Авазхондай ўғлинг бўпти гуноҳкор.

Гўрўғли, сен билмадинг ишимни,
Йўлдош қилдим кўп туҳматчи кишингни,
Бор⁷, қўлингдан келса, кесгин бошимни.

Остимда ўйнаган Фиркўқдай тулпор,
Бу хизматга туҳмат деган бир гап бор,
Ҳеч нима қилолмас у Аҳмад Сардор,
Туҳматчилик билан ўлар баччагар.

Бизиман Ширвонга борди ўл юриб,
Йўлдош бўп менингман у бирга туриб,
Охири исботхўр бўпти ўтириб,
Улар кетар имондан жудо бўлиб.

Туҳматчининг жойи бўлар жаҳаннам,
Мард йигитга эрлар беради ёрдам,
Бунинг учун мен тортмайман сира ғам,
Қўлишгдан келганин қилгин, Гўрўғли!

⁷ Қўлёзмада дор.

Авазхон қайтиб жўнай берди. Аваз ташқарига чиқиб кетди. Булар бир-бирига қараб: «Энағар гап билан бизни андай қилиб кетди», — деб қола берди. «Визлар қўрқиб, ҳеч гапирига олмадик, яроғи ўзи билан бирга экан. Агар гапирысак, шу вақти ҳеч кимни ҳурмат қилмайди. Ҳаммамизни гумбазга қамаб, айқаштириб чопиб ташлар эди. Ҳали ҳам қошимиздан кетди, бир балодан қутулгандай бўлдик», — деб улар ўтира берди.

Аваз ўз ўрдасига қараб бораяпти. Нуралихон ўғли йўлга чиқиб қараб турибди. Қараса, отаси келаяпти. Отаси кўп хафа бўлгандай; отасига қараб, ўғли Нуралихон бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Ота, эшит менинг айтган сўзимни,
Хафа билдим, ота, сенинг ўзингни,
Кўнглини чўгарма⁸ мендай қўзингви(нг),
Не сабабдан хафа бўлдинг, отажон?

Ғазо излаб Ширвон элга бордингми,
Ўзингдан зўрларга дучор бўлдингмай,
Ширвон элдан қочқинчи бўп келдингми,
Не сабабдан хафа бўлдинг, меҳрибон?

Бошга солди хафа фалак зулмни,
Мен сўрайман, ота, сенинг ҳолингни,
Фамгин қилма Нуралихон улингни⁹,
Не сабабдан хафа бўлдинг, отажон?

Давлатим бор, шоли-шолдам ўрадим,
Кўнглингда мақсадииг, ота, сўрадим;
Сенинг ҳам Чамбилда катта номинг бор,
Арабларга бўлмадингми баробар,
Арабда бормикан сендан ҳам зўрлар,
Тарзинг кўриб менинг бағрим эзилар.

Тортинмайин жавоб бергин улингга,
Ота, хафа бўлдим сенинг ҳолингга,
Душман асли чиқа қолган йўлингга,
Не сабабдан хафа бўлдинг, отажон?

Ном кўтариб, ота Чамбилда юрдинг,
Душман бўлса, мудом тортинмай бординг,

⁸ Чўктирма.

⁹ Ўғлингни.

Гўрўғли бобомнинг хизматин қилдинг,
Не сабабдан, хон ота, хафа бўлдинг?

Яроғингни ўзинг бирга тутасан,
Тарзинг кўрсам, оҳу афғон этасан,
Мен қарасам, хафа бўлиб кетасан,
Қўнглингда борини менга айтасан,
Не сабабдан хафа бўлдинг, отажон?

Аваз бу сўэни ўғлидан эшилб, кўнгли бузилиб, бал-
ки кўз ёши тизилиб, бағри эзилиб, бир сўз айтиб тур-
ған экан ўғлнга:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин,
Илоҳим мусоғир юрти қурисин,
Бир туҳматман, болам, ўлиб бораман.

Бугун ётсам, эртан тонглар отади,
Ўртага олиб менн булар тутади,
Бошим кесиб менин дорга тортади.

Билмади Гўрўғли менинг ишимни,
Эрта кўргин дорда менинг бошимни,
Бу элда бўлмаган ҳеч сирдошимни,
Қарға, қузғун еб кетади гўшимни.
Мен ўлган сўнг сен бўларсан хору зор,
Бу Чамбилинг юрти бизга не даркор.

Сен ҳам мендай баҳодир бўп юрасан,
Охир бир кун бир туҳматман ўласан,
Қурисин, Чамбилда нима қиласан;
Асли ота юртим эди Гуржистон,
Албатта, Гуржистон кет, Нуралихон;
Хон Гўрўғли кесса танда бошимни,
Гуржистондан тоғгин қарндошимни.

Элатим деб бу Чамбилда турмагин,
Туркман халқин ўзингга дўст билмагин;
Дўст тутиб, кўнглингда ишни билмайди,
Ҳеч кимсага йўлбошлилик қилмайди,
Албатта, Гуржистон кетгин, фарзандим,
Мен ўлган сўнг сени булар қўймайди.

«Эй, бу зарра гўдакка кўнглимда борини бунча гапириб, уни хафа қилганча, то танадан жоним чиққанча, болаларимнинг вақтини хушлаб турайин», — деб ўғлини кўтариб, ўрдадан ичкари кирди. Ўрданинг дарвозасини беркитди, кун намозгар ҳаддига етди. Гўрўғли соғ шакаман мерганларини буюрди:— Боринглар, Авазнинг ўрдасининг атрофини олинглар. Қуш учса, кўзлаб отинглар, қўлга келса, Авазни ўртага олиб тутинглар, бошини кесиб, танини дорга тортинглар, — деди.

Шунда Гўрўғлининг ёри оға Юнус паризод: «Бир туҳмат билан Аваздай қўзим ўлқиб бораётир», — деди. Гуржистондан ўғли Авазни олиб келганда, ёқасидан солиб, этагидаи сугуриб олиб, туғмаса ҳам түққандай бўлиб, меҳрини қўйиб қолган эди. Оға Юнус паризод: «Энди Гўрўғли пойтахтидан отланиб келса, менинг ўрдама тушса, бир ўзима оро-торо бериб, яхши либосларни кийиб, Авазнинг бир ўлим ўтини¹⁰ тилаб кўрайин», — деб ўйлаб, зарбоб кийимларни кийиб, ўзига оро-торо бериб, тайёр турди. Гўрўғли пойтахтдан отланиб келиб, Мисқол парининг ўрдасига тушди. Оға Юнус айтди: «Менинг бу ўйим ҳам бўлмай қолди. Мисқол парининг ўрдасига кетди. У ҳам энаси-да, у ҳам ёллашар. Шунда бориб тилайин», — деб Мисқол парининг ўрдасига келди.

Шунда ўчақнинг тўр тубпда мардош қўриниб ўтирибди. Мисқол пари уни-буни — иш қилиб шишириниб турибди. Пойга бетида хизмат қиласяпти. Оға Юнус қўл қовуштириб Мисқол парининг ўрдасига кириб келди. Келиб Гўрўғлига салом берди. Саломини алик олиб, энди Авазнинг ўлим ўтини Гўрўғлидан оға Юнус тилаб турибди:

Қулоқ соп эшигинг айтган нолага,
Банда кўнар ҳақдан келган чорага,
Бедов чопсанг сувсиз қойим далага,
Мендай ойим келиб тушди орага,
Раҳм қилгин Авазхондай тўрага,
Дод этарман, Аваз ўғлим ўлмасин.

Аваз учун қилган туҳматлар бекор,
Кўп сўзларни бекор айтган йигитлар,
Жонидан хабари бўлмаган Сардор,

¹⁰ Ўлим ўтини — ўтичини, ўлимдан ўтишни, кечиришни.

Қандай бўлди Аваз болам гуноҳкор?!
Хафа бўлиб, хоним, сизга қарайман,
Авазхоннинг гуноҳини сўрайман,
Гуноҳидан бунда ўтмоғинг даркор.

• Аваз бундан пано бўлиб кетади,
Аваздай ул туғилмайди энадан,
Пушаймондан наф топмайсан, бегижон,
Сўнгра тирилиб келмас Авазхон,
Бир омонлик беринг, давлатли султон.

Аваз ўғлим мардлиги билан юрган,
Халқни қўриб, қанча хизматлар қилган,
Ўйлагин, юртингнинг посбони бўлган,
Душман кўрса, қайтмай қирғинни солган,
Қаерга қасд қилса ўлжали бўлган,
Армон билан ўлмасми қўзим Авазжон?!

Бир гап билан Аваз ўлиб кетади,
Авазнинг қадри бизга ўтади,
Гуноҳидан ўтсанг, хоним, қайтади?!

Ора тушиб турди мендайин ёринг,
Сабил бўлмасин-да бу кирдикоринг,
Армонман ўлмасин Аваз қўчкоринг,
Ора тушиб тилар паризод ёринг.

Бу сўзни оға Юнусдан эшитиб, Гўрўғли ўтдай
ёниб: — Аваз деб менинг олдимда гапирма. Агар Аваз
деб гапирсанг, сенинг талоқ хатингни қўлингга бериб,
Чамбидан бадарға қилиб, ҳайдаб чиқариб юбораман, —
деб хотинига бир сўз айтиб турибди:

Назар солгин менинг қилган ишима,
Аваз учун сира келма қошнма,
Аваз дейсан, бунда кўнглингга ўйлаб;
Паризод, эшитгин айтган тилимни,
Ўлдираман Авазхондай улингни.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбуллар,
Аваз деб қошимда менинг сўйлама,
Ўз тилингдан бўлиб қолма гуноҳкор.

Қўрқмайсанми хоннинг қилған зулмидан,
Умид узгин Авазхондай улингдан,
Аваз деб орага тушма, паризод,
Айриласан ўйнаб-ўсган элингдан.

Чамбилбелдан сен бадарға бўларсан,
Аваҳ десанг, сен ҳам бирга ўларсан,
Кет, паризод, бунда нима қиласан?
Бу сўзларни айтди мендай зўрабор,
Ҳар на бўлса ўзимдадир ихтиёр.
Аваз ўғлинг бўлган бўлса гуноҳкор,
Бошин кесиб дорга тортмоғим даркор.

Мен қайтмайман сенга айтган тилимдан,
Қандай бунда келдинг қўрқмай ўлимдан,
Умид узгин Авазхондай улингдан.

Ҳукмикушга тайин бўлган, биласан,
Аваз деб сўйласанг сен ҳам ўласан,
Чамбил ўлкасидан жудо бўласан,
Кета бер, паризод, нима қиласан.
Авазхонга зўрлигимни билдириб,
Одам қўйдим, уни қўлга келтириб,
Эрта чошка дорга тортай ўлдириб,
Кет, паризод, бунда нима қиласан.

Шунда Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, сиёсатидан қўрқиб, сесканиб, кейини билан юриб, оға Юнус паризод Мисқол парининг ўрдасидан чиқиб кетди. Чиқиб бора туриб айтди: «Уйқу ҳамиша биз билан» дейди. Аваз ҳам ҳадик олиб тургандир. Авазнинг ўрдасига борайин. Бу кеча Авазга бир панд-насиҳат қиласин, Авазни Чамбилдан чиқариб йўлга солайин. Шундай қилмасам, эрта-мертан тонг отар, Авазни ўртага олиб тутар, бoshини кесиб дорга тортар, Авазнинг ўғли-қизини йиглатар», — деди. Шунда Авазнинг ўрдасига яқинлаб борди. Ярқиллаб жазоийл, милтиқлар кўрина берди. Оға Юнус айтди: «Бу соп мерганларни буюрган экан. Мен ўзимни билдиримасам — булар отиб ташласа, ўзимни билдиришам — белгили одамнинг хотини бўлсам, кўчаларда бемаҳалда юришим қандай?! Кел, булар билмасин мени. Аваз ўрдасининг қибла бетида бир даҳлиз дарчаси бор эди. Шу ёқса айланайин», — деб шу даҳлиз дарчаси

ёққа ўтди. У ёқда пойлаб турган одам йўқ. Улар дарвона томонда турган экан. Шунда даҳлиз дарчага келиб: «Аваз ҳам ҳадиксираб ухламай тургандир», — деб оға Юнус пари бир сўз айтиб турган экан:

...Хукмикушинг тайин бўлган, Авазжон,
Бемаҳалда энанг келди сўроқлаб,
Омон-эсон мазгилингда бормисан?

Бир оллога етгай менинг нолам, деб,
Қолди юрагимда доту алам, деб,
Бемаҳалда энанг сўраб турибди,
Туҳматга гуноҳкор бўлган болам, деб.

Чамбилининг элида сурардинг даврон,
Ёмонларман йўлдош бўлдинг Авазхон,
Бошимга солнбди қоронги туман,

Саргайди, қайтайнин, гулдай юзинг, деб,
Сенга етгай менинг сўйлар сўзим, деб,
Бемаҳалда энанг сўраб турибди,
Холинг қандай бўлди, Аваз қўзим, деб.

Faфлат олиб бунда ухлаб ётасан,
Тонг отганда нима жавоб этасан;
Аваз жсним менинг жону дилим, деб.
Бемаҳалда келди энанг сўроқлаб,
Хукмикуши тайин бўлган улим, деб.

Дунёда бўлгайсан фарзандим омон,
Фарпб қулга эгам бўлгай меҳрибон,
Энангнинг довшини эшиш, Авазжон,
Меҳрибоним, кўрар кўзим, бормисан?

Энасин довшини Аваз билади,
Сачираб ўрнидан Аваз туради;
Аваз билан бирга ётган ўғлони:
Армон билан ўлдим ғаминг е, деди,
Авазхонга Нуралихон не деди:

— Бемаҳалда тура келдинг, отажон,
Бизни ташлаб, ота, қайда борасан?

Бежой билдим, ота, сенинг ишингни,
Жон ширин-да, қутқарасан бошингни,
Ҳажр ўтига куйдирмагин танамни,
Ўзинг кетиб, ташлаб кетма болангни.

Оқшом кеча туриб парвоз қиласан,
Бир тарафга, ота, кетмоқ бўласан,
Бизни ташлаб, ота, қайда борасан?

Ўз жонингга ўзинг қилма зулмни,
Қайда кетсанг, ташлаб кетма улингни,
Элда қиласар сўнгра бизга зулмни,
Армонли ўлдирма жону дилингни.

Қайда борсанг, мени олиб бор энди,
Аҳволингдан менга хабар бер энди;
Тура келдинг, ота, бағрим эзишди,
Тақдиримга қандай қисмат ёзилди.
Сен турганда менинг бағрим эзилди.

Ўғлиниг сўзини Аваз эшишиб,
Авазхоннинг хаста кўнгли бузилди..
Ўғлини кўтариб бирга туради,
Фарзандига неча сўзларни айтиб
Ул даҳлин дарчага қараб жўнади.

Жону дилнм, сенсанг кўрар кўзим, деб,
Нуралихон менинг ёлгиз қўзим, деб,
Сенга йўлдош бўлган менинг ўзим, деб
Шул замонда бул дарчага келади.
Дарча очиб энасига қаради,
Оға Юнус паризодни кўради.

Бемаҳалда, жоним эна, келдинг, деб,
Гап қандайдир, мендан хабар олдинг, деб,
Меҳрибоним нега ҳалак бўлдинг, деб
Энасига сир бермайин сўради,
Дарчадан ичкари пари киради.
Паризод Авазнинг тарзини кўрди,
Аттанг қўзим, деди, кўнгли бузилди,
Ўйлаб туриб жигар-бағри эзилди.
Сўзламаса бўлган гапни билади,
Бир-биридан сиру аҳвол сўради.
Энасига сир бермайин Авазхон,
Шу замонда кулиб-ўйнаб қаради,

Мазгилига бирга олиб боради,
Энасини кўп зиёфат қилади.

Шунда оға Юнус паризод Авазни кўрди. Ширвонда урушга кетган ёв-яроғини чечиб қўйган эмас, шу туришда ётган. Энасининг олдига дастурхон ёзиб, таом тортди. Тортган таомлардан тортди. Фотиҳани юзига тортиб, дастурхонни йиғиб узатди. Неча сўзлар оға Юнус Авазхонга энди айтди:

Таом учун келганим йўқ, Авазжон,
Бошинг олиб кетгин Чамбил элидан;
Файзи саҳар мингин Фирнинг белига,
Сира тушма Гўрўглиниг қўлига,
Тонг отганча турма Чамбил элида,
Тортиласан одамхўрнинг дорига,
Ҳеч турма отангнинг кирдикорига.

Болам, кетгин элдан энди ахтариб,
Таваккал ишини тангрига қилиб,
Сўз сўзладим, бадбахт қабул қилмади,
Улдиришдан бошқа фикри бўлмади.

Биласан, Чамбилда отанг зўрабор,
Қандай одам бунинг ҳукмин қайтарар,
Эрта-мертан келар қонхўр жаллодлар,
Тонг отмайин бундан кетмагинг даркор,
От белига минсанг, Фирот қутқарар,
Қайда борсанг, сени ҳайвон еткаар.

Тушибди бошингга бундай аломат,
Кетгин бундан, болам, соғу саломат,
Ўзингнинг қўлингда, болам, Фиркўк от,
Тонг отганча турма Чамбил элида.

Бу сўзни энасидан эшитиб, Авазхон энасига қараб: — Хўп айтасан, эна. Мен бир неча номардлардан эмасман ўлимдан қочадиган, — деб бу сўзни Авазхон энасига айтиб турган экан:

... Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,
Бу ажалдан қочмоқ номарднинг иши,
Ўлимдан қочами мендай мард киши,
Оҳ тортганда чиқар ғамли довуши,
Майдонга белгили мардларнинг иши.

Аёллик қип, эна, бердінг насиҳат,
Қоч деган сўзларинг менга қабоҳат,
Менда ҳам бор эди улу қиз фарзанд.

Мен қайда кетарман бошимни олиб,
Үртангандар ўтларга жонимни солиб,
Улу қизим қандай ташлаб кетаман,
Чамбилинг элида дарбадар қилиб.

Феъли кетган Гўрўғлини биласан,
Қоч деб менга насиҳатни берасан.
Қочиб кетсам эрта-мертан келмайми,
Улу қиз, рўзғорим банди бўлмайми,
Аваз қочди, фарзандлари қолди деб
Бошин кесиб, буни дорга илмайми,
Ўзинг ўйла, шундай ишлар бўлмайми,
Ўрдада ойимлар йиғлаб турмайми,
Бола-чақа хўўп шарманда бўлган сўнг,
Халқ кулиб ортимдан гап қип юрмайми!

Қоч деб айтдинг, эна, қандай бўлади,
Қўнглима шундай гаплар келади,
Ўзинг ўйла, кўнгилдаги бўлади.

Баҳор бўлса тогнинг қори эрисин,
Бола-чақам қўлга тушиб қолган сўнг,
Энажон, қочганим менинг қурисин.

Эрта билан Фирқўк отни минайин,
Талабкор деб довуш қилнб кўрайин,
Тараф тортиб менга етган йигитлар
Қочганча қиличлашиб ўлайин.

Ким билади кўнгилдаги ишини,
Қиарман деб бунда қанча кишини,
Қизиқ қонда, эна, қўлима тушса,
Мен кесарман Гўрўғлининг бошини,
Барча халқи кўрсин Аваз ишини,
Қоч, деб сен гапирма мендай кишини.

Отим Аваз, ўзим мисли аждаҳор,
Қочиб кетмак, ўйла, энди не даркор,
Майдон куни нобуд бўлар душмайлар,

Қўлимда ўлади у Аҳмад Сардор.
Ўзинг ўйла, менинг қочишим бекор,
Неча урушларда бўлганиман сардор,
Отим Аваз, ўзим юрган диловор,
Аёллик қип айтдинг, эна, муштишар,
Бундан бизга қочиб кетмак не даркор!

Шунда Авазга яна насиҳат қилиб: — Э, Авазжон,
сен бундай мениман бўлма, бир бўйни йўғонликларни
ташлагин, мард йигитнинг бошида шундай-шундай гап-
лар бўлади. Қандай бўлса, Гўрўғли отанг-ей. Ота де-
гансан. Мен биламан, Сардор туҳмат қилибди, имони-
дан айрилибди, гувоҳлик берган кишилар ўзинга жабр
қилибди. Шуларнинг жони-имони билан отанг сени гу-
ноҳкор қилибди... Ўғлим, қизим демагин, — деб энаси
оға Юнус парнзод бир сўз айтиб турган экан:

Жоним болам, улу қизим демагин,
Қандай бўлса бу Чамбилда қомагин,
Фарзанднингга, болам, раҳбар бўлайин,
Фарзандларинг бўлса сенинг гуноҳкор,
Фарзандингдан бурун бошим берайин.

Аввал ҳаққа топшир, қолмишин менга,
Фарзандларинг топшираман [мен] сенга,
Сен келганча мен ўрнингда турайин,
Болаларинг ўтдай қилиб жайнатиб,
Нон ўрнига қанду новвот чайнатиб,
Фарзандингга, болам, раҳбар бўлайин.

Остингда ўйнасин, қўзим, Фиркўк от,
Ҳеч кимсаман сен қилмайсан маслаҳат,
Сен оқшомлаб кетсанг, топасан најот,
Сен кетасан бундан соғу саломат.

Қайғу-войим, хафаликни олмагин,
Фарзандим, деб сен кўнглинигпи бўлмагин;
Болангни топширгин мендай энангга.
Сақлаб турай фарзандларинг саломат,
Қилдирамасман ҳеч маҳалда хиёнат,
Тонг отганча турма Чамбил шаҳрида,
Эрта-мертан бўлар турли аломат,
Энанг сўйлаб айтди пайду насиҳат,

Болам сенинг сиру ҳолинг билганман,
Сени жўнатмак бўп бунда келганман,
Билган насиҳатим сенга берганман,
Тонг отмайин мингин отнинг белига.

Сенга сўйлаб турган энангнинг панди,
Сен ҳам, қўзим, оға Юнус фарзанди;
Қайишгандан келиб сенга сўйладим,
Кўп сўзларни мен ўрдамда ўйладим,
Тонг отганча қолма Чамбил шаҳрида.

Бошиқа юртда кун кечнриб юрарсан,
Ўлмасанг, бир куни қайтиб келарсан,
Соф-саломат фарзандларинг кўрарсан...

Авазхон бурунги гайратидан тушиб: — ...Эна, бу Гўр-
ўғлининг феъли кетди, ҳеч кимнинг гапига қулоқ сол-
майди, ўз билганидан қолмайди. Мен кетгандан кейин
йиғилиб келиб, бола-чақамни тутиб олиб, бошини кесиб,
дорга тортар, деб кўнглима келади, — деди. Оға Юнус
айтди: — Мен тирикман, аввал мени ўлдирмай, сенинг
болаларингга зарар етказмас. — Хайр, Фиротни олиб
кел, — деди Авазхон.

Ўзингизнинг хабарини бор, боя ўрдага етаклатиб
юборган Фиротни, бекдан амир бўлмаса, ҳадди йўқ боғ-
лаб қўймоққа. Ярим кеча бўлганми, сахар бўлганми?
Ширвонда эгарланган эгари билан ҳали етаклаб юриб-
ди. Авазнинг ёв-яроғи ўзи билан бирга. Авазхон Фирот-
ни минди. Оға Юнус дарвозани очди, Авазхон Фиротнинг
жиловпни бўшатди, ҳар тарафдан шакамайлар милтиқ-
ни тираб отди, Авазхон қиличини сермаб ўтди, йигирма
бир одамнинг бошини олиб кетди. Қичов бўлса, хоннинг
Фироти милтиқнинг ўқпидан тез кетади. Бу отилган ўқ-
ларнинг таъсири бўлмай, омон ўтди; оға Юнус дарвоза-
ни беркитди. Авазши жўнатиб, таваккал-да, деб тинчиб
ётди. Авазхон қаланинг дарвозасига етди. Қаланинг
дарвозасини миршаб, шабгир¹¹, даҳбошилар ўраб туриб-
ди. Буларнинг лошидан бошини жудо қилиб, танасини
қанордай қилиб қўйиб, Авазхон дарвозани очиб, шаҳар-
дан чиқиб кетди.

Авазхон фикр қилиб бораяпти: «Гоҳ бу ёнбошдан,
гоҳ бу ёнбошдан болалари ота деб чопиб келгандай бў-

¹¹ Қўлләзмада шабгар.

лая,сти». Эрта-мертан тонг отди. Бу хабар Гўрўғлига етди. Гўрўғли айтди: «Оббо, энағар. Ўзининг ҳам ғайрати бор эди, хунини ҳам тўлаб кетди». Шунда жаллодларни чақириб, бир сўз айтиб турибди:

Келинг энди, миғазабу жаллодлар,
Авазнинг боласин ҳайдаб келинглар,
Ҳаяллама, ул ўрдага боринглар,
Ўрдасига қиёмат кун солинглар.

Солинглар бошига ажойиб савдо,
Чорвадорлар молин ёяди товга.
Бунда турдик эсингизга келмабди,
Аваз билан кетган Фиркўк бедовди(р).

Дод айласа, эшитманглар сўзини,
Ҳайдаб келинг Авазнинг улу қизини,
Тириклийн ўйинг икки кўзини,
Қолмасин Аваздан ул ному нишон,
Дорга тортинг бунинг улу қизини.

Қойил бўлсин Гўрўғлининг ишига,
Қамчи ургин ойимларнинг бошига,
Қарға, қузғун тўйисин унинг гўшига;
Авазхондан ному нишон қолмасин,
Авазнинг кўнглидай ишлар бўлмасин.

Отга солди арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Хон Гўрўғли жаллодларни буюрди.

Миғазаб, жаллодлар бундан кетади,
Авазхоннинг ўрдасига етади.
Оға Юнус дарвозани олади,
Йўл бермайди жаллодларга, туради.
Ўрдада ойимлар ҳаққа йиғлади,
Ииғлаганда нима илож қиласди?!

Ўз бошин қутқариб тўрам кетди, деб
Дарвозага қонхўр жаллод етди, деб.
Оҳ урганда тўкиб кўздан ёшини,
Чинқириб чиқарар ойим довшини,
Қандай замон, бундай кунда қолдик деб,

Хоним кетди, бул ҳаммамиз ўлдик, деб,
Қонхўр жаллодларга дучор бўлдик, деб.

Оға Юнус дарвозада бўлади,
Ийглама деб тасаллини беради,
Дарвозани очгин деди жаллодлар,
Неча сўзни қонхўр жаллод айтади:

— Бизлар жаллод, хон амрини тутамиз,
Хоним ҳар на деганини айтамиз,
Авазнинг ўрдасин бугун талон қип,
Бола-чақасини ҳайдаб кетамиз,
Бошин кесиб, элтиб, дорга тортамиз.

Биз бўлмайник Гўрўғлига гуноҳкор,
Гўрўғлининг амрин тутар жаллодлар,
Бизга йўл бер, оға Юнус паризод,
Бизга бўлмасин-да, сўнгра сиёsat,
Қайтиб борсак, ўлдиради у бекзод.

Гўрўғли бизларни қўймай буюрган,
Хоннинг ҳукми билан жаллодлар келган,
Бу сўзларни айтар сизга жаллодлар,
Бизлар билсанг Гўрўғлига хизматкор,
Ўзинг ўйла, бизда нима ихтиёр.
Гўрўғли йўл берди, бизлар келдик,
Хоп айтмаса, ҳадди борми жаллодлар?!

Бу сўзни жаллодлардан эшитиб, оға Юнус паризод
гоҳ жаллодларга гапириб, гоҳ «ўлар вақтим яқин келди»,
деб бола-чақасини қуchoқлаб, йўқолиб турган Авазнинг
оиймларига тасалли бериб, жаллодларга бир сўз
айтиб турган экан:

Келган йўлга қайтиб кетгин, жаллодлар,
Нега қилди гўдакларни гуноҳкор,
Ўйла, Гўрўғлига бир гап бўлдими,
Гўрўғли ақлини худой олдими,
Ўйда ўлтирган Авазнинг ўғли
Сардор тогасини ҳайдаб келдими?!

Шу сўзимни Гўрўғлига айтиб бор,
Гуноҳ қилмас норасида гўдаклар,
Ўтсин гуноҳидан давлатли шунқор.

Утмаса, мен тақдиримдан кўрарман,
Қаптар либосимни бунда киярман,
Парвоз қилиб мен ҳам учиб ҳавога,
Боғи Ирам элга бориб келарман.
Деву пари булутдайин ёғдириб,
Чамбил қаласинп қонга тўлдириб,
Чамбил элда Гўрўғлини ўлдириб,
Афсар девни опкеп подшо қиласман.
Мен парпзод, шу шартимни қиласам,
Париман отимни бошқа қўярман.

Шу сўзимни Гўрўғлига айтиб бор,
Гўрўғли бўлибди бунда ҳукмдор,
Қўп зўрлаб сен ҳам бўлма гуноҳкор,
Келган йўлга кета бергин, жаллодлар!

Бу ерларда оҳу афғон этасан,
Ҳаяллаб, жаллодлар, бизни қайтасан,
Яширмагин менинг айтган сўзимни,
Не деганим Гўрўғлига айтасан.

Ўйла, Гўрўғлига бир гап бўлибди;
Гўдакларни гуноҳкор қип турибди;
Бу гўдаклар гуноҳ ишни билмаган,
Беадаблик ишни сира қилмаган,
Дала-даштда ҳабош-бебош юрмаган,
Ким ёмон, ким яхши, сира билмаган,
Келган йўлга бора бергин, жаллодлар!

Аваз кетди, булар тинчиб ўтирсин,
Гуноҳ қилган киши тақдирдан кўрсин;
Бироннинг ишига бирор топами,
Аваз бўлган экан, билсақ, гуноҳкор,
Ота учун бола ўлмак на даркор.
Авазнинг кетганин Гўрўғли билсни,
Гуноҳкор изласа, ахтариб юрсин,
Қайдан топса, Авазхонни ўлдирсин,
Келган йўлга бора бергин, жаллодлар!

Ҳеч замонда шундай гаплар бўлами,
Ота учун бола бошин берами?!
Ўйла, Гўрўғлида ақл бўлами,
Шу сўзимни айтиб боргин, жаллодлар!

Бу сўзни оға Юнусдан эшитиб, жаллодлар сесканиб қолди: «Оға Юнус зўр хотин, бир бало қилади бизни», — деб турди. Оға Юнуснинг сўзини Гўрўғлига айтиб боргани жаллодлар бир-бирига: — Сен бор, сен бор, — дейди. «Борсак Гўрўғли ўлдиради», — деб ҳар қайсиси боргани қўрқади. «Бўйтіб зинкийиб туриб ўлганча, бориб ўлайик», — деб иккитаси туриб жўнаб кетди. Гўрўғлининг қошига етди. Шунда жаллодлар айтди: — Оға Юнус ўрданинг дарвозасини олиб турибди, ичкари кирмакка йўл бермайди. «У, гуноҳидан ўтсин. Гуноҳидан ўтмаса, бир соатда Боги Ирам бориб келаман, дев-парни ёғдириб, Чамбилда Гўрўғлини ўлдириб, ўрнига Афсан девни подшо қиламан. Шу шартимни қилмасам, париман, отимни бошқа қўяман», — деб бизни ичкари киргизмади, — деди. Ўйлаб туриб Гўрўғли айтди: — Шунники ҳам рост, бизларники ҳам. Жуда номардлик бўлиб кетди. Тоғамии бойлаб ҳайдаса, Аваз ҳайдаган-да! Бунинг уйда норасида гўлаклари ҳам менинг тоғамни бойлаб ҳайдай бердими?! Ўзидан-ўзи бизга бир гап бўпти-ёв! Бор, гуноҳидан ўтдик.

Иккиси жаллод оёги енгил ошибиб: «Гуноҳидан ўтди, бу Гўрўғли оға Юнусдан қўрқади экан-да», — дегандай қилиб, дарвозага келиб: — Бувишим, суюнчи беринг, гуноҳидан ўтди, — деб турибди. Оға Юнус суюнчига иккогина иккиси гавҳар берди. Бу ёқдаги жаллодлар: «Биз борсак бўлади экан-ку», — деб қолди. Энди булар тинчиди.

Қочиб чиққан Авазхон йўлда хаёл суриб: «Болачақам қандай бўлди», деб бораётир эди. — Шошма, қўзим, — деб бирор отнинг жиловидан ушлай кетди. Сесканиб Аваз қўзини очди. Қўзини очиб қараса, Чамбидаги Ҳасан Кўлбар. Бул ниҳоятда зўрабор, агар зеҳни койиб, бир муштласа, ҳам Аваз ўлади, ҳам Фирот. Аваз Ҳасан Кўлбарни таниб қолди. Ҳасан Кўлбар Авазга ниҳоятда хуштор эди. «Авазнинг жамолини бир кўрсам», — деб Гўрўғли хизматига келиб юрган эди. Тағин қирқ йигитга чулон пиширадиган ошпазлик номи ҳам бор эди. Ҳасан Кўлбар қозонга айланганда йигитлар [унга] айтар эди: «Авазжон, бир кўриниш бериб кет, бир ош егандай бўлиб қолайик». Унда Аваз: «Бобо, Гуржистонда бир аммам бор, сизга олиб келиб бераман», — деб кулиб ўтиб кетар эди. Шу куни паловни жуда ўхшатар эди. Тасма палов қилар эди. Аваз кўринмаган куни ошнинг кўти куйиб кетса ҳам иши йўқ эди, бети куйиб кет-

са ҳам иши йўқ эди, Чамбидда буни от тортолмас эди. Авазнинг ҳукмикушга тайин бўлганидан хабари йўқ эди. Илгаридан пиёда овга чиқиб кетган эди. Икки тонгнинг икки чўққисини қўлига олиб юрар эди; шу тонгнинг чўққиси қўлида бўлмаса, қувласа, қулонлардан ўтиб кетиб: «Бу сойда қолди, бу сойда қолди»,— деб ачиниб, кўп ҳалак бўлар эди. Шунда Ҳасан Кўлбарининг қўлига тушиб қолиб, Аваз қандай қилиб қутулиб кетарнинг ҳисобини қилолмай, бир сўз айтиб турган экан:

Жиловимни бежой иркдинг, бобожон,
Сенинг учун мен бораман Гуржистон,
Фуржистонда аммам бойш ўлибди,
Билсанг, аммам есир бўлиб қолибди.
Хатию хабари менга келибди.
Ҳадик бериб жиловимни ушладинг,
Жиловимни қўя бергии бу замон,
Сенинг учун бориб келай Гуржистон.

Минибман отамнинг лайли Фирига,
Бориб келай Гуржистоннинг элига,
Ул аммамни лайли Фирга миндириб,
Опкеп берай сендей бобом қўлига.

От ўйнатиб чиқдим Хизир дашига,
Сўнгра тан бер Авазхоннинг ишига.
Жиловимни қўйиб юбор бу замон,
Сенинг учун мен бораман Гуржистон.

Сен юрибсан бунда Чамбил элида,
От жилови сендей бобом қўлида;
Мазгилимиз бўлсин ажойиб гулзор,
Орасида неча Асқар тоғи бор,
Бу тоғлардан ўтар Фирқўкдай тулпор,
Сенинг учун Аваз бўлди хизматкор;
Отнинг жиловини қўймоғинг даркор,
Сенга сўйлаб айтган сўзим шу бўлар.

Шунда Чамбидда гапириб юрган сўзини Аваз: «Ҳукмикушга тайин бўлганимдан хабари бормикан»,— деб сесканиб гапираётир эди. Ҳасан Кўлбар жиловидан тутди, Гўрўғлиниг қошига элтса, ўлим ҳақ эди. «Бу баҳодир бекларнинг олдида шарманда бўп ўлдим»,— деб эди. Қочганига пушаймон қилган эди. Ҳасан Кўлбар ҳукмикушга тайин бўлганини билмаганига ишонгаидан

сўнг Авазхоннинг бир оз чирои очилиб турди. Шунда Ҳасан Кўлбар бир-икки оғиз сўз айтаётир.

Аммам бор деб ҳамнша алдаб юрасан,
Овлоқ жойда болам қулай келасан,
Қандай бўлса бир муччини берасан.

Минибсан отангнинг аспи қушига,
От ўйнатиб чиқдинг Хизир дашига,
Амманг кирган, болам, неча ёшига?

Йили, ёшин мен ҳисоблаб кўрайин,
Йили билан ёши тўғри келганда,
Амманг бори рост, жавоб берайин.
Унинг ёши, йили тўғри келмаса,
Сўзинг ёлғон, босиб муччи олайн,
Аммангнинг анигин шуйтиб билайн,
Қайта-қайта тати тайлаб сўрайин.

Сўз айтарман сендай болам шаънига,
Боқиб сўйла Ҳасан бобонг ҳолига,
Бориб қайтсанг Гуржистоннинг элига,
Опкеп берсанг мендай бобонг қўлига,
Тан берарман сендай марднинг ишига,
Сўйла, амманг кирган неча ёшига?

Бу сўзни эшитиб, Авазхон: «Буннинг сўрови ёмон бўлди. Бунинг йил ағдариб кўрадиган одати ҳам бор эди, энди нетайин», — деб ҳайрон бўлди. «Энди бунинг қўлидан нетиб қутулиб кетаман?! Қел, таваккал қиپ бир пимани айта қолай, ё тўғри келар, ё қийшиқ келар», — деб Аваз бобосига қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Минибман отамнинг аспи қушига,
Яхши одам кўнар тангри ишига,
Чиқа келдим мен ҳам Йизғор дашига,
Аммам кирган юз йигирма ёшига.

Сен эшитгин Авазхоннинг тилини,
Кўзлаб чиқдим Гуржистоннинг элини,
Маймун дейди шу аммамнинг йилини.

Қани, бобо, ҳисоблаб кўр борини,
Топиб олгин гапнинг ёлғонларини;

Ҳақ кўнглимни сенга айтиб турганман,
Чамбилбелда ном кўтариб юрганман,
Баҳодирлар ёлғон сўзни айтмайди,
Мард йигит сўзидан сира қайтмайди.

Топиб олгин гапим ёлғонларини,
Ҳисоблай бер кўнглингдаги борини,
Сенга айтдим аммам таърифларини.

Гуржистон деганинг ажойиб шаҳар,
Аммам келса, бобо, баҳринг очилар,
Жиловимни қўя бергин, бобојон,
Тура берсам бунда кунлар кеч бўлар,
Йўл олиб жўнасин Аваздай қайсар,
Рост турганда ёлғон гаплар на даркор.

Аваздан бу сўзни эшитиб, бобоси Ҳасан Кўлбар юз йигирма ёшини маймун йилига ағдариб ҳисоблаб кўрди: тўппа-тўғри чиқди. Ҳасан Кўлбар туриб айтди: — Баракалла, ўғлим, душманларнинг айёрга ҳам рад берган эдинг, ҳеч кимга бундай тўғри гапирмаган эдинг. Амманг юз йигирмага чиқсан бўлса, ҳали ёш экан. Ёш ҳам бўлса, майли, опкеп бер, ўзим кўтариб юриб, кийик гўшти бериб, каттартириб оламан, — деб тайинлаётир:

Кўрмай ошиқ бўлдим амманг ҳилига,
Опкеп бергин Ҳасан бобонг қўлига,
Кўп юрмагин Гуржистоннинг элига,
Омон бориб, омон қайтгин, Авазжон.

Сен келганча мен ҳам овда юраман,
Ул аммангга оҳу гўшти бераман,
Кўтараман, катта қилиб оламан,
Кўрмайин аммангга ошиқ бўламан.
Эрта бориб, тезроқ қайтгин, Авазжон.

Ҳасан бобонг сенга неча сўз сўйлаб,
Аммангни кўрганча суқсурдай бўйлаб,
Келиб қолгин бир кунлари ҳай-ҳайлаб,
Бу хизматга болам белингни бойлаб,
Кўп ҳаяллаб Гуржистонда қолмагни.

Юришингни унда бирор билимасини,
Аммангнинг пайида юрган бўлмасини,
Қўлга тушириб сени ҳалок қилмасин.

Кўп яшасин, сендай болам ўлмасин,
Олиб қайтгин, дўсту душман кўрмасин,
Соф бориб, саломат қайтгин, Авазжон..

Кўзлаб чиқсанг сен ҳам узоқ йўлини,
Қариганда билдинг бобонг ҳолини,
Ҳақладинг бобонгнинг хизматларини,
Тўполон қилмагин амманг элини,
Эрта борсанг, тезроқ қайтгин, Аваэжон,

Лодон кўнглиниг ҳар хаёлга бўлмагин,
Ишинг чиқиб, кўп ҳаяллаб қолмагин,
Аваз, мардсан, номард ишин қилмагин.

Одам суюнади марднинг сўзидан,
Мард йигитлар бурилмайди изидан,
Мард бўлсанг, номард ишин қилмагин,
Кўп ҳаяллаб Гуржистонда юрмагин,
Бунча сен бобонгни интиқ қилмагин,
Соф бориб, саломат келгин, меҳрибон.

Юришинг, биламан, Чамбильда дархон,
Бобонгни эсингга опсан, Авазхон,
Сени келар дейман, бунда юраман,
Бир тўғри гапирдинг, ўзим биламан,
Амманг билан ватан-рўзгор қиласман,
Мен аммангга кийик гўшти кўпайтиб,
Аммангнинг кўнглини хушлаб тураман.
Мен юрарман келар вақтинг сўроқлаб,
Бормайман Чамбильга йўлингга қараб;
Амманг келгандан қай бирга борамиз,
Сендай мардни қайни қилиб оламиз,
Сен келганча бунда овора бўламиз,
Сенга айтган сўзим шулдир, Авазжон.

Аммам деб сўйлаган сенинг тилингдан,
Аччиғлансанг, ҳар иш келар қўлингдан,
Умид узгин, эрта қайтгин элингдан.

Энди сенга тимсол айтдим бир алвои,
Гўрўғли ўғлисан ўзинг, Аваэжон,
Шавкатинг каттадир, Чамбильда дархон.
Ҳаялламай эрта қайтгин, Аваэжон.

От чопмоққа хўп қойимдир даласи,
Баҳорда очилар тонгнинг лоласи,
Сенсан, қўзим, Чамбил элнинг тўраси,
ЭртА борсанг, тезроқ қайтгин, Аваzжон.

Кўп ҳаяллаб хаёлингни бўлмагин,
Сен мени амманнга интиқ қилмагин,
Ишинг чиқиб, кўп ҳаяллаб қолмагин.

Шунда Аваzхон балодан қутулгандаи бўлиб жўнаб
кетди. «Менга аммасини олиб келиб беради», — деб Ҳа-
сан Қўлбар қайтди. Аваz борадиган ерининг тайини йўқ,
қаёққа борарини билмай, боши оққан томонга йўл ёриб,
чўлда кетиб бораяпти. Бола-чақаси эсига тушиб: « Ҳбли
аҳволи қандай бўлди экан», — деб кўнгли бузилиб, ха-
фа бўлиб, бағри эзилпб, бу сўзларни айтиб бораяпти:

Яхши кунлар дўниб қора,
Бағрим бўлди пора-пора,
Бўлдим йўлларда овора.

Кўзларимдан кетиб равшан,
Топилмади сарой, бўстон,
Дўстлар бўлди менга душман,
Хондан йўқ Чамбилда нишон,
Юришим менинг пушаймон,
Мен ҳам эдим марди майдон.

Ким билар менинг ҳолимни,
Бул юришда аҳволимни;
Эсиз, менинг ғамсиз бошим,
Йўқдир ёнимда йўлдошим,
Душман бўлди кўп сирдошим.

Хафа фалак солди зулм,
Чўлда забун бўлиб ҳолим,
Икки фарзанд жону дилим,
Гўрўғли қилдими зулм,
Е ўлдими менинг улим?!

Утди бу кўрган давроним,
Шул юришимда ўлиб кетсан,
Ўчади ному нишоним.
Аваzхон дер сўзни сўзлаб,
Мен бораман кимни излаб,

Ўз ҳолима ғарнб бўлиб,
Инглайман бўтадай бўзлаб.

Ҳаққа етгай оҳу зорим,
Сабил бўлди кирдикорим,
Қандай бўлиб қолди унда
Ўрдадаги иккни ёрим.

Оға Юнус бўлиб раҳбар,
Қонхўр Гўрўғлида бор иҳтиёр,
Ўтиб кетса ул фарзандлар,
Менинг кўрган куним бекор.

Айрилиққа багрим доғлаб,
Қўйиб-қўйиб, қонлар йиглаб,
Боролмайман Чамбильбелга
Фарзандларимни сўроқлаб.

Чамбильбелдан жудо бўлдим,
Абгору афтода бўлдим,
Қонлар йиглаб чўлда қолдим;
Аввалинда бек бўп юриб,
Фарибликда жафо кўрдим.

Гангиди шунқордай бош,
Қўкка етади нолиш,
Оҳ тортганда ғамгин бўлиб
Чиқар ҳар замон довуш.

Ана шунда Авазхон, Ғиротга одат эди. Суворига мингандай аста-аста юрса, ўн кунда олти ойчилик йўлни олар эди. Қўзига бир шаҳар — мамлакат кўринди. Авазхон айтди: «Бу қандай шаҳар экан. Агар подшоси мусулмон бўлса, шу шаҳарга бориб, шунинг хизматида бўлсан?» Шаҳарнинг бир тарафи чўл, бир тарафи тўқайистон, кўл. Яқинлай бериб эди, намозгарнинг шўъласида ярқиллаб бутхоналар кўрина берди. Авазхон айтди: «Бу шаҳар коғир экан. Ке, бу шаҳарга бормайин, менинг ўз войимим ўзимга кўплик қиласди. Менинг қўриб қолса, Ғирот билан менинг овозам кетган. Харидори тармасиб, айрилмай юрса, мен бир ўзим бўлсан, урушнуб кимга юрт олиб бераман. Бу шаҳарга кирмай, тўқайистон билан кетайин», — деб отини тўқайистонга

Бурди. Шу вақтда тўқайда кўлнинг ёқасидан бир марди қалон — мўйсафид киши, остида катта бўз оти бор, эгарининг қошида добили, қўлида бўз қарчигай, кўлдан ниқиб кела берди. Авазхон айтди: «Бу бутхоналарга қараганда, бу шаҳар кофир бўлса керак эди, бу мусулмон ё бир айёрмикан, айёрлик ҳам шу тартибда бўлиб юрар эди». Аваз билан ҳалиги чол йўлиқиб қолиши. Авазхон айтди: «Шунга салом берсаммикан, бермасаммикан?.. Салом берайин, соқоли оқарган, қари киши ёкан? — деб салом берди. Шунда ҳалиги бобо алиқ олиб, Авазхонга қараб, бир-икки сўз айтиб турган экан:

Қайси элдан, қайси юртдан бўласан,
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан,
Хабар бергин, қўзим, қайдин бўласан?

Остингда юз алвон ўйнаган отинг,
Қаерларда сенинг ўсган элатинг,
Менга хабар бергин, болам, авлодинг,
Хабар бергин, бўтам, қайдин келасан?

Тарзингни менгзайман осмонда ойга,
Жасадинг ўҳшатдим бўз қарчигайга;
Бино бўлдинг қайси гавҳар донадин,
Сендаид ўғлон бино бўлмас энадин,
Парвоз қилдинг қайси мазгилхонадин,
Хабар бергин, ўғлим, қайдин бўласан?

Шундай бўлдими сенга ҳақнинг фармони,
Сени туққанларнинг борми армони,
Наслинг одам десам, биҳишт филмони
Хабар бергин, қўзим, қайдим келасан?

Қийғир деган қуш ўлтирап қиёда,
Ажойиб йигитсан фоний дунёда,
Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Файрат қилсанг, шоҳлар юрар пиёда,
Шер ўмганли қайсар, қайдин бўласан?

Танимадим сендаид шунқор кишини,
Билмайман мардларнинг қилар ишини.
Лочинисифат қўзим, қайдин бўласан,
Меҳнат тортиб узоқ йўлдан келасан,
Йўл бўлсин, жон болам, қайдада борасан?

Менга хабар бергин мамлакатингни,
Нима деб айтади сенинг отингни,
Мен билайн сенинг асли зотингни,
Парвоз қилган шунқор, қайдин бўлласан?

Қайси элда, қайси юртда бўлдинг сен,
Меҳнат тортиб бу ерларга келдинг сен,
Сиру аҳволингдан баён айлагин,
Бир лочин боқишилим, қайдин келасан?

Бир ажойиб ўғлонсан фоний дунёда,
Сен йўлиқдинг менга майдон орада,
Жасадингдан мендай бобонг садаға,
Иўл бўлсин, жон болам, қайда борасан?

Бу сўзни деган сўнг Авазнинг кўнглига келди: «Бу мабода душманнинг айёри бўп мендан ҳийла билан сўраяптимикан?», — деб ўйлади. Шунда Аваз бобога қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

... Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон,
Сендан савол сўраб мендай мард ўғлон,
Кофири мисан, бобо, айтгин мусулмон?
Сен динингдан баён айла бу замон,
Сўнгра сўра менинг ўсган элимдан.
Кофири мусулмонлигинг билайн,
Душман бўлсанг бошинг боғдай чалайин,
Дининг қандай аввал сендан сўрайин,
Сўнгра мен сўзингга жавоб берайин.

Менинг айтганимни билгин, бобожон,
Ҳийла билан сўраб бўлма саргардон,
Соқолинг оқариб, ёшларинг қайтган,
Хурмат қилиб мен сўрадим меҳрибон,
Кофири мисан, йўқса ўзинг мусулмон,
Тортинмайин жавоб бергин, бобожон.

Гул тарзим сарғайиб сенга қарадим,
Жавоб бермай мен динингни сўрадим,
Олғир қуш кўтариб бунда келасан,
Сўраган сўзима жавоб берасан;
Кофири мисан, ростин дегин мусулмон,
Душман бўлсанг, бобо, мендан ўласан.

Шунда бобоси бу сўзни айтиётир экан:

Баланд тофнинг бошин чалгандир туман,
Ҳар кимнинг устинда бир турли замон,
Мени душман билиб айлама гумон,
Кофирсан деб гумон қилма мард ўғлон,
Алҳамдулло, мендай бобонг мусулмон...

Мен юрганман элдан-элга адашиб,
Сени кўриб кетди кўнглим тошиб,
Кофир, мусулмонлигим мендан сўрадинг,
Сўнгра кетдим мен ҳам ўтдай туташиб.
Хизмат қилсан оғир ишлар битказиб,
Исломнинг динида умрим ўтказиб,
Ёшим қайтиб, мен ҳам шунча кун кўрдим.
Авазнинг ишига бобоси кулди,
Сўраган сўзига табассум қилди.

Шунда Аваз бобосига сўз айтаётир:

Энди сенга тимсол айтай, бобожон,
Остима минганим Фирқўдай ҳайвон,
Гўрўғли ўғлиман — отим Авазхон,
Мени билсанг Чамбили элдан келаман.

Бобо, қайтай, кетди ақлим шошиб,
Мен юрибман элдан-элга адашиб,
Насибам тортгандир гузарим тушиб,
Мени билсанг, туркман элдан бўламан...

Туркман халқда бордир Аҳмад Сардор,
Ноҳақ туҳмат қилди менга баччағар,
Гуноҳкор айлади Гўрўғли номдор.
Қанча хизмат қилдим, ишларим бекор,
Чамбили юрти ҳозир бўлмади даркор...

Менда йўқдир ҳозир юртим, иктиёр.
Мазгилим бор эди ҳам гулу гулзор,
Бизни ҳайдади Чамбилда беклар.

Айтайн, бошимда шундайин савдо,
Ҳўкмикушим тайин бўлганда элда,
Қочиб чиқиб кун кечирганим чўлда.

Бу сўзни эшитиб, бобо кўзин ёшлади,
Ҳай аттанг, деб ўзин отдан ташлади:

Туркманинг элида Ёвмиттир жойим,
Аҳмад Сардор қуриб кетсии илойнм;
Менинг бола-чақам Чамбидда қолди,
Сардор туҳматиман бу бобонг келди.

Отимни сўрасанг Ашурбек Сардор,
Бир милиён менинг аскарларим бор,
У юртнинг каттаси Гўрўғли номдор,
Мен ҳам эдим Гўрўғлига хизматкор,
Иғво билан мен ҳам бўлдим гуноҳкор.

Асқар тоғнинг бошин чалган туманми,
Ғамли қулга мудом оҳир замонми?!
Аввал бошлаб эл каттасин сўрайин,
Чамбиделда Гўрўғлихон омонми?
Отимни биласан Ашурбек Сардор,
Нима қилсан ўзимдадир ихтиёр,
Ёвмитда қолганди амлоку рўзгор,
Чамбиделда кўрган кўзлар омонми?

Мана тақдир ҳайдаб сен [бунда] келдинг,
Бу кунда йўлиқиб сўзлашиб қолдинг,
Сен-ку исенинг тўражоним бўласан,
Кўнглими кўтариб сўраб турасан.

Ҳаво ёғиб, ҳалқоб ерлар лойланди,
Авазхонни етти марта айланди.

Шунда Авазхоннинг кўнглига келди: «Бу айёр экан, мендан айёрлик билан сўраган экан. Чопиб ташласам-микан?» — деб қиличга қўй узатди. Яна кўнглига келди: «Бир чолни чопиб ташлаб, бундан нима обрў оламан. Ке, олдин сўрайин?» — Мен сенинг қандай тўражонинг бўламан? — деди. У бобо айтди: — Уғлим, мени ҳали ҳам таниганинг йўқ экан-да. У, Чамбидда мен Туркманинг Ёвмит деган еридан бўламан, Ашурбек Сардорман. Мен Чамбидда шундай баҳодирлик ном кўтардим. Неча шаҳарларни олиб, Чамбидга тобе қилдим. Балхивон шаҳрини, Ҳазористон шаҳрини олиб, Чамбидга қаратдим. Гўрўғлининг тоғаси Аҳмад Сардор бир куни Гўрўғлига иғво қилибди: «Неча марта маслаҳатини эшидим: Ашурбек иш кўрсатиб юрибди, буларга ишонма. Булар сени ўлдириб, ўрнингга бек бўлмоқчи», — дебди. Бу иғво

Билен Гўрўғли мени гуноҳкор этиб, ҳукмикушга тайин қилди. Мен оқшомлаб қочиб, бу шаҳарга келдим,— деди. **А**вазхон айтди: — Бобо, биз ҳам сендаи, сенинг Ёвмитда икки ўғлинг қолса, менинг ҳам бир ўғлим, бир қизим қолди. Шаҳри Ширвондан Аҳмад Сардорни бандиликдан ажратиб олиб келдим. Олиб келиб шу туҳматга эга бўлдим. Гўрўғли мени ҳукмикушга тайин қилди. Оқшомлаб ҳукмикушдан қочиб, бунда келдим. Қани, бобо, бу шаҳар коғирми, мусулмонми? Унда у бобо айтди: — Бу шаҳарга мендан бошқа мусулмон йўқ. — Мусулмон бўлмасанг, тилига тушунмасанг, қандай қилиб кун кечириб юрибсан, — деди Аваз. Унда Ашурбек Сардор айтди: — Мен даставвал бу юртга келганимда гадойлик қилдим. — Буларнинг тилига тушунмасанг, гадойликни қандай қиласан? — деди Авазхон.

Бобо айтди: — Тилга тушунмаса ҳам хайри худойини жуда кўп берар экан. Шундай қилиб, хайри худойинини йиғиб юраман: «Ўлганингга умр берсин, қолганингга қирғин берсин», — деб дуо қила бераман. Бизни улар жуда дуогўй деб хурсанд бўлишади. Бир куни шундай дуо қилиб ўтирган вақтимда, бир киши калламга қўйиб юборди. Ўзга кишилар: «Бизнинг дуогўйимизни нега урасан?» — деди. У буларнинг тилини билар экан, сўнгра тушунтирди. Тушунтиргандан кейин: «Бизнинг пулмизни олиб, ҳамиша шундай дуо қиласан экан», — деб бизни ўлганча урди. Уриб ўлдириб қўймасин, деб қўрққанимдан буларнинг кўзига мен бутга сажда қилдим. Подшосини Қария шоҳ дер экан. Қария шоҳининг бир қизи бор экан. «Бу бутга сажда қилди, ҳур бўлди, мен қизимни хурга қўшаман», — деб қизини бизга бериб қўйди. Биз Қария шоҳининг қизини олиб, подшога куёв бўлиб, шу вақтда бу шаҳарни ўзим сўраб юргандай бўлиб юрибман-да!

Иккени ётар хуфтонгача шу кўйда ганилашиб, бошидан ўтган сир-аҳволни сўзлашиб, гоҳ Аҳмад Сардорни сўкиб, гоҳ кўрган куинга шукур қилиб, гоҳ фикр қилиб, шунда Сардор Авазга бир сўз айтаётган экан:

Иккимиз ҳам элдан жудо — саргардон,
Икки адашганни қўшди яратган,
Хўп сўзлашдик, тангрим бўлди меҳрибон,
Бизникига бирга юргин, Авазжон.

Сени ташлаб мен ҳам қайда борайин,
Мазгилима сени меҳмон қилайин,
Хизмат қилиб, хўп дардлашиб турайин,
Жой-жалойимни кўргин, Авазжон.

Олиб кетай сени бошлаб,
Фам-савдони орқа ташлаб,
Кетай энди сени бошлаб,
Ўтиришсак кўнгил хушлаб,
Юр энди бирга, Авазжон.

Одам бўлиб элда юрдинг,
Душман бўлса бошин олдинг,
Қанча жабру жафо кўрдинг,
Мусофирилик юртда қолдик,
Юр мазгилга, дардлашайлик.

Сарғайди гулдайин юзим,
Элга тўрт бўй наргас кўзим,
Сенсан менинг Аваз қўзим,
Юргин, болам, ҳоллашайик.

Қариндошсан, ундан келган,
Халқи туркман бирга бўлган;
Гўрўғлига хизмат қилган,
Хайр, деб Аваз йўлга кирган.

Остида Фиркўқдай тулпор,
Йўлдош бўлди бунда Сардор,
Бемаҳалда шаҳар қараб,
Жўнади шундайин беклар.
Бораётирий йўлни тортиб,
Гоҳи елиб, гоҳи йўртиб.

Қандай шаҳар, кўрсак, дейди,
Халқи қандай, билсак, дейди,
Аваз ўғлоннинг кўнглида,
Шул шаҳарни кўрсак, дейди.
Сардор билан йўлдош бўлиб,
Хизмат қилиб турсак, дейди.

Сардор айтар ажаб шаҳар,
Ўтириш жойлари гулзор,

Үнгу сўлга қилсанг назар,
Хаёлингдан кетар ғубор;
Жоним болам, келиб қолдинг,
Менга ҳамдам сендай шунқор.

Қайтган эди менинг ёшим,
Йўқ эди менинг спрдошим,
Не бўлса Туркмандан келдинг,
Аваз менинг қарнидошим.

Бундай шаҳарда юармиз,
Иковмиз сирдош бўлармиз,
Бир-биримизга суяниб,
Бу шаҳарда кун кўрармиз,
Юр энди бирга, Авазжон!

Бу сўзларни айтиб, иккови бирга шаҳарга етди. Ётар вақт яқинлаб, миршаб-шабгивлар чиқиб қолибди. Иккоти тақирилатиб кўчада уриб бораянти. Ҳадди одам йўқ, булардан қандай одамсан, деб сўрамайди, Ашурбекни танийди. Ашурбекнинг мазгилига етди, ташқи ўрданинг дарвозасини очиб, ичкарига кирди. Булар отдан тушиб, хизматкорига отларни тошишмоқчи бўлган вақтида, ичкари ўрданинг эшигини очиб бирор чиқди. Авазнинг кўзи тушди. Булатнинг орасидан кун ёрилиб чиққандай бўлди. Бу Қария шоҳнинг қизи — Сардорнинг хотини экан. Сардор қарчиғай кўтариб кўлга овга кетган экан. «Бу вақтгача келмай, кечга тортиб қолди, нима гап бўлди», — деб ухламай йўлга қараб юрган экан. Шунда Авазни кўриб, Сардорнинг хотини бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Мен биламан Туркман элдан келибсиз,
Сардорбекнинг қариндоши бўлибсиз,
Қариндош деб бунда сўраб юрибсиз,
Инжилмай ўрдага киринг, қайнимжон.

Тонг отганча мен бўлайин хизматкор,
Сардор келиб, Туркманда қолган рўзгор,
Бола-чақасидан унда айрилиб,
Қайта бошдан бунда қилган кирдикор,
Қариндош деб йўқлаб келган бу шунқор,
Сирлашиб ўтиринг, мана мазгиллар.

Ичкари ўрдага элтай сизларни бошлаб,
Кўнгилда бор ўтган губорни ташлаб,
Ўтиринг мазгилда кўнгилни хушлаб,
Юрингиз ўрдага, киринг, қайнимжон.
Атрофда, албатта, [қанча] душман бор,
Бунда турсанг, дўсту душман гап қилар,
Бемаҳалда ҳамма қолсин бехабар,
Ичк(и) ўрдага бориб туришлик даркор.
Неча сўз айтади мендай санамлар.

Мен биламан сизнинг Туркман юртингиз,
Хизматкорга тоширилиб отингиз.
Мардларнинг кўнглини кимлар билади,
Отга қараб булар хизмат қилади,
Инжилма, ўрдага киринг, қайнимжон.

Бу сўзларни айтиб Сардор хотини,
Ияриб жўнади шундай мардини.
Кетди ички ўрдага шундай йўл бошлаб,
Авазман Сардорнинг вақтини хушлаб,
Неча қабат остига либослар ташлаб,
Югурб-елиб қанча хизмат қилади,
Иzzат қилганини Аваз билади,
Ашурбекка Аваз меҳмон бўлади.

Шунда самоварларни қўйиб, Сардорнинг хотини чой-ларни дамлаб, дастурхон ташлаб, ҳар турли таомлар тайёр қилиб, Аваз билан Сардорнинг олдига тортди. Шунда тонг отганча икковишинг уйқуси қочнб кетди. Ёнбошлишиб Туркманда юрган жойларини, бўлган во-қеаларни, кўрган кунларини гаплашиб ўтириди. Қария шоҳнинг қизидан Сардорнинг икки ўғли бор эди. Бир муллани ўзи солиб, таги заминда ўқиб ётар эди. Тонг отган сўнг Авазхон айтди: — Сиз — Сардор, биз — бунда қочқинчи, сизни ҳам унча-мунча билмас. Қўп халқлар «Фирот билан Гўрўғли келаяпти», — деб йиғлаган боласини ухлатган. Бу Фиротнинг донғи Доғистон кетган. Таги бирор билдириб, ташқарида туриб, Фиротни кўриб, орада бир гумонли иш бўлиб юрмасин. Бизнинг бунда келиб ётганимизни ҳеч ким билмасин. Сизга ҳам бизнинг касримиз тегмасин. Сардор: — Бу айтганинг рост, Аваз-жон. Лекин одам одамни синааб бўлмайди, бирорнинг

кўнглидагини бирор билмайди, айтганинг рост, — деб бу отни ҳам таги заминга киргизиб тортди.

Аваз оқшом Сардор билан чиқиб ҳангама қилас әди, кундузи таги заминда ётар әди, ички ўрдадан ташқи ўрдага чиқмас әди. Бу ишларни Сардорнинг хизматкорларидан билар әди, Аваз билан Сардорни хавотирлаб турар әди. Бу хизматкор бир гапни кўнглига ўйлаб, Қария шоҳнинг қошига бориб, Сардорнинг устидан шикоят қилиб, гапириб турган экан:

Аё шоҳим, сизга айтай сўзинмни,
Холингга қайишдим, эшит арзимни.
Сардор сенга қариндош бўн юрибди,
Билдим Туркман [элга] хабар берибди,
Гўрўғлидан бунда жосус¹² келибди,
Бул элларни синамоқчи бўлибди.

Юлдузни кўзлайди ул минган оти,
Душманни ўртайди шоҳлик шавкати,
Гўрўғлиниг Аваз деган фарзанди,
Сардорнинг тилиман бунда келибди.

Жосус бўлиб келиб сирингни билар,
Сир билган сўнг тагни зарар текизар,
Аё шоҳим, бундан қолма бехабар,
Бундай одам элга келиб юрмасин,
Сирни билиб элга талон солмасин.

Жосус бўлиб ҳозир ёлгиз келади,
Кўнглидаги ишини ким билади.
Ёмон кунда ўзи бўлади тайёр,
Албатта, кейинда кўп лашкари бор,
Сен бўлгайсан у ишлардан хабардор,
Элчи бўлиб бу орада қатпашар,
Сардорнинг сенга дўстлиги бекор,
Туркман халққа тил берибди баччагар.
Сардор хизматнда ҳамиша бўлдим,
Анигини билиб мен сизга келдим.

Уруш бўлса белин бойлаб тургудай,
Қанча лашкар бўлса жавоб бергудай,
От-асбобин шайлаб чиқса майдонга,
Бир шаҳарни ўзи талаб олгудай —

¹² Қўлёзмада ва шевада жонсиз.

Шул одам жоҳ тутган сўнг бу ерда,
Мен биламан, юртинг ўлжа бўлгудай.
Эртароқ олдини олгин, султоним,
Мамлакатинг туркманларга қолгудай.

Бу сўзни эшитиб, Қария шоҳ: — Биз Сардорни куёв
қилдик, ўз элимиз бўлди, кўнглидан ғубори кетди. Биз-
нинг мамлакатимизга кўнгил қўйиб юрибди десак, ҳали
ҳам кўнгли Туркманда экан-да Бундан чиқади, одам-
одамни синаб бўлмас экан. Бироннинг кўнглидагини би-
ров билмас экан, — деб қошидаги амалдорларга бир сўз
айтаётир экан:

Бизнинг юртимизга келибди айёр,
Ашурбекнинг томир¹³ бўлгани бекор,
Меннинг қошимдаги саркарда, беклар,
Ҳамманг бўлгин энди хизматга тайёр.

Сардор бизга душманлигин билдириб,
Пойимизни қирмоқ учун қасд қилиб,
Менинг душманима хабар еткариб,
Гўрўғлнинг ўғли Аваз келибди,
Ашурбек уйига меҳмон қилибди,
Мен ҳам билдим бир иш бўлиб турибди.

Ҳар на деганимни маъқул биллинглар,
Ашурбекнинг мазгилига боринглар,
Ташқи ўрдасига бориб туринглар.
Англадим Сардорнинг қилар ишини,
Кесиб берсин мөхмонининг бошини.

Қария шоҳ айтган сўзи шу бўлар,
Жосус бўлиб келган кишин ўлдирав,
Авазхоннинг бизга у боши даркор,
Шу ишни битиринг борган амалдор,

Қабул қилманг Сардор айтган сўзини,
Хозир душман билдим Сардор ўзини,
Ҳурмат қилманг мендай шоҳнинг қизини,
Бошин кесиб берсин ул Авазини (нг).
Ўз ишидан ўзи тортсин иззасин,
Жосус киши кўриб кетар жазасин.

¹³ Қариндош.

Нече сўзни Қария шоҳ айтади,
Қанча амалдор тайёр бўлиб етади.
Қария шоҳ айтган сўзини билди,
Сардор мазгилига қараб жўнади,
Шоҳнинг сўзин қулоқолиб¹⁴ боради.

Амалдорлар туриб давлатдан кетди,
Бир нечалар айтар: «Бу қандай гапди (р),
Қария шоҳга [Сардор] куёв бўлибди,
Нимадан камлиги бордир Сардорнинг,
Бул элатда бузмакорлик қилибди.

Бул ишларни подшо қайдан билади,
Билмаса-да, бирор хабар беради».
Ҳар қайси ҳар турли сўзлаб боради.

Шунда Сардорнинг ташқи ўрдасига йигилиб, қанча амалдор, жигадор, туғдор Ашурбек Сардорни чақириди. Ашурбек ички ўрдада эди, ташқи ўргага чиқди. Қария шоҳ билан бирга турадиган катта амалдорларни кўрди. Нима хабар эканини сўради. Шунда бу амалдорлар Сардорга билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

Биз биламиз сени, Ашурбек Сардор,
Бу қилган ишларинг дунёда бекор,
Тўғри юрмай, бундай ишлар не даркор,
Қайнатангга ўзинг бўлдинг гуноҳкор.

Сенга меҳмон бўпти Гўрўғли ули,
Туркман деб айтади Авазнинг эли(и),
Нега олиб келиб меҳмон қиласан,
Бадфеълсан, ўзинг хабар берасан,
Шоҳ олдида жавобгар бўп ўласан,
Меҳмоннинг бошини кесиб берасан.

Билмайсанми Қария шоҳ ишини,
Кўрдингми, буюрган қанча кишини,
Қесиб бергин Авазхоннинг бошини.
Биз амалдор, шоҳнинг амрин тутамиз,
Шоҳнинг сўзин келиб сенга айтамиз...

¹⁴ Қулоққа олиб.

Биз биламиз туркман ҳалқ одатини,
Хароб қилмөк бўпсан шоҳнинг юртини,
Биздан зиёда биласан, Ашурбек,
Гўрўғлиниг кетган таърифотини,

Туркман элда, билгин, улар ҳам сардор,
Юртни талаб, чопиб олар амалдор,
Аваз деган бизнинг ҳалқда номи бор,
Номини эшитса титрар одамлар,
Бундай одам — наел сенга нё даркор,
Кесиб бер Авазнинг бошини, Сардор.

Сўйласанг сўзингга қулоқ солмаймиз,
Сенинг жавобингга қулоқ солмаймиз,
Бекорга ҳалак бўлиб юрмаймиз,
Бошни олмай, шоҳ қошига бормаймиз.

Кесиб бергин Авазингни (нг) бошини,
Сўнгра англа Қария шоҳ ишини,
Ҳалак қилиб юборди шунча кишини.

Шунда бу сўзи эшитиб, Сардор нима деярини **бил-
май, сўзига жавоб беролмай, ё йўқ, ё бор, деб айтодмай,**
калласини пастга ташлаб: — Мен бир ички ўрдага **бо-
риб келайин, — деб жавоб олиб, ички ўрдага кириб кет-
ди. Хотинининг қошига бориб, хафа бўлиб, бир сўз **ай-
таётнбди:****

Донагулсан, дилбар, ўзинг биласан,
Отанг менинг ишим риё айлади.
Аваз бўлган экан элда гуноҳкор,
Олиб келиб меҳмон қилди бу Сардор.

Ташқарида турган қанча амалдор,
Булар биздан Авазнинг бошин сўрар,
Нима десанг, қулоқ солмас баччағар,
Ҳозир мен отангга бўлдим гуноҳкор;
Суюниб қошимга келган бу қўчкор,
Авазхоннинг бошин кесиб берганча,
Бунда менинг, билгил, ўлмагим даркор.
Хизматларим отанг риё айлади,
Бир йўлга бошқаргин, сендаин очор.

Менинг бошим қотди, ҳушим кетади,

Бу отангнинг сўзи мени ўртади,
Паноҳ тортган меҳмон бошин сўрайди,
Кесиб берсам Авазжоннинг бошини,
Маҳшар кунда нима жавоб айтади.

Аваз эди элда диловор, шунқор,
Донагулсан, ўзингдадир ихтиёр.
Ўйлайман, тўлганман дийдан ғамда,
Агар Аваз бошин кесиб берсам мен,
Маҳшар куни Аваз қўёли ёқамда.

Хотини Сардорга тасалли айтиб, бир-инки оғиз сўз сўзлаб турган экан:

Хозир, хоним, сен бўп қопсан гуноҳкор,
Ташқарида бўлса қанча амалдор,
Худо берган икки фарзандларинг бор,
Авазнинг бошини не билар булар?!

Аваз меҳмон, кўнглин озор қилмагин,
Бу сўзларни Авазга билдирамагин.
Катта ўғлингнинг бошин кесиб берайик,
Ҳар ҳожатин яратгандан тилайик.
Бу сўзни Авазга маълум қилмайик.

Худо берган бизга икки фарзандди,
Меҳмонни ўлдирмак бизга уятди(р).
Худонинг раҳмати каттадир, Сардор,
Худо берса, яна фарзанд топилар.

Хотинининг бу сўзи Сардорга маъқул тушди: — Рост айтасан. Авазнинг ғами ўзига кўплик қилиб юрибди. «Сенинг бошингни кесиб бер», деб бизга қанча амалдор замлаб турибди, деб қандай айтамиз. Булар Авазни кўриб юрган эмас, Авазни таниб юрган эмас. Ўғлимизнинг бошини кесиб берсак, ишона беради, — деди.

Шунда иккови болалари ўқийдиган таги замин жойга борди. Ўғлига панду насиҳат қилди. Булар энаси билан отасининг сўзини эшишиб, буларнинг сўзига болалари ҳам рози бўлди. Ўғлини ётқизиб, бетига бир оқ нарса ёпиб, хотини айтди: — Мендан кўра сиз дадилсиз. Мен қандай бўлса аёлман, кўнглим бўшайди. Эркаксиз, пичоқ солинг, — деб Сардорга пичоқни узатди. Сардор пичоқни қўлига олиб, қандай соларини билмай, хотинига бир сўз деб турибди:

Бу ханжар солмоққа йўқдир тоқатим,
Мардлик билан бош бермоқчи фарзандим,
Таним қуриб, қолмади менинг нажотим,
Пичоқ ушлаб балки кетди ҳолатим.

Менинг айтган сўзим бунда бўлмайди,
Пичоқни тортмоққа дармон келмайди,
Донагулсан, дилбар, ўзинг биласан,
Бу ханжарни сен солмасанг бўлмайди.

Хайр деди, шу замон хотини олди,
Берган оқ сутлари эсига келди,
Фарзандим деб бунда кўнгли бузилди,
Бош берган азамат менинг ўғлимди (р.).

Булар шундай бўлиб ётди. Бир-бирига неча марта овушиб, пичоқ солмоққа кўнгли бўлмади. Аваз ҳам таги заминда эди. Бир кичкинтой тешик бор эди: «Бу болалар шу ерда тураг экан», — деб кушига Аваз тешикдан қаарарди. Қараса, эру хотин ишоқни бир-бирига овушиб: «Сен сўй, сен қўй», — деб турибди. Буни кўриб Аваз: «Булар жинни бўлибдими, нимага бундай этаяпти. Бу ерда бекор бола йўқ. Ўзининг боласини ўзи ўлдирмоқчи бўлиб, яна кўнгли бўлмай турибди. Нега бундай қилаяпти экан?» — деб тешикдан туриб, бир сўз деб турибди:

Эшит, Сардор, сенига бир гап бўлдими...
Олло сенинг ақлу ҳушинг олдими.
Хеч бўлмаган бундай ишни қиласан,
Пичоқни овушиб ҳайрон қоласан,
Йўқ ердаги қилиқларни қиласан.

Хеч замонда шундайин гап бўлами,
Фарзандга отасн ханжар солами,
Фарзанд деганинг қандайин ширин,
Шундай ишларга кўнглинг бўлами?

Бундай бўлсанг асло дунёда юрма,
Адашган ҳиндининг ишини қиласа,
Чиқ ташқари, фарзандингни ўлдирма.
Фарзанддан жудомиз, кўнгилдан кетмас,
Бунинг жароҳати сира ҳам битмас.

Бу сўзни эшитиб, Сардор бўлган воқеани Авазга билдирайти:

Бу бадбахтлар бир иш бошлаб турибди,
Сенинг келганингни шоҳим билибди,
Қария шоҳ бизга зулм қилибди,
Ул сенинг бошингни сўраб турибди.

Бундай ишни қандай сенга билдириб,
Билдирмасак дедик жавобин бериб,
Бош берайик бунда ўғилни ўлдириб,
Қайтамиз, шу ишда биз ғамгин бўлиб,
Сен учун манов ўғлон бошин бериб,
Олсак деймиз бу душмандан қутқариб,
Ташқи ўрда бари одамга тўлиб,
Мен сенга сўзладим дардимни ёриб.
Иккимиз сўзлашдик кўп ғамгин бўлиб,
Менинг мазгилимда меҳмон ўлдириб,
Қандай мен берарман бошингни олиб,
Сенинг учун мен ўғлим бошин бериб,
Меҳмонлик ҳурматин бажо келтириб.

Тўтиё айладим, изингни тавоб,
Бундай ишга, Аваз, бергайсан жавоб,
Сени меҳмон дедик, пэзат айладик,
Сенинг-чун ўғлим бошин берса савоб.

Амалдорлар келди бунда қабоҳат,
Туриб бизга жуда қилди сиёсат,
Подшо амри, бизда қолмади тоқат,
Нима десанг, бергин ўзинг маслаҳат.
Меҳмоним, деб қилдик биз сизни ҳурмат.

Бу сўзни Авазхон Сардордан эшитиб, гапираётир
өкан:

Ушбу дамни ўзга дамдай дам дема,
Бу гаплардан Сардор, сира ғам ема;
Шу гап учун сен ўғлингни ўлдирма,
Бундайчагий жинни феълингни ташла.
Дўст тутгай Сардор, опке Фиротди,
Шу сўзларни гап дёб сенга не бўлти!
Амалдор ўрдангга босиб келганди,

Улар билмас мендай қайсар ўғлонди,
Мен айтайн ажал ҳайдаб келганди(р),
Сардор, бексан, олиб келгин Фиротди.

Насиб этса мен Фиротни минайин,
От ўйнатиб ул майдонда турайин,
Бош олғич «азаматни» кўрайин:
«Танимасанг мана Аваздай кишиңг,
Мана керак бўлса бу азиз бошим».
Шу сўзни айтиб бош олғични спайин,
Қанча ҳам ғайрати бор [экан] билайнин,
Бош кескичининг қочмаганин кўрайин.

Шу сўз учун хафа бўлибсан, Сардор,
Ёшинг қайтиб, ўзинг айнибсан почор,
Сен ҳам бўпсан аёлдайин муштипар,
Шундай ишлар, ўйла, сенга ие даркор!
Ўзи ҳозир турган мендайин шунқор,
Албатта менинг чиқмоғим даркор,
Қани, қанча бордир келган йигитлар!
Қулоқ солгин Авазхонининг тилига...
Номард қарамайди марднинг ҳолига,
Ботир бўлса келсин Авазхонига,
Сўз айтарман бош кесарнинг шаънига.
Сардор, бунда олиб келгин Фиротди,
Бу қилган ишларининг сенинг уятди(р)!

Хотинингни ғаму фифон этказиб,
Икивора бир гўдакни ётқизиб,
Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,
Бундай аҳмоқ ишни маъқул билмагин,
Аҳмоқликман нобуд қилиб болангни,
Сўнгра сен ҳам жинни бўлиб юрмагин.
Сардор, бунда олиб келгин Фиротни,
Мендан кўргин тошадиган ғайратни.

Қарамайин мен ҳам баланд-пастига,
От чопиб чиқарман душман устига.
Ҳеч кимса қилмаган ишларни ўйлаб,
Хотин-эр иковинг ўзинингни қийнаб,
Фарзанднинг бетига оқ чочиқ тайлаб,
Ажаб бир подонлик ишларни ўйлаб.

Сардор, қариганда нодон бўласан,
Дунёда бўлмаган ишни қиласан,
Шу сўзни кўнглингга маъқул биласан,
Айтсанг бўйми¹⁵ мендай Аваз мардингга?!
Қасирима ўлиб кетса фарзандинг,
Мен қандай қарамайман сенинг бетингга?!

Сардорлик қиласан дунёда юриб,
Қарибсан-да ақлу ҳушинг йитириб,
Әру хотин иковинг ҳам бир бўлиб,
Бўлмаган ишларни ўйлаб турасан.

Бу ишлар нодоннинг ишидир, Сардор,
Шаънимизга бундай ишлардир бекор,
Ҳеч бўлмаган аҳмоқ ўйни ташлагин,
Албатта бетима айтмогинг даркор,
Уят билар бу ишни баҳодирлар.

Сен сўрасанг, ўзим жавоб бераман,
Сени иш тортмайман, ўзим кўраман.
Сенинг шоҳинг бўлса, бўлмаган душман,
Жавоб берай сўнгра қилсан пушаймон.
Ўзинг ўйла, бўлибсан, Сардорбек, нодон,
Шу ақлман ўтдингми сен дунёдан,
Неча сўзлар тимсол айтди Авазхон,
Душман бўлса ҳали бермасман омон.
Душман бўлса мен қиларман хурушни,
Қўлга олиб сопи олтин қилични,
Лак-лак душман бўлса парвой қилмайман,
Мен қиламан душманларга урушни.

Фарзандим деб оҳу афгон этарман,
Бошин кесиб, лошин кўкка отарман.
Мен келарман от ўйнатиб далангдан,
Чиқолмайди душман қўргон-қалангдан.

Билмайсанми Авазхоннинг кучини,
Кўп душмандан ёлғиз олар ўчини,
Неча сўзни Авазхон сенга айтди,
Опкеп бергинг дарров менга Фиротди,
Аваз қилар майдон аро гайратди,
Бу ишлар, ўйла, сенга-бизга уятди(р).

¹⁵ Бўлмасми?

Бу сўздан кейин Сардор айтди: — Бу ишга менинг
каллам қайтди. Шу гап кўнглима маъқул бўпти,— деб
бойлаган еридан Фиротни етаклаб Авазнинг олдига олиб
келибди. Аваз ўзи билан бирга юрган, ёлғизлиқда йўл-
дош бўлган Фиротнинг кокилини силаб, отни яланғоч-
лаб, қашлаб, эгарлаб, чоқлаб, айил-пуштанларини қат-
тиқ тортди. Минди Фиротди, филофдан қилични сугуриб
қўлига опти. Қилични Исфиҳонда ишлатган, ишлови ет-
ган: теккан замон омон қолмасин, — деб заҳарнинг су-
вини ялатган. Ширвонда урушга кетган ёв-яроғи ўзи
 билан бирга. Авазхон билади, қўлида қиличи ўн етти
ғаз келади, душманга сермаса, қирқ газ чўзилади. Аваз-
хон Фиротни ўйнатиб, ўтдай ёниб, у душманга толиб,
ғамли кун дарду алами зиёда бўлиб, «мехмонларнинг»
устига етди. Ташқарида ўн амалдор ўтирибди. Қўрган
ҳамон амалдорларнинг жони чиқиб кетди. «Туркмандан
келган одам шу экан», — деб кўзини ёшлаб, туш-туши-
га қочиб бораяпти. Шунда Аваз бу сўзни айтиб қувиб
бораяпти:

Тўкилар кўзда ёшинг.
Керак бўлса мана бошим,
Туш-тушингга қоча бериб,
Қандай бўлди сенинг ишинг,
Бекорга шовқин қилиб,
Албатта чиқарма товушинг.

Чамбил юртдан бунда келган,
Бош олмоққа толиб бўлган —
Баҳодирлар, гапир, деди.
Майдонли кун сира ёлғон
Шовқин солмай келган бунда,
Бош бермоққа Аваз келган,
Қандай жонзод бўлдинг ўзинг,
Бошимни ол, деб яқинлади,
Шул замон хунхор Авазинг,
Ҳар тарафга сен қочасан,
Қандай бош олгичи ўзинг?

Амалдорнинг ақли шоҳди,
Бошидан учирди ҳушди,
Авазхон яқин етишди,
Кўчаларда чопиб ташлар
Кўринг, Аваз неча бошди.

От солайн якка-якка,
Кетсни овоза фалакка.
Сен тингилдинг мендай мардга,
Сўз иззаси ўтиб кетди,
Билсанг мендай валламатга,
Кел, майдонда савашайик...
Хафа фалак солди зулм,
Хали паришон кўнглим,
Қария шоҳ, сўраб турган
Сенинг бунда катта элинг
Е сеники, ё меники.

Бузилмасин бунда раҳтим,
Очилгай-да менинг бахтим,
Қария шоҳ, сенинг тахтинг
Е сеники, ё меники.

Йўқдир, душман, пойимларинг,
Юрагингда войимларинг,
Үрдангдаги ойимларинг
Е сеники, ё меники.

Сенга етгай менинг сўзим,
Термулади икки кўзим,
Етишган хунхор Авазинг,
Улжа бўлар улу қизинг,
Е сеники, ё меники.

Гоҳи олчи, гоҳи чикка,
Оти ўйнаб дирка-дирка,
Қария шоҳ, келгин якка...
Агар қанча лашкар бўлсанг,
От қўярман ўзим якка.

Кўрарсан Авазнинг иши (и),
Кесилар душманинг боши,
Дучор бўлса сонсиз душман,
Кўчаларда қолар лоши...

Урушли кунда майдонда
Баҳодирда бўлмас армон.
Остимда хоннинг Фироти,
Бу ерлар ўшанинг юрти.

Мард Гўрўғлиниң фарзанди,
Неча сўзлар бунда айтди,
Ҳар тарафга хабар кетди,
Қарня шсҳнинг шаҳари
Бир тўполон бўлиб ётди.

Қандай илож қиласмиз, деб,
Ўртага олиб кўрамиз, деб,
Бир одам-да, ўртага олсак,
Банди қилиб олармиз, деб.

Фирот минганд Аваз қайсар,
Парво қилмайди зўрабор.
Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди,
Бизлар Чамбилининг жўмарди.

Учраса ёри қобил,
Ҳар маҳал ваъдадан тобил.
Майдон бўлса пўлат добил
Туйилар майдон ичинда.

От чопилар овут-овут,
Урушда йўқласа Довут,
Оқ кировка, олтин совут
Ширқиллар майдон ичинда.

Мард йигитлар қиласи хуруш,
Чаппа-роста бўлса уруш,
Қўлимдаги олтин қилич
Чарқиллар майдон ичинда.

Душманларнинг ўлигини,
Майдонда қирмизи қонини,
Танидан узуб жонини,
Қайда кетса имонини
Айирап майдон ичинда.

Бул сўзни айтар Авазхон,
Титрайди эшитган душман...
Аваз ёлғиз, душман кўпди(р),
От қўйди кўринг Авазхон,

Чувиллашиб сонсиз душман
Авазга отини қаратди.

Бир тўполон уруш бўлди,
Ботирларга хўп иш бўлди,
Бир ажойиб туриш бўлди.

Кўп деб ул пушаймон қилмайди,
Сира сесканиб турмайди,
Бош кесмай Аваз қўймайди.

Неча урушларни кўрган,
Урушнинг тилини билган,
Найзаю ўққа рад берган
Остинда Фирқўкдай ҳайвон.
Шу вақтида майдон аро
Душман бетдан бирор келган,
Ваҳшат билан шовқин қилган:
— Туркман, шундай қиласанми,
Ҳали кетмай юрасанми,
Ё бўлмаса ўласанми?

Аваз қараб ҳайрон қолди,
Бирор аҳмоқ ботир келди,
Суяниб аста Авазхон,
Қошига яқинлаб бордп.

Сур, деб келиб унда полвон,
Авазга яқинлаб қолган.
— Мендан омон қоласанми, —
Авазни калтакман солган.

Аваз калтакка рад бериб,
Бул бошига сийпар тутиб,
Бу ҳамладан омон ўтиб,
Фиротига шиддат бериб,
Душманнинг қошига етиб,
Қилич билан бирдай солди,
Икки нимта бўлиб қолди.
Менманликман бу майдонда,
Номдор полвон ўлиб қолди....
Иифилишар катта-катта

Түп-түп бўлиб маслаҳатда:
«Буннинг билан уруша берсанг,
Ахир жасадинг лаҳатда!

Бундай одам қурисин,
Ёлғиз деб бўлмагин аҳмоқ;
Ўзи ёлғиз, ажаб иши,
Баробар бўлмас кўп киши,
Мана майдон кўрдингларми,
Сулаб қолди гавда-лоши,
Майдонда кесилган боши.

Одам тухми қилолмайди,
Майдонда тенг келолмайди,
Хоҳи қочгин, хоҳи ўлгин,
Бундан одам қололмайди».

Аваз зўрлигин билдириди,
Туман олиб ўнгу сўлди,
Омон бермас танҳо Аваз
Бир ўзи майдонда юрди.

— Кир майдонга энди якка,
Урушмоққа толиб бўлсанг,
Ким билади ғолиб бўлсанг.
Ерда қолмасин-да сўзинг,
Қария шоҳ, келгин ўзинг,
Сенга бош бермагим лозим,

Сен менинг бошимни йўқлаб,
Бул ўлимга ўзинг ҷоқлаб;
Йўқлаб эдинг, етиб келдим,
Ишимни сенга билдиридим,
Сен ўзингни мард биласан,
Текин нон еб лофт урасан,
Навбатиман етсам сенга.
Қария шоҳ, сен ўласан.

Сен ҳам бўлдинг менга душман,
Мен қўймайман сендан нишон.
Билсанг-чи хунхори босган,
Энди бўларсан саргардон,

Мен бўларман марди майдон,
Бу майдонда кечиб жондан,
Ўч оларман бу душмандан.

Шундай кунда уруш бўлди,
Нечовлар жазосин товиб,
Ярадорлар отдан овиб,
Бекуввати сулаб ётириб,
Юзуман бўп ерни қовиб.
Нечовларнинг ақли шошиб,
Ота боладан адашиб,
Қочаётир чувуллашиб,
Бир балога қолдик, дейшиб,
Бунда турсак ўлдик, дейшиб,
Қандай дучор бўлдик, дейшиб.

Қочади, урушмас бўлди,
Бекор қанча одам ўлди.
Қария шоҳ омон эди,
Шиддат бериб бунда турди,
Аваз ўғлон бу майдонда,
Билинг танҳо ўзи юрди.
Зўрлигин Аваз билдириди,
От суриб, яқинлаб бориб,
Қария шоҳни ўлдириди.

Аваз ўғлон хўп иш бошлаб,
Подшосини чопиб ташлаб;
Подшо ўлганини билиб,
Урушдан халқи қутулиб.
Аваз шундай иш кўрсатди,
Душман халқини изиллатди,
Душман бўлган Қария шоҳ
Бу дунёдан бўлди пано,
Бир урушда ўлиб кетди,
Хабар Ашурбекка етди.

Душманларнинг билмаганин билдириди,
Қария шоҳни Аваз [ўзи] ўлдириди,
Ашурбекни айтиб қелиб Авазхон,
Хон кўтариб энди таҳтга миндириди.

Қайнатасин жойи Сардорга қолди,
Иш бошлади, қанча одамлар ўлди,

Қошига чақириб шу замон халқни,
Аваз ўғлон эшиткизиб билдириди,
Бутун халқин айтганига кўндириди.
«Урушдан қутулди қанча халойиқ.
Нима деса айтганини қилайик;
Қўрнисин Қария, нима қиламиз,
Етагига юриб бизлар ўламиз,
Энди Ашурбекка хизмат қиламиз», —

деб одамлар айтаётибди. Сардор бунда подшо бўлиб, қайнатасининг ўрнида ўтириб сўраб қолди. Авазхон кундизи амал устида Ашурбек билан бирга туради, кечқурун Сардорнинг ўрдасига бирга келади. Неча кунлар шу айнаси бўлиб ўтди.

Кунлардан бир кун Авазхон Ашурбек Сардорга айтди: — Қани бир масалат бер. Биз бола-чақадан айрилиб, ҳукмикушдан қочиб чиқсан одаммиз. Чамбил шаҳрига бора олмаймиз. Қай маҳал борсак, Гўрўғли бизни қўлга келтирса, бошимизни кесиб [дорга] тортади. Биз бола-чақамизнинг ўлик-тиригини билмаймиз. Неча вақт Чамбилда юрдик, баҳодирлик ном кўтардик. Ширвон шаҳрини арабларнинг иҳтиёридан олиб, Гўрўғлига тобе қилдик. Охири-оқибат шу туҳматга дучор бўлдик. Шу туҳматга дучор бўлиб, қаёққа бораримизни билмай ганигиб қолдик. Ана, Қария шоҳни ўлдириб, сени ўрнига бек кўтардик. Энди менга жавоб берсанг, Фиротимни миниб бир Рум мамлакатига бориб келсам. Қилган ишима хизматим туҳмат бўлганини Рум подшосига бир ариза қилиб билдирсам.

Ашурбек Сардор айтди: — Менинг ҳам икки ўғлим қолиб, ҳукмикушим тайин бўлиб, Ёвмитдан бу шаҳарга қочиб келиб, Қария шоҳни олиб, жойлашиб қолдим. Энди нима бўлса ҳам, ўзинг биласан. — Ўзим билсам, шу, — деб Фиротнинг эгар-абзалини чоғлаб, отланиб, Қария шоҳнинг мамлакатидан чиқиб кетди. Бориб-бориб, бир чўлга чиқиб юриб кетди. Бу чўлда бораялти, учар қушни кўрмайди, ётган жинғилдан бошқа нарса кўрмайди. Шундай бўлиб, чўлга кириб кетди. Тўқай, жинғилнинг ичида ақли шошиб, гоҳ ерларда адашиб:

Кўринг энди Авазхонни,
Қистади Фирқўк ҳайвонни.
Фирқўк отга қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,

Кеча-куидуз тинмай Аваз,
Сувсиз чўлда шабгир тортди.

Бу йўлларда кўнглин бўллиб,
Ёлғизлиги асар қилиб,
Фарзандларин эсга олиб,
Фам савдоси келлаб ғолиб,
Авазхон шўйтиб йўл тортди.
Бул жароҳат бағрим тузлаб,
Ёлғизман бўтадай бўзлаб.
Ҳаққа етғай айтган додим,
Чамбилда қолди фарзандим.

Хафа фалақ солди зулм,
Эсимдадир ёлғиз улим,
Бемаҳал етмасин ўлим,
Забун бўлгандир аҳволим.

Кўзимдан оқар селоб ёш,
Менга йўқдир ҳеч бир сирдош,
Назаркарда Фирқўк отим,
Ёлғизликда бўлдинг йўлдош.

Гоҳ жойларда кўнглин хушлаб,
Фам савдони орқа ташлаб,
Тўғри йўлга ўзинг бошлаб,
Минган отлари арғишилаб,
Йўл тортар шунда Авазхон.

Аваз шу жингилнинг ичидаги сувсиз чўлда кетиб борәтирилди, работдай бир мазгил кўринди. «Бу қандай жой экан», — деб Аваз бурилиб борди, бўлак нарсани кўрмади. Ажаб сувратли бир қиз ғула-занжирда бойловли турибди. Шунда бу қизни кўриб, от устида туриб, сени ким бу ҳолга келтирди, — деб сўраб турган экан:

Сен ҳам бир яхшининг кўрар кўзисан,
[Кўрар кўзи], балки сўзлар сўзисан,
Ғул-занжирда дилбар, сендан сўрайман,
Кай шаҳарда, қандай шоҳнинг қизисан?

Кўл-оёғинг қандай номард бойлади,
Бу азобга сени опкеп жойлади.
Қандай нодон қилди сенга зулмди,

Ечайинми отдан түшиб қўлийнгди,
Сиру ҳолинг менга хабар бер энди.

Остима минганим назари Фирот,
Аҳволингдан хабар бергин, паризод,
Бул ишлар ўйласонг [жуда] қабоҳат,
Қандай золим сени бундай айлади?

Отимни сўрасонг менинг Авазхон,
Душман кўрсам, мудом қнларман майдон,
Олмосимдан қуяр эдим қирмиз қон,
Йўлиққанда душман қилар пушаймон;
Сенинг ҳолинг кўриб кўнглим паришон,
Хабар бер ҳолингдан, гул юзли жонон,
Устингга етишдим бўлиб саргардон.

Бу сўзни эштиб, ҳалиги қиз сиру аҳволини гапириб турган экан:

Сенга қурбон мендай ойимнинг жони,
Сен бўласан бир мамлакат султони,
Айланма бу ерга — фалокат жойга,
Бул маконлар барзангининг макони;
Ҳозир улар овга чиқиб кетгандир.

Барзангилар хўп ҳайбатли зўрабор,
Жасади минордай, ўзи аждаҳор.
Қиёматча бўлар қилса савашн,
Ҳамиша егани одамнинг гўши,
Мен ҳам бир шаҳарнинг, билсанг, бувиши.

Айланма, бегижон, фалокат жойга,
Улар билан сира бўлмагин бирга.
Дучор бўлиб қолма ўзингдан зўрга,
Чиқибсан, жўнай бер ул келган йўлга.

Агар келса билмаганинг билдирап,
Ханжар уриб жигар-бағринг тилдирап,
Армон билан сендай мардни ўлдирап.
Бир шаҳарда мен ҳам шоҳнинг қизиман,
Зангилар чангига бўлдим гирифтор,
Бу ерга кеп эди қирқта канизлар,
Етиб келса энди сизни ўлдирап.

Қулоққа ол менинг айтган сўзимни,
Ароқ ичиб еди қирқин қизимни,
Овдан келса ўлдиради ўзимни.

Кечакундуз мен йиғлайман худойга,
Албатта айланма фалокат жойга,
Турмагин барзанги турган саройга.

Юрагимга солган доғу алам, деб,
Улар вақтда кўрмай қолди энам, деб.
Қечирсин илоҳим қилган хатомни,
Кўрмадим мен бундай кунда отамни.

Зангининг қўлига бўлдим гирифтор,
Армон билан ўлиб кетди канизлар...
Бунда тутриб ўлма, давлатли шунқор,
Бўлмассан ул зангига баробар.

Бу сўзни қиздан эшишиб, Авазхон билди, зангининг макони экан. Шунда Аваз бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бош эсонда давлатингни кам дема,
Шукур қилгин, зангилардан ғам ема,
Мени билгин, зангилардан кам дема.

Занги кўрсам, қайтмай саваш қиларман,
Зангиларга қиёмат кун соларман,
Зангиларнинг бунда бошин оларман,
Кўп йиғлама, сени озод қиларман.

Эгам раҳм қилсин кўзда ёшнингга,
Қўшиласан қавму қариндошнингга.
Мен бўлмайин зангилардан бехабар,
Қай тарафдан бунда келар зангилар?
Занги кўрсам жигар-бағрим доғларман,
Зарб этсам, қўлин тортиб боғларман;
Сен дуода бўлиб тургин, муштипар,
Зангиларнинг бошин олмоғим даркор.

Ундаи зўрга қора кунлар соларман,
Одамхўрлар жазосини берарман,
От-асбобин мен ҳам ўлжа қиларман.

Тақдир ҳайдаб келдим сенинг устингга,
Мен тушарман зангиларнинг қасдига,
Қулоқ солгин бу сўзининг пайвастига,
Тушса занги Авазхоннинг дастига.

Бу сўзни Аваз гапириб туриб эди, остида қора оти бор, жасади миордай, панжалари чинордай бўлиб: «Кимнинг ажали етди, кимнинг куни битди», — деб бир занги етиб кела берди. Бунда турган зангиларга одат эди: «Ўтган-кетганни тутиб еб ётамиз», — деб шу дашту чўлдан макон қилган эди. Боғловли турган қиз бир шоҳнинг қизи эди, қирқин канизлари билан сайил-томуша қилиб юрган вақтида устидан зангилар келиб қолган эди. Ҳамма билмай қолиб, мазгилига ўлжа қилиб ҳайдаб келган эди. Кунда биттасини сўйиб, ароқ билан бирга таътил қилиб турган эди. Қирқин қиз ода бўлиб, Гулчеҳранинг бир ўзи қолган эди. Ул вақтда занги кўнглида: «Бу қиз бугун таътил бўлса, эртан нима бўлар экан», — деб тургав эди. Ҳалиги занги Авазни кўриб, эрталик хурушини ҳам худо етказди, — деб бу сўзи айтиб келаётир:

Отдан тушгин, ўзинг бойла қўлингни,
Бўйнинголсанг¹⁶ энди сен ҳам ўлимни.
Узинг келдинг энди менинг қошима,
Кавоб қип гўшингни босай тишима.

Аё ўғлон, билмаганинг билдириб,
Ханжар уриб, қора бағринг тилдириб,
Сенинг гўштинг канорага илдириб;
Ароқ билан бирга кавоб этарман,
Сендай нечаларни бунда ютарман,
Тандан бошинг олиб чўлга отарман.

Ризқима сен келиб бунда етишдинг,
Нодон бола, келиб қўлима тушдинг,
Мен билувда юрар йўлдан адашдинг.

Бу ерларга билмай сен ҳам келибсан,
Одам юрса бунда куяр оёғи,
Қўш учгандада ода бўлар қаноти,
Одам емак зангиларнинг одати,
Менинг ризқим бўлиб бунда келибсан.

¹⁶ Бўйнингга олсанг.

Отдан тушгин, бўлгин сең ўғлон тайёр,
Сени аввал бунда ўлдирмак даркор,
Ризқимни етказган энди тангрим бор,
Ўз оёфинг билан бўлдинг гирифтор.

Эшитди бу сўзни Аваздай номдор,
Хайбат билан турган бунда зўрабор,
Аваз айтар: «Бадбахт занги лоф урар».

— Мени сен ўзингдан сира кам билма.
Кўрган куним сенинг ишинг битказиб,
Жонинг олай жаҳаннамга кетказиб,
Зангиларнинг кушандаси бўламан,
Қайда занги бўлса қирон соламан,
Ҳар боб билан мен баробар келаман,
Бадбахт занги, сен ўзингдан кам дема!

Минган отим отинг билан баробар,
Менга иқбол берса яратган жаббор,
Зарбимни кўрганди неча ул зўрлар,
Сен ҳам қолма бу ерларда бехабар.
Лоф уриб сўйладинг неча сўзингни,
Мен ўярман, бадбахт занги, кўзингни!

Жаҳондан ўтдилар неча номдорлар,
Дунёни кезган ҳоқону хонлар,
Юрт олиб дунёдан ўтди Искандар,
Сендай занги бўлди шу бугун дучор.

Бу сўзни эшитиб занги дарқаҳр:
— Ол ўлдинг, энди бўлгин хабардор.
Қалтакни Авазга ҳавола қилди,
Сипар тутиб бу калтакка рад берди.
Занги зарбин кўрди Аваз туташиб,
Бунинг баҳодирлик гайрати тошиб;
Мард йигит қиласи бунда хурушни,
Қўлга олди сопи олтин қилични.

Аваз ҳамла қилди бадбахт зангига,
Ғуруллаб нордайин чирпиниб турди,
Зангининг бошига қилични урди,
Қилич ботиб занги бўлди ярадор,
Хайбат билан ерга тушди бадбахтлар,
Йиқилмайин занги қилди сиёсат,

От устинда турди Аваз валламат.

Үлдинг, занги, жонинг омон қолмайди,
Сенинг кўнглингдаги ишлар бўлмайди.
Аваз билан бунда занги уришди,
Икковлари майдон қилиб сурпиди.
Каптардай учирди занги бошини,
Сулатди зангининг гавда-лошини.
Буни ўлдириб Аваз хурсанд бўп турди,
Яна ҳам майдонга бир занги келди.

Занги айтар: — Бизга дучор бўлибсан,
Урушли кун зангилардан қолибсан,
Баҳайбат зангини нобуд қилибсан.

Урушда яроги ўзиман бирга,
Занги дучор бўлди Аваздай зўрга.

Ҳамла қин Авазга яқинлаб етди,
Қилич билан Аваз нобуд қилибди.
Мақтанган зангилар дунёдан ўтди;
Қандай занги бўлса Аваз қуритди.
Тортиниб булардан ҳазар қилмайди,
Уламан деб хаёлига келмайди.
Неча вақт мен эдим Чамбилинг хони,
Беамр чиқмайди чибиннинг жони;
Дучор бўлган занги омон қолмайди,
Қандай занги бўлса нобуд айлади,
Авазхон урушга белни бойлади.

Бу майдонда занги бошини кесиб,
Тортинмай боради устига босиб.
Қолгани келолмас, сесканиб кетди,
Билмас занги, қандай одам келибди,
Урушли кун ҳаммамизга ғолибди(р),
Ўзи ёлғиз тортинмайин турибди.

Сулаб қолди бунда зангининг лоши,
Қиёматча бўлди унинг саваши.
Тўқайни оралаб қолгани қочар,
Бошини қутқариб қолган зангилар,
«Не бўлса балога дучор бўлмайик,
Бекорига бундай ўлиб қолмайик»,

Ҳол билгани энди йўлларга тушди,
Ақли шошиб, бунда тўқайга қочди,
Қочган зангилардан Аваз адашди,
Хон бурилиб қиз олдига етишди.

Авазхон қизни зангиларнинг ғула-занжиридан озод қилиб, макон-мазгиларни кўриб, керакли нарсаларини олиб, зангиларнинг ўлганига бояги қиз кўп хурсанд бўлиб, Авазнинг ҳақига қайта-қайта дуо қилиб турди. — Энди биз қайда юрсак, сен ҳам биз билан бирга юргин, — деб белини бойлаб, эркак жасадида қилиб, зангининг қора отига миндириб, Авазхон айтди: — Бу чўлда гапиришгани киши йўқ, ёлғиз одамнинг ҳеч ким билан иши йўқ. Узоқ йўлда уни-буни гапириб, сен бизга яхши эрмак бўлдинг. Қиз ҳам: — Эй баҳодир, полвон, мен икки бошдан ўлган, қайтадан дунёга келган; «Ажалга сабаб», — деган гап ҳақ экан. Ажал етмаса, бир нарса сабаб бўлар экан. Уладиган вақтда сиз келиб қолдингиз, сизнинг қувватингиз билан биз омон қолдик, — деб бораётир эди. Бир дарёга яқинлабди. Дарёнинг бетида одам кўринади. Қамишдан сол қилиб бойлаб, солга тушиб дарёдан ўтиб келаётир, дарёдан чиққани тўп-тўп бўлаётир, буларнинг олдига дарёдан ўтган уч-тўрт отли чопиб келиб сўраётир:

Йўл тортиб келасан икки зўрабор,
Жилов сақланг, сўрайдиган арзим бор.
Қайси чўлдан, қайси элдан келасан,
Шу чўлда бор эмиш занги макони;
Зангиларнинг маконини биласан,
Жуда ҳам таърифини баланд эшитдик,
Зангилардан қандай омон келасан?!

Бизлар ҳам сўроқлаб дарёдан ўтдик,
Қирқ кун бўлди Гулчеҳрани йўқотдик,
Отаси йиғлайди бўтадай бўзлаб,
Тай уриб юрибмиз дунёни излаб.

Сувсиз чўлда зангиларни бор, дейди,
Макон солган сатта зўрабор, дейди,
Гулчеҳра зангига гирифтор, дейди.

Эшитмиш-да, бирор берган хабарди,

Зангининг қўлига бориб тушибди,
Отаси бош бўлиб излар муштнпарди.

Ёмон эмиш чўлда зангининг иши,
Ҳамиша овқати одамнинг гўши,
Гулчехрадир бизнинг юртнинг бувиши;
Қирқ кун бўлди Гулчехрани йўқотдик,
Хабар берги, зангиларни билдингми?

Занги қайда бўлса излаб борамиз,
Газандани борсак босиб оламиз,
Кўрмаган куиларни унга соламиз,
Гулчехра деб бизлар қараб келамиз.

Зангиларнинг чўлда макони борди (р),
Таърифи зангининг шаҳарга келди.
Шул тарафдан келаётган жўмардлар,
Бизда йўқдир йўл юришга ихтиёр.

Подшомиз кейинроқ, сўнгроқ келар,
Бош бўлиб фарзандини ахтарар,
Бўлган ўхшар зангиларга гирифтор;
Қандай жўмард уйтаб келдинг зўрабор.
Сенга дохил келмадими зангилар?

Бу сўзни эшитиб, Авазхон бу одамларга бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Йўлдош билан тўғри йўлдан келамиз,
Занги деб сўрайсан нима биламиз;
Ҳар ким билар қиласиган ишини,
Биз билмаймиз занги деган кишини.

Ўз элимда юрган бизлар тўрамиз,
Ҳар шаҳарман шу шаҳарда юрамиз,
Қим сўраса, шундай жавоб берамиз,
Бизлар у зангингдан нима биламиз?

Ҳар ким азиз сақлар ширин жошини,
Биз билмаймиз зангининг маконини,
Сўрама бизлардан кўнгилда борини,
Кезиб келдик Жингилистон чўлини,
Биз кўрмасак барзанги мазгилини.

Сайил этиб йўллардá йўлдóш, жўрамиз,
Занги деган жонни нима қиламиз,
Уз бошимизни олиб кетиб борамиз,
Кўп одам, биз соп сизларни кўрамиз,
Не иш деб юрибсан, нима биламиз.

Чўлларда кезади мингандá тулпóр,
Қайдá борсанг, ўзингдадир ихтиёр,
Барзангí деб сира биздан сўрама,
Занги деганингиз нима гап бўлар?..

Бу сўзни деган сўнг булар: «Зангининг хабарини билмаган, мазгили қаерда, кўрмаган», — деб қайтди. Шунда бориб бу хабарн берди: — У йўловчилар бекорчи бораётган одамлар, занги деган нарсани янги эшитдик, билмаймиз, дейди. «Агар шу чўлда бўлса, занги буларни омон ўтказмас. Қандай билмайдиган кишилар экан?! Бир сўраб кўрайин», — деб Гулчеҳранинг отаси катталикни ташлаб, ўзича йўл бошлаб, бешта-ўнта сипоҳи билан йўл устига чиқди. От чопиб йўлга чиққан бу одамларни Гулчеҳра кўрган замоноқ отасини таниди. Таниса ҳам: «Бу одам мени ўлимдан қутқарган, оғир ишларни биткарган, балки мақсадга еткарган. Мен беҳдаблик қилмайин, сўзласам у кишида ихтиёр, билдири-майин», — деб турди. Шу вақтда Гулчеҳранинг отаси буларга қараб, бир сўз айтаётиди:

Чўлда кезиб келган, жоним, султоним,
Икковинг ҳам ажаб қайсар жононим,
Жудо бўлган фарзанди меҳрибоним,
Ул шаҳардан меҳнат тортиб келамиз,

Ҳайрон бўлдик, бундай йўлларда додглаб,
Биз юрибмиз занги маконин йўқлаб,
Икки арслон, юрдинг йўлларда бирга,
Зангининг хабарин айтсанг бизларга,
Йўлиқайик бориб зангидай зўрга.

Ўз юртингда сен ҳам бексан, тўрасан,
Зангининг жойини аниқ биласан,
Зангиларнинг агар жойин билмасанг,
Чўлистандан қандай омон келасан?

Эшитдик зангилар баҳайбат киши,

Еган овқатларп одамнинг гўши;
Жуда ҳайбат, эшитамиз қирқ қиши.
Одам ўтмай йўл қатаған бўлганди,
Овоза, таърифин нечов берганди.

Қизини йўқотиб мендайин шойим,
Ўнг келтирса қодир худойим,
Мен сизлардан қайта-қайта сўрайин,
Гулистон шаҳрим, ажойиб жойим.

Хизмат қилар бўлди бунда югуриб,
Шавкатимда борди сонсиз сипойим,
Неча сўзни бу танама ўйладим,
Қизимни йўқотиб фіғон айладим.

Сайилгоҳда юрган сатта муштипар,
Бемаҳалда дучор бўпти зангилар,
Кўрганим йўқ, халқ оғзида шу гап бор,
Фарзанд учун излаб бормоғим даркор.

Фарзандим деб мен бўлганман беқарор,
Қалай йўлиқмади сизга зангилар,
Билмадим деганда сўзларинг бекор,
Жавоб беринг йўлда юрган қайсарлар.

Узоқдан йўл тортган бу бедов отинг,
Нёдонларга келмас сенинг жасадинг,
Мен билмайман қаерларда авлодинг?

Бу сўзларни бу отаси сўради,
Аваз ўғлон жавоб бермай туради,
Ўзини тўхтатолмай кўринг Гулчехра,
Ёмон кун эсига тушиб йиғлади,
Оҳ урди-да, наргас кўзин ёшлади,
Отам дейди, ўзин отдан ташлади.

Бошидан кетди-ю дастори учиб,
Кетди отасининг хаёли қочиб,
Гулчехранинг қора зулфи ёйилиб,
Кўрган азоб кунлар ёдига келиб.

Қизин таниб отаси ташлаб отдан,
Қўлин ушлаб, тавоб қилиб фарзанддан:

— Шукур қилай кўрдим, фарзандим, омои,
Ҳаммадан айролиқ савдоси ёмон.
Иншоолло, кўрдим фарзандим, жоним,
Омон-эсон бор экан-да меқрибоним.

Жудо бўлиб, қўзим, қаерга кетдинг,
Отангнинг шавкатин элда унудинг,
Кун кечириб ғариблиқда доғ этдинг,
Қайтадан дунёга келган боламсан.

Ота-энанг йиглар сени ёд этиб,
Эсига олганда ўзидан кетиб,
Сени кўриб хаста кўнглим шод этиб,
Эшитмаган жойни кўрган боламсан.

Жудо бўлиб юрдинг кимнинг элида,
Парвоз қилган қандай лочин қўлида,
Кун кечирдинг сен кимнинг мазгилида,
Бу сувсиз, чўлларн кезган боламсан.

Отанг юрар тинмай сени ҳам излаб,
Қирқ кун бўлди ҳар кимсадан сўроқлаб;
Умид узиб сени ўлимга чоқлаб,
Йўл устида дучор бўлган боламсан.

Шаробнинг ўрнига зардоблар ичиб,
Қаерларга кетдинг жонингдан кечиб,
Ота-эна, шавкатингдан сен кечиб,
Ғамли кунга дучор бўлган боламсан.

Отанг суюнади тарзингни кўриб,
Қўнглинг чўкиб, қаерда ғариб бўлиб,
Қирқин қизларинг на жойда қолиб,
Эркак либосини кийиб йўл олиб,
Ажойиб хизматда юрган боламсан.

Сенга йўлдош бўпти шердайин қайсар,
Ё бўлдингми шундай шерга гирифтор,
Шаҳар ҳалқи болам сенга интизор,
Ота-энанг йиглаб бўлгандир абгор.

Танимадим ҳозир бирга кишиигни,
Санамайман бу йўлда юришнингни,
Бошимдан ўтказган қандай ишимни,

Мени кўриб кўздан тўккан ёшингни,
Энди бориб кўргин қариндошингни,
Эркалаб ҳолимни билган боламсан.

Бу сўздан сўнг Гулчехра отасига қараб, бир-икки
оғиз сўз айтиб турган экан:

Етмади ажалим, ўлимдан қолдим,
Неча каниз билан сайилбоғ қилдим.
Баҳорли кўнгилда ўйинни бошлаб,
Қизлар билан юрдим кўнгилни хушлаб.

Бемаҳалда боғда ақилим шошди,
Мендай қизинг занги чангига тушди.
Раҳм қилмас сира айтган сўзингга,
Одам қараб бўлмас унинг юзига.

Банди қип олганди занги бизларни,
Қабатимда ҳамроҳ бўлган қизларни;
От олдига солди бизларни ҳайдаб,
Бизларни матади қўлимни бойлаб,
Олиб бориб гула-занжирга тайлаб.

Ҳар кунига биттамизни сўяди,
Ароқ ичиб, одам гўштга тўяди.
Шундайин кунларни кўрган болангман.

Қирқин каниз бари дунёдан ўтди,
Зангилар ул замон ов-овлаб кетди,
Ўлар куним шў куни муҳлат битди,
Гапиргани бўлмай қувватим кетди.
Соҳибқирон, бундайин қайсар етди,
Ҳолим кўриб, неча сўзни сўратди.
Шу вақтида зангилар овдан етишли,
Зангиларман танҳо майдонга тушди,
Лочин шунқор экан, қайтмай савашди.

Қанча ғул-занжирдан мени озод айлади,
Неча сўзни менга баён айлади;
Бошимда кулфатиинг барин тайлади,
Шундайин кунларни кўрган болангман.

Ганг бўлиб қолганман, бу йўлга тушди,
Йўл устинда сендай отам етиши.

Омон қолди бу работда танда жон,
Юракдан кетганди ҳар турли армон,
Қўрар кўзим, отам эдинг меҳрибон,
Омон-эсон қайта бошдан кўрдимман.

Бу дунёда кўп йиғладим дод этиб,
Душманнинг қўлинда кулфатим тортиб,
Заъфарондай қизил юзим сарғайтиб,
Ажойиб кунларни кўрган болангман.

Бу сўзни эшитиб, отаси Авағга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Фарибликда мени сўлган тарзим бор,
Қайтадан дунёға келган қизим бор,
Сўзимни англагин, баҳодир номдор,
Улар вақтда сабаб бўлган сен шунқор,
Бул тарафда сенинг нима ишинг бор?

Сиру ҳолинг, бегим, сендан сўрайин,
Иш кўрсатдинг, хизматингда бўлайин,
Бул мазгил-жойима олиб борайин.
Меҳмонни сўйлатган қизил тил бўлсин,
Юришингдан узоқ йўлга бўйлайсан,
Ростин дегин, энди сенга йўл бўлсин?

Юргин бирга менинг мамлакатимга,
Қойил қолсанг элимда хизматимга;
Меҳрибонлик қипсан бул фарзандимга,
Менинг билан юргин мамлакатимга.

Омон борганини маълум қилайин,
Элу ҳалқа тўй-томуша берайин.
Эщит, ўғлон, менинг айтган сўзимди,
Ҳар на хизмат бўлса мендан лозимди(**р**),
Эргаштириб олиб борай ўзингди,
Қабул қилсанг, тўйлаб берай қизимди.

Ҳар на десанг, сенда бўлар ихтиёр,
Мамлакат-юртимда бўлгайсан сардор,
Агар подшоликни мендан хоҳлассанг,
Подшо қилиб сени қўймогим даркор.

Борсанг кўрасан-да Гулистон жойим,
Хизматкор бўлади қанча сипойим,

Кетсин юрагингдан қайғуманвойим,
Элга султон қилсин сени худойим.

Хеч кимса қилолмас ё сенга зулм,
Қўрғоним яқинидир, бир ёғи Рум;
Тортинмагин, жавоб бергин, жон улим,
Билмадим қаерда ўсган мазгилинг,
Нима деб атайди ул юрган еринг,
Бўлинмасин, мен сўйладим, кўнгилинг,
Бирга-бирга, хоним, элга юр энди.

Бу сўзни эштиб, Аваҳон бир сўз айтиб турган экан:

Хон ота, хушладинг фарзандларингга,
Бориб турсанг элда кирдикорингга,
Вақтида борарман шаҳарларингга,
Неча сўзни айтдинг мендай мардингга,
Чидамайман юракдаги дардима.

Туркман элда дейди мамлакатимни,
Чамбил дейди менинг турган жойимни;
Гўрўғли деб келар, дунёга машҳур,
Хон Гўрўғли дейди элда шойимни.

Отин айтдим энди, хоним, ўзинг бил,
Неча сўзлар сенга айтаман тимсол,
Мен сўйлайман, аё хоним, қулоқ сол.

Майдон бўлса сотар эдим ширин жон,
Йўлни қирқиб душман чиқмас, меҳрибон,
Хеч бир душман омон кетмас қўлимдан,
Гўрўғлининг ўғли, отим Аваҳон.

Мен келаман йўлда ақилим шошиб,
Қайғу-войим, кулфат бошима тушиб,
На жойларга менинг тақдирим тортиб,
Фам савдоси қизил юзим сарғайтиб.

Ҳар тарафни подшо халқи сўрайди,
Гўрўғли ҳам бу мурватга қарайди.
Румнинг¹⁷ шоҳига айтар арзим бор,
Ажойиб савдога бўлдим гирифтор.

Менинг йўлдан уриб оша тўхтатма,

¹⁷ Шевада ва қўлжамада Ҳурум.

Румнинг шоҳига сўзлар сўзим бор,
Асли ўзим Гўрўғлига хизматкор,
Ростин десам фарзандларим интизор.

Қувонаман йўлда қилган ишнмдан,
Кўз юмсан фарзандим ўтар қошимдаи,
Румнинг шоҳига арз этиб кўрай,
Кетармикан қайфу-войим бошимдан...

Бул бандани қандай кунга бошқарар,
Хоҳи шоҳу хоҳи юрган гадолар,
Хон ота, Румга бормоғим даркор,
Сўз сўрама, ўзимда йўқ ихтиёр.

Бу сўзларни эшитиб: — Э, ўғлим, Рум бўлса, яқин
мамлакат, беш-тўрт кунда бориб келасан, ҳеч нима
эмас, сендан ўғил қирқ йилда энадан туғилмас, ҳар
мамлакатда диловорлик қилсанг, қўлингдан келади, ово-
заси оламни босган зангини йўқ қилибсан, бўлак киши-
нинг нима қуввати бўлади,— деди. Шунда хўшлашиб,
неча сўзни айтса-да, Авазхон бормоғни ихтиёр қилма-
ди. Бола-чақаси кўнглидан пано бўлмади, оқшомлаб чи-
қиб кетган, ўлик-тиригини билмади, болаларини кўр-
макдан бўлакни ихтиёр қилмади. Хўшлашиб, булар
соғ-саломат ўз мамлакатига қайтди. Авазхон йўлга ту-
шиб кетди.

Саргардон бўлиб йўл юрдим,
Йўл юрсам ҳам мўл юрдим,

Оғир кунлар ўтказиб,
Йўлда қанча иш кўрдим.
Назаркарда Фиркўк от,
Қичаб юриб йўлни торт,
Бир мазгилга етказиб.

Элдан жудо бўлганман,
Жабр-жафо кўрганман,
Кўп ерлардан келганман,
Беклик шавкат ҳаддидаи
Мен айрилиб келганиман.

Ҳаққа қилиб нола-зор,
Ўзимда йўқ ихтиёр,
Сенсан назари тулпор,
Жоним бўлиб беқарор.

Мени Румга еткар,
Аваз деган отим бор,
Менга йўлдош жонивор,
Рум юртини ахтариб,
Етиб бормоғим даркор.

Сўз айтиб Аваз боради,
Ҳар тарафга қаради,
Ҳайло-еъ, Рум шаҳрини
Аваз яқин кўради.

Яқинлашиб борганди,
Аваз ўғлон кўрганди,
Бўлган уруш устидан
Аваз чиқиб қолганди.
Бу қирғиндан бехабар
Қанча ўлган одамлар.

Авазхон ўлган ўликларни кўриб: «Бунда бир қирғин
уруш бўлибди: ким ўлиб, ким қолибди, дарвозалар бер-
килибди. Бир тўполон бўлибди, бу ўликлар далада қо-
либди», — деб сўзлашгани одам топмай, Рум дарвоза-
сига етди. Дарвозалар маҳкам, қўргондан ташқарига
ҳеч жонзод чиқмайди, гап сўрагани одам топмайди.
Шунда Авазхон дарвозага қараб, қўрбошини **сўраб**
турган экан:

Оҳ урсам тўқилар кўзимминг ёши,
Оллонинг тўбидир байданинг боши,
Отимни ҳоритган йўлларининг тоши,
Қиёматча бўлар эрнинг саваши,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Меҳнат тортиб узоқ йўлдан қеламан,
Одам топмай бунда ёлғиз қоламан,
Мусоғирман, элни нима биламан,
Бемаҳалда ёлғиз қайда бораман,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Баланд тогда бўктарилган қормисан,
Дарвозада э, қўрбоши, бормисан?
Маҳтал бўп турибман, қулоқ солмайсан,
Сен ўзингни бунда маълум қилмайсан,
Кечга қолган одамзодни билмайсан,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Дарвозада мен ҳам тиклаб турибман,
Иўллар юриб жабру жафо кўрибман,
Қўрбоши, деб бунда хабар қилибман,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Бу сўзни эшлитиб, қўрбоши ҳам ичкарида бир сўз га-
пириб турган экан:

Билмадингми уруш овозасини,
Қўрбоши очмайди дарвозасини.
Бунда чўлда қирғин уруш бўлганди,
Қанча одам унда нобуд бўлганди.

Бир неча одамлар дунёдан ўтди,
Подшомиз амри шундай бўлибди,
Дарвозани қўрбошилар беркитди,
Дарваза очмоққа ижозат йўқди(р).

Хабар етказмасак магар султонга,
Дўст-душманинг¹⁸ бизга маълум эмасдири,
Ким бўлсанг ҳам киргизмайман қўрғонга.

Ижозат йўқ, қулоқ солмас тилингга,
Ҳеч ким боқиб қарамайди йўлингга,
Ким қарайди бунда сенинг ҳолингга.

Биз назар солмаймиз сенинг ишингга,
Эшик очиб биз чиқмаймиз қошингга,
Кетасанми, ётасанми дашингга.

Қўрбошимиз, бизлар айтмаймиз ёлғон,
Подшомиз шундай деб ижозат берган;
Қанча ҳам сўйласанг, сўзларинг бекор,
Қўрбошининг бунда нима ҳадди бор.

Очмоққа ахир шоҳим амр этар,
Дарваза очмоққа биз бўламиз гуноҳкор,
Бақириб-чақириб турмоқ не даркор?
Румнинг шоҳига бизлар хизматкор,
Очолмаймиз бизлар ҳам беихтиёр,
Сўзини тарк этсак, бошимни олар.

¹⁸ Душманингигин.

Бу сўзни эшитиб, Авазхон: «Қаерга борсак, бизга йўл банд бўлди-да, яна бир сўз айтиб кўрайин», — деб гапириб турган экан:

Мени билсанг Чамбил элдан бўламан,
Меҳнат тортиб бу ерларга келаман.
Бунда қолсам яхши бўлмас, ёронлар,
Бизларни буюрган Гўрўғли номдор.

Остимда ҳориган мингган отим бор,
Рум подшосига берар хатим бор.
Гўрўғлиниг арзачиси бўламан,
Арза олиб узоқ йўлдан келаман.

Элимизга катта Гўрўғли қайсар,
Менга айтган неча ваъдалари бор.
Ташқарида агар қолсам, қўрбоши,
Гўрўғлига мен бўламан гуноҳкор.

Фалак уриб боғда гуллар сўлмасин,
Олло менинг ақлу ҳушим олмасин,
Бориб хабар бергин Румнинг шоҳига,
Арзачи далада ёлғиз қолмасин.

Учраб сўйласам ишларим битар,
Жавоб олиб бунда арзачи қайтар.
Подшоларнинг қатнаб юрар элчиси,
Элчиларнинг бўладикан тилчиси,
Мен бўламан Гўрўғлини(нг) арзачиси,
Қулоқ солиб англа буни, қўрбоши,
Уят бўлар бунда шоҳларнинг иши.

Маҳтал қилма, менинг ишимни биткар,
Сўйлаган сўзимни шоҳингга еткар;
Сен сўйладинг бўламан деб гуноҳкор,
Менинг ҳам бўйнимда асосий ишлар.

Хаёлингни бўлак ёққа бўлмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Дарвозада мени маҳтал қилмагин.

Нима десам, э қўрбоши, бил энди,
Ҳаяллама, шоҳ қошига бор энди.

Сувлиқ тишлаб бунда отим уринар,
Ўзинг ўйла бу туришум не даркор.

Шунда: «Рост айтади, бу хат кўтарган Гўрўғлидан келган арзачи экан. Уни ўзимиз ҳам биламиз. Гўрўғли Чамбилбелида, Туркман элида, ҳукмикуш ўзининг қўлида, халифа Румга тобе, ҳар на амал бўлса халифа беради. Ундан келган амалдорни маҳтал қилсан, арзачи экан, кечга тортиб қолади. Агар далада қолса, ёмоннинг қўлига тушса, ўзини ўлдириб, отини олса, бу яна яхши бўлмас, нима бўлса хабар берайин», — деб қўрбоши чопқиллаб кетди, пойтахт остига етди. Жиловхонада турган саркардалар: — Энтикиб чопиб келаяпсан, бир нима топдингми? — деб турибди. — Ишингиз бўлмасин, — деб салом бериб, ўтиб бораяпти. Эшик олдида турган маҳрамларга етишди. Маҳрамлар: — Нима гап? — деди. — Мана шундай арзачи келибди, — деди. — Арзачи келса, бунча энтикасан, сен қўрбошисан, дарвозани очиш учун ичкари кириб сўра, — деб жавоб берди. Қўрбоши ичкари кириб, бир сўз айтаб турибди:

Жоним шоҳим, сизга дерман арзимни,
Эшигингиз менинг сўйлар сўзимни.
Гўрўғлидан бир арзачи келибди,
Дарвозада маҳтал бўлиб турибди.

Мен эшигим, бордир гапин мазаси,
Очилмас деб жавоб бердим дарвозаси.
Сўрамадим нима экандир оти,
Гўрўғли ютидан кўтарган хати,
Айтувдан туркмап халқи авлодн.

Бир арзачи маҳтал бўлиб турибди,
Сўз сўзлади менга, гаплари дадил,
Мамлакатнинг баланд-настин билмайди,
Бу ерларда ул арзачи мусофири.

Кўп сўйлади, қолмади менда тоқат,
Йўл юриб кўрмабди йўлларда роҳат,
Очишга берсангиз энди ижозат,
Бенжозат очиш бизга қабоҳат,
Шоҳим, шулдир сизга айтган маслаҳат.

Эшитганман арзачининг тилини,
Кўрганим йўқ унинг Туркман элини,
Айтиб келдим сизга деганиларни.

Энди, шоҳим, беринг бизга маслаҳат,
Кириб ичкарига қилмоқчи роҳат,
Узоқ ердан келиб торттандир меҳнат,
Қани, шоҳим, беринг бизга ижозат.

Шунда Рум шоҳи айтди: — Гўрўғлидан келган ундей арзачи бўлса, далада қолмасин, ичкарига киргизинглар. Келиб бизга кўриниш берсин, қандай одам бўлса, ўзини билдирисин. Бу сўзни эшитиб, қўрбоши чоп-қиллаб келиб дарвозани очди. Аваз ичкари кирди. Қўрбоши қараб, Авазнинг қадди-жасадига, мингтан Фиротига, белга бойлаб юрган кескир пўлатига кўзи тушиб, онгги кетиб қолди: «Бу Гўрўғли деб эшитганимиз, кўрганимиз йўқ. Бунинг биргина арзачиси шундай, у ёқда амалдорлари ким қандай! Бу ҳайбатли, сиёсатли, жуда чиройли, ажаб суратли; одами ҳўп тоза бўлар экан», — деди. Қўрбоши яна дарвозани беркитиб, Авазнинг отини ушлаб, Рум шоҳига Авазни бошлаб, пойтахт остига яқинлаб етди. Рум подшосига рўпара бўлди. Рум шоҳи Авазни кўрди, Авазхон кўриниш [бериб], салом бериб, таъзим қилиб, саксон қадамча ерга кейини билан юриб кетди. Рум подшоси айтди: «Гўрўғли ниҳояти саҳройи ерда, булар бир ваҳший халқ, ўлар-ўтарини билмаган; шу Туркманда ҳам шундай беклик салтанатини билгудай одобли кишилар бўлар экан-да!» Авазнинг кейини билан юриб кетганига курсанд бўлиб, подшоликдан Авазга жой-ораста тайин бўлди. Олдига неча сипоҳилардан хизматкор тайин бўлди, отига қараб турадиган сайислар қўйилди. «Мен Гўрўғлини ҳеч нима демас эдим. Гўрўғлининг анчайин битта хизматкори шундай одобли, у ёқдагилари — бундан катталари ким қандай», — деб ўйлаб қолди. Хизмат қилиб, Авазнинг вақтин ниҳоят хушлади. «Сиз арзачиман дедингиз, кўтариб келган арзангиз қани?» — деб Аваздан ҳеч қайсиси сўрамади. Бир нечалар сўрайди. Ҳа, арзамиз ўзимиз билан бирга, вақтида берамиз, — деб қўяди Авазхон. Шуйтиб, иззатга мириқиб Авазхон бир неча кун туриб қолди. Энди сиру аҳволини маълум қилмоқчи бўлди. У Гўрўғли хизматида бўлганини, урушда иш кўрсатиб юрганини, қилган хизматлари тұхмат бўлганини, бола-чақасининг қаттиқ

кунда қолганини, кўнглида борини, азоб кўриб кечирган кунини — ҳаммасини арзага солиб, бир таҳтача арза қилиб, қошида бир сипоҳига айтиб турган сўзи:

Румнинг юртида турган амалдор,
Румнинг шоҳига баринг хизматкор,
Подшоҳинг чорласан тайёр,
Албатта, шоҳ қошига мени бошлаб бор.

Подшоҳингга берадиган хатим бор,
Роҳатда турибман, кўнглим хумор,
Билмайман султоним қандай амр этар,
Олиб бориб хани тутмоғим даркор.

Сўзлашмоққа мен ҳам шоҳга интизор,
Ҳар турли неча муддаойим бор,
Ҳаяллатма, мени шоҳингга еткар,
Бир муддао шудир ишимни биткар.

Менда ҳам бор эдн неча фарзандлар,
Асли ўзим Гўрўғлига хизматкор.
Жафо кўриб келдим шоҳни кўрмакка,
Умид қилдим хизматимни билмакка,
Нажот топиб Туркман элга юрмакка.

Бу сўзни эшитиб, қошидаги хизматкорлар Авазни олиб кетди. Олиб бориб шоҳга рўпара қилди. Ёнига бориб тур, деб жавоб берди. Арза шоҳнинг қўлида қолди.

Авазнинг бу арзасини эшитиб, подшонинг Қосимхон деган ўғли бор эди, ўғлини чақириб олиб, ҳалиги ўғлига бир сўз айтаяпти:

Бир тоғи Полопон, бир тоғи Болқон,
Чор ҳоким шаҳри бор, белгили дархон,
Шаънига Гўрўғли бўлибди султон,
Гўрўғлинииг ўғли экан Авазхон.

Сўзлари арзада ҳам тайин бўлган,
Асли Гуржистондан ўғил қиң олган,
Чамбилда баҳодир, биринчи полвон,
Яхшилик ишлари ёмонлик бўлган.

Туҳматчи муттаҳам ўртага олган,
Дор қуриб Гўрўғли ўлдирмак бўлган,
Суяниб, меҳнат қиң бу ерга келган,

Ҳақиқатга етгин, сендайин ўғлөн,
Армонда ўлмасин баҳодир полвон.

Неча шаҳарларни у танҳо олган,
Не жойларни Чамбилга тобе қилган;
Шундай марднинг сира қадрин билмаган,
Бўйни йўғон, бекор сўздан қолмаган,
Ўлим деб гапирган, писанд қилмаган.

Туҳматчи тоғаси Аҳмад Сардор,
Қариганда қайтиб кетган иғвогар,
Ундай бузмакорни ўлдирмак даркор,
Қосим ўғлим, сен бўласан хизматкор.

Қанча лашкингни йиғиб оласан,
Йўл тортиб Чамбилга бирга борасан,
Чамбил атрофини бориб оласан!
Қиличини бўйнига солиб Гўрўғли,
Пиёдалаб чиқиб келса қошингга,
Шундай қилса, омонликни берасан.

Урушаман деб агар қилса ҳаракат,
Чамбилинг юртига қилгин қиёмат;
Бориб сина Гўрўғлининг ишини,
Уруш ҳавас қилса кесгин бошини,
Тўпга тутиб отгин манман кишини.

Менинг айтган сўзим ўғлим биласан,
Тўқсон тўп лашкар жамлаб борасан,
Ҳар на деб амр этса, манъ қилा�сан.

Гўрўғлини етаклайдими Сардор,
Уруғ қувиб унинг ишлари бекор,
Елғиз деб Авазни унда қоқмалар,
Бўйни йўғон халқидир унда туркманлар.

Гўрўғлига мен ҳам амал берганман,
Қилган хизматларин англаб турганман;
Амал билан бўлди Чамбилинг шойи,
Ҳар элдан қошига борган сипойи,
Ёвмит халқи дейди ул ўсган жойи.
Менинг сўзим англаб билгин, Қосимхон,

Мен айтайин сенга пайду насиҳат,
Сенга йўлдош бўлсин Аваз валламат,
Борсанг тушар ғулгулайи аросат,
Ўзидан ёв чиқиб бўлар қиёмат,
Шундай бўлиб боргин Румнинг ютидан.

Ўигу сўлни қараб, болам, биласан,
Юртни кўриб жаҳонгашта бўласан,
Ким яхши, ким ёмон англаб биласан,
Жаҳонни сайр этиб бир кун келасан.

Бош бўлиб миҳасан табладан отди,
Бедингта бойласанг ханжар лўлатди,
Бу суюниб келган экан Авазхон,
Сен хизмат қилмасанг, бунга уятди(р),
Жоним болам, қилгин энди ғайратди.

Сен эшнтигин мендай отанг тилини,
Бориб кўргин Гўрӯғлиниинг элини.
Бориб қолсанг мамлакатин кўрасан,
Ким яхши, ким ёмон англаб биласан.

Бўйни йўғон бўлсин бунга хизматкор,
Бош этмаса уни ўлдирмак даркор,
Ўлиб кетсин соп бадфеъл, иғвогар.

То ўлганча яратганга рост бўлгин,
Хизмат қилиб Авазхонга дўст бўлгин,
Маслаҳатман унинг йўлига юргин,
Лашкарбошп бўлиб Чамбилига боргин.

Нечалар айтади сенга арзу дод,
Авазни қилгайсан унда таърифот.
Мард киши асли номард бўлмайди,
Бадфеълнинг сўзи ўрин бўлмайди,
Ёмон одам ёмонликдан қолмайди.

Яхши сўзлар билан, болам, сўзлагин,
Парвоз қилиб Чамбили элни кўзлатгин.
Бугун ётиб, эртан талаб айлагин,
Бу хизматта белни маҳкам бойлатгин.

Сен ҳам менинг бунда жоним, дилимсан,
Парваришда, болам, ёлғиз улимсан.

Иzzat қип турасан ҳар замон мени,
Иигит деб буюрдим хизматга сени.

Нима деб амр этсанг, айтганинг бўлар,
Ахтариб дунёни кўрганинг қолар,
Хизматкорлар юрса йўлларни олар,
Саркарда бўп жўна сендаин шунқор!
Сенга йўлдош Авазхондай зўрабор,
Дарду ғамга ўзи бўпти гирифтор.

Кўп экан ғам билан юракда дарди,
Ҳар замон эсига тушар фарзанди;
Фарзанд деганингиз ширин нарсади(р),
Ҳар кўрганда одам кўнгли ўсади.

Бўлиб қолиб Аваз ўғлон гуноҳкор,
Хаёлидан кетмас фарзандлари бор,
Кўролмайин келган бу ерга начор,
Учи йўқ савдога бўлган гирифтор.

Борай деса жон ширинлик қиласи,
Гўрўғли қўлида ғарип ўлади,
Уларини марднинг ўзи билади,
Пано тортиб келган шунқор тўради(р).

Бу сўзларни отасидан эшитиб, Қосимхон: — Мен ҳали бир ёққа юриш қилиб кўрганим йўқ. Сиз Аваз деб гапирдингиз, мен қошига борганим йўқ. Нима қиласи, амр этсангиз, борамиз, — деди. Унда отаси туриб айтди: — Гўрўғли бир четда — Туркман юргда, ҳам беклиқ, ҳам зўрлик даврин суриб, одамнинг қадрига етмабди, иш кўрсатган кишининг меҳнатини билмабди. Бўйни йўғонлик билан ошиб кетган экан. Сенга тайин шул, агар сенинг борганингни Гўрўғли билса, ёв-яроғи билан, одамлари билан ҳаракат қиласа, ҳеч омонлик берма, тўпга тут; Чамбил шаҳрини вайрон қилиб, ҳаммасини тиф-дамдан ўтказиб юбор. Жўрасини ҳурматлаб, иззат қилиб, олдингга пешвоз чиқиб ҳурматласа, Авазнинг гуноҳини тилаб олиб, ҳеч қайсисида гина қолмайдиган қилиб, яраштириб қайтасан, ҳам қайтага ҳалқни, одамларни кўриб, юрт танийсан. Сўнгра қайтиб келсанг, подшолик, катталиқ шундай бўлар экан, — деб элда ҳам қила берасан, ҳар ишни била берасан. Бир ёққа юриш

қилмасанг, яхши-ёмонни кўрмасанг, кимнинг ким деганини нима биласан?!

Отасининг сўзини эшитиб, бу хизматга тайёр бўлмоқчи бўлиб, ўрнидан туриб: «Отам Аваз деб гапирди, бу қандай одам экан, бунинг олдига бориб, ҳамгап бўлиб, бир сўзлашиб, синаб кўрайин. Отам таърифинн баланд айтди, ҳар сўзнинг ўролида баҳодир деб гапирди. Шу айтган баҳодирларидан отамнинг давлатида ҳам бор», — деди.

Аваз ҳар ким кўрса кўргудай, кўрганинг кўнгли тўлгудай; илгари ёш вақтида, Гуржистон шаҳрида турганда, Хунхоршоҳнинг олдида маҳрамлик қиласарди. Бунга ҳуснин худо берган эди, жамоли қоронги кечани равшан қиласар эди. Гўрўғлига ўғил бўлиб, хизматига келгандан бери баҳодирлик қиласар эди. Ҳар кимга дучор бўлса, меҳри тоблаб, яхши кўриб юар эди. Қосимхон Авазни кўрмоқ учун қошига бориб, отасидан эшитса-да, ўз тилидан эшитмоқчи бўлиб, билса ҳам, билмагандай бўлиб, Аваздан сўраб турган экан:

Сўзимга қулоқ сол, келган шербачча,
Етолмас қошингга сенинг бир неча.
Эшитаман, кепсан ўғсан элингдан,
Файрат қилсанг, ҳар иш келар қўлингдан,
На хизматман чиқдинг Чамбил элингдан,
Хабар бергни сен ҳам ҳар на ҳолингдан!

Шер ўмганли қайсар, баён айлагин,
Қарчигай чангали, йўлбарс билагинг,
Тарзинг кўрсам қоплонча бор юрагинг;
Ростин дегин, хабар бергин, шербачча,
Етолмайди сенга энди бир неча,
Фам тортиб келибсан, ҳожатинг қанча?

Отам берди яна бизга хабарди,
Кўп таъриф айлади сендаш шунқорди,
Сенинг билан бир қиласиз сафарда,
Ёвмит элда қолганларга хатарди (р).
Эшитганин подшо отам гапирди.
Кўрганим йўқ, энди кўрганча бўлдим,
Сени истаб мен ҳам қошингга келдим.

Ўрин қиласай сенинг хизмат-ишингни,
Ҳамроҳ қилсак бунда сонсиз кишини.

Мен ҳам билгин сенга йўлдош бўламан,
Кимса душман бўлса бошин оламан.

Сен ҳам бўлсанг ном кўтарган баҳодир,
Яхши бўлсанг, яхшиларнинг қадрин бил,
То ўлганча яхшиларга хизмат қил.
Чамбил борсак, менинг қилган ишим кўр.

Бир ҳикматли билдим сендейин лочин,
Олибсан вақтида Ширвоннинг божин,
Топширибсан Гўрўғлига хирожин.

Шунча хизмат, яхшиликни қилибсан,
Бу ерларда қон тўкишиб юрибсан,
Эшитдим отамдан қилган ишингни,
Ахири туҳматга эга бўлибсан.

Мард йигитлар билар марднинг қадриний,
Чорвадорлар ёйлар тоғнинг адрини.
Ёмон билан суҳбат қурсанг ҳар жойда,
Сиринг айтиб ҳар на ҳолинг билдирар.

Азаматлар олмос бойлар дастига,
Душман тушар кам давлатнинг қасдига,
Нодон билан борсанг душман устига,
Қия чопиб ҳар на ҳолинг билдирар.

Бебаҳра гиёдан яхшидир япроқ,
Беақл йўлдошдан яхшидир таёқ,
Кўр кишига юрар йўлин билдирар,
Бу сўзларни айтар шоҳим муқаррар.

Бизда ҳам бўлади баҳодир беклар,
Ғамгин бўлиб бунда турганинг бекор,
Подшо ёрдам қилиб сени кулдирар.

Подшолик салтанат ажойиб жойди(р),
Бу дунё кўнадан қолган саройди(р),
Ўйлаб туриб қилгин бир мазгил жойда,
Мақтанган ютқизар, чақон ўлдирар.

Бу сўзни эшитиб, Авазхон ўрнидан туриб, подшонинг
ўғли эканини билди, адаб билан табассум қилиб, бир
сўз айтиб турган экан:

То ўлганча яратганга рост бўлдим,
Ўз феълимдан чўпу хасдан паст бўлдим,
Сўзингга тан бердим [сенинг], Қосимхон,
Худони ўртага солдим, дўст бўлдим.

Неча вақтлар қонлар ютдим,
Мен йиғлаб ўзим ҳоритдим,
Неча дарбанд, белдан ўтдим,
Дўстлик нишонини тутдим.
Шукур энди мақсадга етдим.

Келдим бунда шоҳни сўраб,
Мен бўлмай ҳеч кимга тараф,
Румнинг шоҳини ахтариб,
Ҳеч кимсага сўзламадим
Бу кулфатда дардим ёриб.
Ўзим ўйлаб, ўзим юрдим,
Ёлғиз бошим бўлди ғариб,
Келдим бу ерга ахтариб.
Бир бошимда савдо бўлди,
Бир ажойиб ғавро бўлди.
Мендай номдор бунда келиб,
Шоҳларман ҳамсуҳбат бўлиб,
Ҳар сўзидан кўнглим тўлиб.

Кетдим мен дарёдай тошиб,
Қувонгандан ақлим шошиб;
Дўстим дейнишиб бир-бирини,
Қосимхонман қуchoқлашиб.

Шундайин рост дўст бўлиб,
Бир-биридан кўнгли тўлиб,
Авазхоя шундай қарайди,
Хўп ўзидан ғолиб билиб

— Балли, шоҳлик шавкатингга,
Бошда тожу давлатингга,
Мени қилган ҳурматингга,
Шунча ҳам катталикман
Тайёр бўлиб хизматимга,
Бормоқчи ўсан юртимга.
Очилгандир менинг баҳтим,

Бунга тўғри келди раҳтим;
Балли, сенинг ҳурматингга,
Шоҳлик-шавкат, тожлик тахтим.

Жасадим бор шеру қайсар,
Оз бўлса тўрт минг сипойи,
Бари югуриб хизмат қилар,
Мен ёлғиз тентирааб келган,
Ҳурмат қип баробар турар.
Адаб, ҳурмат бари сенда,
Иzzат кўрдим мана энди;
Бирга-бирга бундан борсак,
Утиришсак Чамбилбелда.

Ажойиб бунда мазгили,
Булбул каби ширин тили,
Чаманда сайрар булбули,
Шунча бизни иззат қилди
Қосимхондай шоҳнинг ули.

Хижолатлик бари кетди,
Подшои Рум раҳбар бўпти.
Кўрмасамам кўргандай бўп,
Рўзгоримда тургандай бўп,
Чамбил элда юргандай бўп,
Фариб кўнглим жўш урибди.
Фарзандини шу элларга
Хизмат буюриб топширибди.

Узоқда мулким қолганди(р),
Подшолар ҳурмат қилганди(р)
Баҳодир мендай ўғлонди;
Кўп гинани орқа ташлаб,
Дўст тутади маҳкам ушлаб,
Авазхоннинг кўнглин хушлаб.

Қосимхон: «Бу ҳам мендан кам эмас, уча-мунчани парвой қимас, ҳеч кимнинг дамини емас, бир одам бўлса, шунча бўлади, бундан зиёда бўмас. Минган оти, сонсиз бисоти, тошиб турган ғайрати ҳеч нимадан камга ўҳшамайди. Одам излаган киши бундан зиёд одам бўлмас. Бир нечалар мен ҳам одамман, — деб далада лоф уриб юрар. Бу ерга ҳар ким келиб, сиру аҳволини

маълум қилмоқ осон гап эмас. Энди қайда юрсак, йўл-
дош бўлармиз, бир-бirimiz билан сирдош бўлармиз;
бир-бirimizни сўраб бориб-келиб туармиз. Ҳозир бир-
га бориб буннинг юрган жойларини ҳам кўрармиз, эрта-
мертан жўнашнинг ҳаракатини ҳам қилармиз», — деб ўз
ўрдасига қараб кетди.

Аваҳоннинг подшолик тайин қилган мазгил жойда
сипоҳи ҳозир бўлиб, ҳар замон кўнглини сўраб турибди.
Аваҳга шу оқшом ўтмаяпти. Тонг отса, Чамбил жўнаш-
нинг ҳаракатида. Оқшом ҳар тарафга хабар кетди:
«Гўрўғлининг устига юриш бор, эртан чошкада жўнайди,
жўнайдиган вақтда «менинг уним кам, буним кам», —
деб юрмасин, ҳамма тайёр бўлиб турсин», — деб ётиш-
ди.

Эрта-мертан тонг отди,
Тонг юлдузин буркитди.
Намойишга йиғилиб,
Подшолик карнай тортди.

Уйқудагин уйғотди,
Қилмоқчин ҳаракатди.
Сипоҳилар от чопиб,
Қилаётир гайратди.

Туғ-байдоқ шириллаб,
Яшил туғлар пириллаб,
Бедов мингган сипоҳи
Белга қиличин бойлаб,
Чамбилға талаб айлаб,
Бўл-ҳа, дейнишиб ҳай-ҳайлаб.

Тўқсон тўпни жўнатди,
Овоза юртга кетди,
Бўлиб ётири талотўп,
Бек Авазнинг ҳурмати.

Одам жўнар баланд-пастда,
Румнинг шаҳридан чиқди
Саф-саф бўлиб даста-даста.
Йўлбошчилар йўл кўрсатиб,
Олди тушиб йўлни тортиб,
Намойишга тўп бўшатиб,

Тоғу тошни гумбурлатиб,
Ёв-яроғини ортиб,
Оламин овоза тутиб,
Жўнади Рум юртидан.

Қилган Аваз арзу додни,
Қосимхон ҳам минган отни,
Ҳамроҳ қилиб Аваз мардни
Жўнади Рум юртидан.

Милтиғини эгнига осиб,
Сиёсати элни босиб,
Бири-бираға муносиб,
Душманнин кўқайин кесиб,
Жўнади Рум юртидан.

Қосимхонни кўринг анда,
Авазхон ҳам бўлган бирга,
Арзин айтган келиб зўрга,
Йўл юришар бирга-бирга,
Қарамайди ўнгу сўлга,
Чиқиб кетсақ дейди чўлга,
Олди чиқиб катта йўлга,
Жўнади Рум элндан,
Чиқиб бари мазгилидан.

Баҳодирлар саф-саф бўлиб,
Ёв кўрсат деган кўп бўлиб,
Аваз бирга бораётир
Сўйлаган сўзи эп бўлиб.

Оҳи чекар ҳар дам кундуз,
Ҳавода бор ёруғ юлдуз.
Дарёда ўйнайди қундуз,
Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлгиз.

Бир нечалар бирдай бўлиб,
Баҳодирлар шердай бўлиб,
Бедов минган йўл тортади
Илгарида бирдай бўлиб...
Гапирсалар ўйнаб-кулиб,
Уруш бўлса келар ғолиб.

Чиқди энди сувсиз чўлга,
Аваз ўғлон кўриб ўтган
Зангилар турган мазгилга.
Аваз ўғлон билар ани,
Иўлчи бўлган Чамбил хони,
Қаватига йўлдош бўлган
Бирга-бирга Қосимхони.

Сувсиз чўлга чувлаб тўлиб,
Милтифини қўлга олиб,
Авазхон етмакка толиб,
Мамлакатга хабар бориб.

Рум шоҳини амрин тутган,
Хону беклар ёрдам этган;
Жўнар дарёдай мавж уриб,
Ҳар бир бекдан одам келиб,
Келиб буларга қўшилиб,
Мамлакат аскарга тўлиб.

Айрилиққа бағрин доғлаб,
Мард йигитлар белни боғлаб,
Бораётир юрт сўроқлаб,
Ўзини урушга чоқлаб,
Неча муддат йўллар олиб,
Сувсиз чўлларда йўл тортди,
Зангиларнинг мазгилига
Энди бу яқинлаб етди.

Аваз ўғлон борган вақтда,
Зангилардан қанча ўлган,
Қолгани қочиб қутулган;
Қайдা занги макон қурса,
Ҳаммасига хабар қилган,
Ададсиз занги жам бўлган.
Зангининг шоҳин ўлдирган
Авазнинг кетида юрган.

Келаётган кўп лашкарни,
Зангилар тўқайдা кўрган,
Бир-бирига сўйлаб турган:
— Ёлғиз дединг буни, кўпди (р),
Бизни йўқлаб лашкар кепти,

Бирга олиб қанча тўпди,
Бир одам деб айтиб эдинг,
Келаётган жуда кўпди(р).

Аҳмоғи дарёдай тошди,
Мен кесарман сонсиз бошди,
Излаб чиққанмиз савашди,
Ўлжа қип булардан олсанг,
Тўйиб ейсан сўнгра гўшди.

Бир нечасин ақли шошар,
Юрар йўлидан адашар,
Келиб қолса бунча лашкар,
Бўлмаймиз-да баробар.

Майдонда бўпти рўпарўй,
Уруш қилсанг бу кенг сарой,
Қутқармаса сени худой,
Ўлдиради тухми одам,
Қолганларга қаттиқ мотам.

Бу сўзларни тўқайда айтар,
Байдоқ-байдоқ лашкар келиб,
Зангидан ҳали бехабар.

Аваз билан Қосимхонда
Қайда бошласа ихтиёр,
Ёв-яроқли кўпдир лашкар,
Зангилар бундан хабардор,
Билган йўқдир келган беклар.

Шулар шу ҳолда келаётib эди, сонсиз ётган жингил, тўқай ўсиб кетган, сувсиз ётган чўл. У ёқ-бу ёғини худо билмаса, банда билмайди. Зангилар шоҳи Авазнинг зулмида ўлган. Занги деган ҳалқ аламзада бўлган. Қайда бўлса, бир-бирига хабар қилиб, йиғилиб қолган. «Бу ерларда қуш учса, қаноти куяр, одам юрса, оёғи куяр, ахир, тушириб олармиз», — деб юрган. Аваз бундан бехабар. Ўзгалар зангиning қадамини кўрмаган, илгаридан ким чиқибди, бу чўлда нима иши бор? Аваз кўнглида: «Зангиning маконига бориб қўнамиз, ҳар нима десак, у ердан топилар, зангиilar икки бошдан у ердан хавф олиб, йўқ бўлиб кетган», — деб келаётib эди. Чўтлаб яқин

келгандан тўқайдан чиқиб, бирданига от-асбобли, ёв-яроқли лашкар устига от қўйди. Келаётган лашкар занги деб эшитган, илгари кўрган эмас. Буни зангилар ўрдасида ҳам бўлиб, неча зангининг додини бериб юрган Авазхон англайди. Лашкардан бурун ҳаракатга кириб, бу сўзни айтиб, зангиларга от солди:

Мард бўлиб кечайин жондин,
Қонлар оқилсин майдондин,
Омон қўймайин душмандин,
Кўринг энди Авазхонди,
Бир неча келган зангилар
Таниди шундай ўғлонди.

Илгари ҳам бунда келган,
Бу қўлинда занги ўлган,
Шунча одам лашкари бор,
Бу зангилар билмай қолган.

Авазхон ўзини чоқлаб,
Хизмат бўлса белин бойлаб,
Туар майдонда ҳай-ҳайлаб.

Уринади мингани Фирот,
Қўлида бор кескир пўлат;
Агар сенга қилсан ғайрат,
Зангилар, сенга қиёмат.

Рум элидан чиққан қайсар,
Ҳеч урушда кўргани йўқ.
Булар сўрар қандай жонвор,
Жасади одамга ўхшар,
Тўқайдаги бу ваҳшийлар,
Ваҳший жондор дейди энди,
Рум элидан чиққан беклар.
Сўзласа сўзи эп бўлиб,
Келаётир тўп-тўп бўлиб,
— Биз ҳам қиласиқ гайратни,
Қараб турмоқ бизга уят;
Танҳо уруш қилаётир
Чамбидан келган валламат.

Ҳар қайсиси бул майдонга,
Ёрдам қилиб Авазхонга,

Қўйма дебди шовқин қилиб,
От сурди майдонга кириб.

От чопилиб алвон-алвон,
Бўлди майдонда марди майдон,
Дучор бўлган ваҳший жондор,
Булардан қолмасин омон,
Солсак бунга охир замон.

Ҳар қайсни эрдай бўлиб,
Тоғда юрган шердай бўлиб,
Рум одамлари от қўйди
Катта-кичик бирдай бўлиб;
Бул майдонда туриш бўлди,
Энди шундай уруш бўлди.

Кўрсатар бунда шинини,
Кесиб зангилар бошини.
Душман ода, тоб бермайди,
Мард Авазнинг савашини,
Ўлдирган шундай кишини.
Майдонда юрган зангилар,
Ўлликлари сулаб қолар.
Биз билмадик қандай майдон,
Бунга дучор бўлган ўлар.

Жон қутулмас асли бундан,
Сесканади Авазхондан,
Бир нечаси қочаётир
Умидин узиб бу майдондан.

Одам бунинг ишини билмас,
Бу майдонни ҳеч ким қилмас,
Лак-лак занги ҳам жам бўлса,
Бир сесканиб кейин турмас.
Ким рўпара келиб қолса,
Билинг сира омон қолмас.

Ҳай-ҳайлашиб сатта ботир,
Жинғил ўсган сувсиз чўлда,
Бир тўполон бўлди бунда,
Занги билан уруш бўлиб,
Қирғин бўлаётир йўлда.

Шулдир баҳодирлар иши,
Сўзлади зангининг боши.
Қолган занги ақли шошиб,
Бир-бirimан кенгashiб,
Қочаётир тогдан ошиб,
Нечталари ўлдик дейишиб.

Улса ҳолин сўрамайди,
Бир-бираига қарамайди,
Ҳаяллаб кейинга қолса,
Билади омон қолмайди.

Илгари қочган қутулиб,
Кейин қолганлар тутилиб,
Зангилар қанчаси ўлиб,
От-яроғи, асбоб қолнб,
Ботирларга ўлжа бўлиб.

Шундайин ишни кўрсатди,
Ярадорлар оҳ деб ётди.
Неча занги уруш қилиб,
Бу замон дунёдан ўтди.

Иўқ бўлди зангининг ўзи,
Кўтарилиди бостган изи.
Зангининг шоҳининг жойи,
Чўлистанда мазғил бўлиб,
Шундайин бетига қолиб,
Лашкар келиб ўраб олиб,
Зангилардан қолган нарса,
Румига ўлжа бўлиб.
Бир нечалари кулиб юрар:
«Бу лашкар урушга киргани иўқ».

Бизлар йўлли бўлдик, дейди.
Тўқайда бор экан макон,
Ўлжа қилиб олдик, дейди,
Аввал энди овнинг олди,
Хўп ўлжали бўлдик, дейди,
Бир нечасн кўргани йўқ,
Қандай ерга келдик, дейди.
Кёлаётган сонсиз лашкар,
Қосимхондадир ихтиёр,

Қайда борарин билмайди,
Ҳадди йўқ сўраб бўлмайди.

Бир нечаси кулиб-ўйнаб,
Зангининг жойини ёйлаб,
Улжа олса белга бойлаб,
Уруш шул-да, қайтамиз деб.

Сал вақтда юришимиз,
Енгил бўлди урушимиз,
Билмам битдими ишимиз,
Вақти хуш бўп кулишимиз.

Шунда зангишлар: «Бу иш ёмон бўлди, тоғ-тош туман бўлди; булардан қайтариб олиб қоламиз, деб ишишимиз ёмон бўлди», — деб ўз бошини олиб, тоғу тошга қочиб, ўзини қутқариб, тутилган ўлиб, зангишларнинг мақони беэга бўлиб, шу кеча қўниб ётди. Тонг отмай, ҳаракат қилиб, ош-овқат пишириб, оломон-лашкарларига чулон тортди. Шунда бир нечаси билмайди. Овқатланиб бўлгандан кейин: «Урушнинг охири бўлди, энди юрга қайтамиз-да», — деб юрди. «Нима бўлса, кўп эмас, оз вақтда жондорга йўлиқдик. Бунинг учун кўп лашкар тўп-тўп қувгандай ҳам эмас экан, Чамбидан келган меҳмоннинг ўзи ҳам ҳисобини қилар экан. Битта бўлса ҳам, уруш қилишни билар экан, қанча душман бўлса, якка жавоб беради экан. Ҳар ким баҳодирман деб ном кўтарса, бундан бўлак одам аҳмоқ бўлиб юради экан», — дейди. Шунда Авазнинг ишига, Рустамдай зангишларга қилган урушига Қосимхон бир сўз айтаётгани:

Синли жасадингдан, дўстим Авазхон,
Иш кўрсатиб бўлдинг буларман майдон.
Саваш бўлса ширин жондан кечади,
Душман кўрса кафан-тўнин бичади,
Қиличидан қирмиз қоилар сочади,
Бир Аваздан қанча занги қочади,
Бек Аваз ишини кўринг, йигитлар.

Гуруллашиб атрофини олади,
Қайтмайди, якка ўзи солади,
Ўламан деб ҳеч кўнглига келмайди,
Авазнинг майдонин кўринг, йигитлар.

Ботирман деб уруш тилин билмаган,
Душмандан ўч, дўстдан кекин олмаган,
Қара энди бунда бўлган урушга,
Бундай саваш ҳеч майдонда бўлмаган.

Авазнинг саваши, ажойиб иши,
Тўбадай бўп сулаган зангининг лоши,
Чайладай йиқилган зангилар боши,
Дунёга машҳурдир Авазнинг иши.

У урушмоқ Аваздан қолган,
Неча ул келган полвонлар
Аваздан таълим олганлар.
Қарнай-сурнай тортиб энди
Жўнамак ҳаракат қилган.

Қўпнинг биридир Авазхон,
Бирга-бирга йўлга кирган,
Аваз йўлда сўзлаб юрган,
Қосимхонга йўлдош бўлган:
— Бу дунёда кўпдир полвон,
Қўрдим Қисакўз зўрини,
Қамади Чамбнл элинини,
Қирдим лашкари борини;
Улжа қилиб қўлдан олдим
Ҳам тиллаю зарини.
Қалқонлаб халққа тарқатдим
Бўлган ўлжаларини.

Шундай бўлиб иш кўрсатдим,
Неча шаҳарларни олдим,
Чамбилбелга тобе қилдим.

Қирқилди нечовнинг боши,
Сулаб йўлда қолар эди
Неча душманларнинг лоши.
Мундайгача неча марта
Бўлган Авазхоннинг иши.
Отам эди-да Гўрўғли,
Ишимни ҳурмат қилмади,
Менинг қадрпини билмади,
Ким гапирса майлланиб,
Ўзга фикр ҳеч бўлмади.

Элга борсам менинг ўзим,
Қандай бўлди ўғил-қизим,
Нуралихон кўрап кўзим.

Туркман элда Аҳмад Сардор,
У Сардор Туркманда юрса,
Бўлак баҳодир не даркор?!
Иш кўрсатмак марднинг иши,
Обрў олиб берган саваши,
Обрўлии бўлган кишини
Қўймас отамнинг тоғаси.

Қандай одам қиnlса хизмат,
Олар Гўрўғлидан туҳмат,
Олдимиздан чиқиб қолар
Ашурбек деган бир сардор.

Гўрўғлига хизмат қилиб,
Неча шаҳарларни олар.
У туҳматга дучор бўлиб,
Ўғил-қиздан айрилиб,
Қария шоҳнинг юртида
Юрганди гадойлик қилиб.

Мен келдим унинг устига,
Тушиб шоҳнинг қастига,
Неча кун мен унда ётдим,
Таги замин — ер остида.

Ҳолин билмай кўп тейинди,
Қўрқиб қочмоқлик қийинди (р),
Миндим мен ҳам лайли Фирди...
Бир ажойиб уруш бўлди,
Бул урушда шоҳи ўлди.

Тақдирга қаранг, Қосимхон,
Қайтиб келди яна даврон,
Қария шоҳнинг юртини
Сўраб олди Сардор ўғлон;
Бундай ишлар одамзоддан
Хар бир ерда ўтиб юрган.
Марднинг қадрини мард билади,
Номард қўлига дучор бўлсанг,

Қадр-қийматингни билмас,
Ахир сени ўлдиради.

Бу сўзни бир-бирига айтиб,
Жўнади лашкар йўл тортиб...
Тўпу тўпхоналар ортиб,
Гоҳи ерда тўп бўшатиб.

Бунда кўпdir ваҳший жонвор,
Узоққа тайсаллаб жўнар,
Йўл очиб кетади лашкар.

Одам тўлиб баланд-пастда,
Чувлаб йўлда чаппа-роста,
Саф-саф бўлиб бораётир
Чўлда бўлиб даста-даста.
Илгарида чопогончи
Ашурбекка жўнаб кетди.
Бор энди, гайрат қилгин, деб,
Ашурбекка элтиб бер, деб,
Аваз ўғлон берди хатди.
Бу йўлларда қичаб отди,
Чопогончи илгарида,
Ашурбек Сардорга етди.

Бекка берди арза-хатди,
Битган арза ўқиб кўриб,
Қанча одам йиғиб олиб,
Қўнар жойларни тузатди.

«Келади Аваздай қайсар,
Бирга-бирга кўидир лашкар,
Бизга хизмат қилмоқ даркор.

Бир кеча меҳмон қилайик,
Ошириб йўлга солайик,
Насиб этса Чамбил элга
Биз ҳам бирга борайик.

Хафа фалак солма зулм,
Обод бўлгандир мазгилим,
Кўрганим йўқ, қандай бўлди
Ёвмитда қолган икки улим.

Унда ҳам бордир кирдикор,
Шундай бўлиб келди хабар».
Қилингиз, — деди, — ғайратди,
Неча одамиман бирга
Ашурбек ҳам миниб отди,
Хон олдига пешвоз энди,
Кўришишга чиқиб кетди,
Шундай қилиб йўл тортди.

Ашурбек Сардор Қосимхоннинг борини билиб: «Аваз бўлса ўзимизники, у ҳам мендай бўлиб юрган, бола-чақадан айрилган, Рум подшосининг ўғли келаётган эмиш. Ҳақ ноҳақ бўлмас, асли Аваз ҳақ эди. «Ҳақ эгилар, синмас», деган гап бор. Аваз мендан ақлли экан, йўлини топди. Мен Чамбилда иш кўрсатиб юрган вақтда Авазни писанд қилмасдим. Мен Ёвмитнинг, Туркманинг ўт-кир ериданман. Аваз бир бессқол нарса-да, дср эдим. Авазга қилган туҳмат менга ҳам бўлиб эди. Мен бола-чақамни ташлаб қочиб чиққанда, нима иш қилиб эдим, нима касб қилар эдим. Беклик, баҳодирлик қилиб юрган одам эдим. Ҳеч иш қўлнимдан келмай, ахирни девоначилик қилиб эдим, қўрққанимдан бутга сажда қилиб, Қария шоҳининг қизини олиб эдим. Аваз устун келиб, бу давлатга эга қилиб кетиб эди», — деб буларининг олдига пешвоз чиқиб, кўришиб, сўрашиб, бир сўз айтиб турган экан:

Аё шоҳим, қулоқ солинг сўзима,
Ана мазгил, бориб қўнинг, ана жой,
Сиз тушиб ўтарсиз ажойиб сарой.
Сизга йўлдош бўлган саркарда беклар,
Бири Авазхондир, менга биродар,
Менинг отим сўрсанг Ашурбек Сардор,
Меҳмон қилар менинг давлатларим бор,
Мазгил-жойни қилинг, хоним, ихтиёр.

Чамбилгача бирга бормоғим даркор,
Бошлаб олиб кетар сизни бу Сардор,
Бирга-бирга юринг энди, султоним,
Олдингизда хизмат қилмоғим даркор,

Бугун бизга меҳмон бўлсангиз, хоним,
Отангиз бор мамлакатни сўрагаи,
Ҳаммамиз ҳам Румнинг подшоси деган.

Қўнглида борини Сардор билдириди,
Бошлаб аралади мамлакатига,
Саройига Қосимхонни қўндириди.

Елиб-йўртиб қилар энди хизматди,
Сипоҳилар қўниб бунда жой тутди,
Жойлашиб қўнди-да, лашкари ётди,
Қилибётир овқати ҳаракатди,
Қосимхонга хизматини кўрсатди.
Қосимхондир, унинг кўнгли рост бўлған,
Ўзининг юртида бирга дўст бўлган,
Ҳамроҳи Авазхон — шавкатли ўғлон,
Ашурбек юртига бўлгандир меҳмон,
Тонг отганча қуриб бунда сухбатни.

Бир-бириман ўтиришди жой олиб,
Олтин пиёллага шаробни солиб,
Ҳар қайсиси кўнглидагин ганириб,
Мажлис қип ўтирур, сухбатни қуриб.
Лашкар ҳар тарафга қоровул қўйиб,
Бунда қанча молу сўқимлар сўйиб,
Ётибди ёнбошлаб гўшига тўйиб.

Қосимхон айтади:— Ашурбек Сардор,
Гўрўғли устига бул сафарим бор.
Кўрасан Чамбилга қараб кетарман,
Чамбил элин тўпга бойлаб отарман,
Чамбилбелда ном кўтарган кишини,
Бошин кесиб, мен ҳам дорга тортарман.

Туркман элин борсам ўлжа қўлайин,
Қандай одам экан аниқ билайин,
Унинг жойин ебир-есир қилайин,
Чамбил қаласини тўиман қувратиб,
Гўрўғлига не ҳукмни солайин.

Шундай қилиб ёмонларин ўлдириб,
Нима десам айтганима кўндириб,
Кўнмагани қўярман дорга илиб.

Гўрўғли ким бўлади, отам билади,
Мен билмайман, сира кўрганим йўқди(р),
Тоғу қумда ётган бу бир чет юртди(р),

Ажаб иш-да, кўнглига келганин қилибди,
Шу ақлиман яна хон бўп турнибди,
Унда юрган халқлар қандай бўлибди.

Нимани ўйласа, шунп қилади,
Замон зўрники деб бошлаб юради.
Минади остига ажойиб отни,
Беклик шу деб элга солар кулфатни,
Билмайдикан у баччағар уятни,
Туркман борсам, мен қиласман ғайратни.

Таңгри мени ул элларга етказиб,
Элаб-эскаб оғир ишни битказиб,
Фамлиларни мени мақсадга етказиб,
Душманни ўлдирай бундан ўтказиб.

Чамбил борсам, солар қироним борди(р),
Хафа қилди дўстим — Аваздай эрди,
Фамли бўлиб борган Аваз ҳурмати,
Нечи кундан бери одам йўл тортди,
Шундай ишлар Авазхоннинг иззати.

Аваз келган Гуржистоннинг элндан,
Туз ичиб ўсган Гўрўғлининг қўлидан,
Умидинн узиб шундай улидан,
Хеч қайтмаган иғвогарнинг йўлидан.

Мард йигитнинг хаста кўнглин шод этиб,
Ҳар урушда комил пирни ёд этиб,
Ҳаддидан ошгандир ўзидан кетиб,
Агар етсам, солар қироним бордир.
Қарамасман муттаҳамлар ҳолига,
Овозамиз борар Чамбилбелига,
Чамбилбелда ном кўтарган Гўрўғли,
Тулки-шақал кулар унинг ҳолига.

Тўғри йўлга юрган киши ўлмайди,
Қийшиқ киши ҳеч нимани билмайди,
Қўлидан келмайди яхшилик ани,
Кўнглида шу бадхаёллик қолмайди.

Бирга олиб борсам шундайин эрди,
Туркман Гўрўғли биздайин зўрди(р),

Майдон қилиб яна бизга йўлиқса,
Йўқ қилиб кетармиз Чамбидай элди.

Бугун ётиб, эрта йўлга кирамиз,
Узоқ эмас, яқин қолди биламиз,
Сал вақтда Чамбид элга кирамиз,
Чамбидбелнинг атрофини оламиз.

Атрофини лашкар қамсаб олмайми,
Чамбид юрти бул ўртада қолмайми,
Шунча лашкар босиб Чамбидга борса,
Унда одам оёқ ости бўлмайми?

Биз ҳам бориб кўярмиз унда элни,
Ном кўтариб ётган Гўрўғли шерни;
Таърифини отам менга билдириди,
Шул сабабли билгин Қосимхон келди.

Эр-йигитлар қилич олиб қўлига,
Оралайди бориб Туркман элига;
Қайдা қочса, унга қувиб етади,
Бир нечасин тўпга бойлаб отади,
Бир хилининг бошин боғдай чатади,
Не гўзаллар иш кўрсатиб қайтади.

Шу байтни шу замон шоир айтади,
Үйқу келди сўнгра ухлаб ётади,
Эрта билан тура кела ўрнидан,
Аваз билан бирга Чамбид кетади.
Шундай қилиб айтдик бу таърифотди,
Оқшом бўлди, энди анча вақт ўтди.

Буларни Ашурбек жўнатиб, йўлга солиб, ўз рўзгорига
келиб, бир сўз айтаяти экан:

Ҳамманинг каттаси Румнинг шойи,
Олдида кўп анжомдор сипойи,
Рум мамлакати буларнинг жойи.

Гўрўғли устига сафар қилибди,
Мендай Сардор бирга бормоқ бўлибди.
Донагулсан, дилбар, бу ерда тургин,
Чамбид бориб келай, сен сабр қилгин.

Катта беклар кетди, сатта бу қайсар,
Буларнинг олдида бизлар хизматкор,
Йўлга тушиб кетди Румдан лашкар,
Нима бўлса кўриб турмогим даркор.

Кўриб келай бориб Чамбильенини,
Бориб кўрсам унда қолган улимни,
Сенга айтдим кўиглимдаги боримни,
Ўйнаб-ўсиб юрган мамлакатимни.

Неча кунлар юрдим, бу ерда ўтди,
Қўттардим бошима қанча кулфатди,
Худо берди менга ахир давлатди,
Булардан айрилиб қолмоқ уятди(р).

Йўлга тушиб сатта қайсарлар кетди,
Бир талотўп қилас Чамбильдай юртди.
Чувиллатар қанча ётган элатди,
Авазнинг ҳурмати қилган ғайратди,
Қосимхон ҳаммага бош бўлиб кетди.

Авазхоннинг сўзи тўғри бўлибди,
Неча сўзни энди ёрига айтди,
Хўшлашиб шу замон йўлга кирибди,
От белига энди Сардор минибди,
Қанча хизматкори бу ерда қопти.

Кўнглида борини сўйлар жўш уриб,
Сирин айтмай бир нечадан яшириб,
Бораётир бир-бирига қўшилиб,
Кўрганларнинг қолар ақли шошиб,
Лашкар бораётир беллардан ошиб,
Мавж урган дарёдай йўлларда тошиб,
Кўрмагани кўрганлардан сўрашиб,
Чамбил юртин сўраб шунда йўл тортган,
Намойишга катта тўплар судратган.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингаратар найза яраси,
Бош бўлгаядир Авазхондай тўраси,
Яқин қолди мамлакатнинг ораси.
Намойишга неча тўпларни отиб,
Катта тўплар олиб энди судратиб.

Ҳар тарафга от чопилар,
Бул бедоўлар чопган вақтда,
Изгор чўллар ларzon урар.
Шундай қилиб олиб чўлда,
Кун кечга тортган вақтда
Чамбил қораси кўринди.

Бемаҳалда борди лашкар,
Қурилгандир неча тўплар,
Чамбилнинг халқи бехабар;
Атрофини ўраб олиб,
Тўқсон тўпни қурди беклар,
Гўрўғли бундан бехабар.
Ҳар тарафни лашкар олди,
Бу Чамбил ўртада қолди.

Ошиқ фаҳмн оқшом кеча,
Ҳолин билмайди бир неча,
Ўзи тўхтаб сақлаб турур,
Қўринг турган соп беквачча.

Эрта билан тонглар отди.
Халойиққа келган лашкар,
Қорайиб кўринди тўплар,
Кўрганда қолмас иҳтиёр,
Билмайди қандай гап бўлар,
Бир нечалар ҳар ён чопиб:
«Гўрўғлига берса хабар,
Келган экан душман лашкар,
Кўрган йўқми элда қайсар.
Чиқпб бунда уруш қилса,
Гўрўғли бўлар баробар».
Ўз шаънига гапиради
Ҳар бир кўчада одамлар.

Урдада ўрнидан туриб,
Утираф кайфини қилиб,
Гўрўғли бехабар бўлиб,
Қатталикман туриб сўйлаб,
Тинчлик даврини ўйлаб,
Нечовини хизматга тайлаб.

Шунда оқшом бориб бу Чамблин босиб қолган эди.
Ҳеч кимнинг хабари йўқ. Эрта-мертан ўрнидан туриб,

бир нечаларп:: «Қандай бўлди?», — деб ҳайрон бўлиб ҳар кўчада одамлар гапириб юради. Гўрўғли ўрдада ўз кайфи билан турарди. Қайфини ҷоқлаб, насиясини нақтлаб, туриб отланиб, пойтахтга чиқибди. Пойтахтга чиқиб, бу келган ёвга кўзи тушди, лашкарни кўриб, кўнглида: «Менга худо бергандир, мол-дунёси менга тақдир қилгандир, булар мендан омон кетмас; кўпини ажал ҳайдаб, кўнглига бир гапни ўйлаб: «Мен ҳам сипоҳиман», — деб бел бойлаб. Менинг овозам оламга кетган. Ҳар тарафда душманим кўп. Йиғлаётган баччаларни «Гўрўғли келаяпти», — деб юпатган. Менинг зарбим душманга ўтган, қанчасини ажал ҳайдаб бунда етган. Ўз ҳолидан бехабар, сатта қон тортган баччағар. Бир майдон чиқиб уруш қилайин, урушга чидаш берганини кўрайин», — деб Гўрўғли одамларига хабар қилиб, бу сўзни айтиётир:

Қани омонликда мен ҳам ботир деганлар,
Олтин пиёладан шароб ичганлар,
Урушли кун ширин жондан кечганлар,
Шаробнинг ўрнига қонлар ичганлар,
Отланинг, Чамбилига лашкар келибди!

Тортиниб сира ҳам қараб турманглар,
Бу ўлжадан асло қуруқ қолманглар,
Кейин қолиб, сўнгра гина қилманглар,
Чамбильбельга, билинг, лашкар келибди!

Душман кўрсам тоша келар ғайратим,
Йигитларим, азаматим, қувватим,
Ёвни қувиб олмоқ менинг одатим,
Кўрдим ёвни, тошар бунда ғайратим.

Йигитларим, азаматим,
Шулдир панду насиҳатим,
Бўлмасга бўлғувчи бўлма;
Урушли кун қилинг ғайрат,
Ирқилиб турғувчи бўлма!

Беринг келганинг иззасин,
Топсин-да энди жазасин.
Тополмаси юрса йўлини,
Босмоқчи Чамбиль элини,

Нечовини банди қилиб,
Бойланг душманнинг қўлини.

Отланинг сатта аждаҳор,
Йўқ бўлар келган душманлар,
Гўрўғлихон берди хабар.
От-абзалингни шайлай бер,
Чамбилда баҳодир беклар.

Ҳар қайсинг бир эрдай бўлиб,
Етинглар ёвнинг устига.
Кейин қолмай бирдай бўлиб,
Олинг душмандан ўчингни,
Қўрсат буларга кучингни.
Мен Чамбилнинг валламати,
Келар мардларнинг ғайрати.
Ёв келганда қувиб қирмоқ,
Душманнинг жазосин бермоқ
Хон Гўрўғлихонинг одати.

Гўрўғлихон айтар буни,
Синамайин келган мени.
Ҳаялламанг, мининг отди,
Қўлга ол олмос пўлатди,
Устимизга босиб келмак,
Бу иш бизларга уятди(р).

Ўнгу сўлни олсин туман,
Кетмасин душмандан омон.
Инъом олиб юрдинг мендан,
Майдон кунда иш кўрсатар,
Кечингизлар ширин жондан,
Юз қайтармагин майдондан.

От чопилсин алвон-алвон,
Душманларга охир замон,
Ҳеч кетмасин ёвдан омон,
Неча сўзни тимсол айтди,
Билсанг сенга Гўрўғлихон.

Ҳар мажлисда бирга бўлиб,
Сурдинг Гўрўглиман даврон,

Уруш қилсанг бегу хонлар,
Бўлар энди қизиқ майдон,
Қараб турма, сатта жонон.
Ҳар ботирга хабар етди,
Гўрўғлихон тимсол айтди,
Ўзи келтир, деди отди,
Бош бўп қилмоқчи ғайратди,
Хабар қилиб бу элатди.

Шунда Гўрўғли йигитларига шундай хабар қилди,
«Қани бу қандай ёв экан, [ўзидан] хабари йўқ», — деб
соп Гўрўғлидан инъом олган, урушда бирга бўлган бек-
лар отланаётпир:

Олтин байдоқ билан отни сайлаган,
Чорвадори Асқар тоғни ёйлаган,
Тинмайин Чамбилда душман овлаган,
Не беклар эласлаб чиқди Чамбилдан.

Уруш кўрса ширин жондан кечади,
Фанимларга кафан тўнин бичади,
Сув ўрнига қизил қонлар ичади,
Не беклар эласлаб чиқди Чамбилдан.

Остида мингандир араби отди,
Қилич-найзасинни қўлига тутди,
Ёв келибди, қилсан дейди ғайратди,
Не беклар эласлаб чиқди Чамбилдан.

Мард йигитлар майдон куни юради,
Урушга ўзин чоқлаб парвоз қилади,
Ўзи кепти бизга, худо уради,
Ғайрат қилган киши ўлжа олади,
Не беклар эласлаб чиқди Чамбилдан.

Минган оти ўн икки ой боқилган,
Оёғига абжўш, наҳал қоқилган,
Тошга урса ёнроқдайин чақилган,
Не отлар жаланглаб чиқди бу замон.
Юрганинг қолмайди юракда додн,
Устидаги Така-Ёвмит фўччоги,
Тос тўбага етган икки қулоги,
Не отлар жаланглаб чиқди Чамбилдан.

Урушли кун ҳамма бирдай бўлмайди,
Ботир ғайрат қиласар майдонли кунда,
Хеч сесканиб кўнглига келмайди,
Бунда ҳам бор бир неча қўрқоқ кишилар,
Отланиб юрмакни қабул қилмайди.

Уруш бўлар биз амалдор бўлдик, деб,
Қилич етса, армон билан ўлдик деб,
Келган бўлса бунда бу ерга душман,
Амалдор бўлдим, деб қилди пушаймон,
Қаттиқ кунда кўринади ширин жон,
Яхши бўлар бек бўлмайин жўн юрган.

Одамлар отланди, қандай қилайин,
Нечовлари қилиб ётири пушаймон,
Илоҳим амалдор бўлмай ўлайин,
Жон ширинидир, энди қандай борайин?!

Бир тўполон бўлиб ётири,
От устида сатта ботир.
Қўрқани ҳам кўпдан қолмас,
Оҳ уришиб келаётин.

Бул урушга кирап, дейди,
Ажал етган ўлар, дейди,
Жуда энди қаттиқ кун-да,
Билмам қандай бўлар, дейди.

Ҳар қайси айтар таърифот,
Ғул-ғуланиб Чамбил элат,
Бу тўполонни эшилди,
Оға Юнусдай паризод.

Ўрдадан ташқари чиқиб,
От-абзални шайлаб турган,
Номдор Гўрўғли бош бўлган,
Бири-бирига дуч бўлган,
Урушга ўзин чоқлаган.
Бўлар энди ажаб ҳайрон,
Етиб келди пари-пайкон,
Иўл бўлсин қип савол сўрди,
Оға Юнусдай жонон.

Сўз айтар Гўрўғли номдор:
— Отландим, менда ихтиёр,
Ёв келибди устимизга,
Чиқиб урушмоқлик даркор.

Эл устида уруш бўлса,
Қандай кунлар бўлиб қолса,
Кимлар ўлиб, кимлар қолса,
Келган ёв ким, аниқ билса.

Оға Юнус Гўрўғлидан сўради:— Қандай ёв келибди? Гўрўғли айтди:— Қандай ёв эканини билмайман, атрофии олибди, Чамбил ўртада қолибди. Тўқсон тўпнинг оғзини Чамбилга қаратди. Энди тўп ётқиравига қараганда, Чамбилни тўпга тутмоқ бўлибди, ҳозир олов бермай турибди. Оға Юнус айтди:— Унча тўп бўлса, қандай борасан ёвга? Гўрўғли айтди:— Бунда тўпи бор экан, деб қамалиб турмизми, бекорга ўламизми. Бу тараф тортиб келибди, бунинг дамини еб турмизми? Бундай зўр десанг, қанча девларнинг, зангиларнинг бошини кесиб юрганман, э, паризод, ўзинг кўрганинг йўқми, ўзинг ҳам борсан. Кўхи Қофда, Шаҳризарда ўн лак девнинг бошини кесганимда қаёқда эдинг?! Қорадевни бандга тушириб, бойлаб олиб, ҳайдаб келганимдан ҳам хабаринг бор эди. Буларнинг ваҳимаси [нима], ким бўлса, одам жинсидан-да. Девнинг ҳавода учадигани ҳам бўлади, оёғинда юргувчи ҳам бўлади, от-асбоб билан юргувчи ҳам бўлади. Бу келган ёв девлар жинсидан бўлмаса, бекорга тўп судраб юрмайди. Дунёда номи бор кишининг душмани бор. Кўп душманинг бирори келгандир-да, кўнглида бир гапни маъқул қилгандирда, — деди. Шунда Оға Юнус айтди:— Бу ёвни қараб билмасангиз, билайни, ким эканини айтайин, сизга аниқлаб берайин.

Парилар ичинда Оға Юнусга одат эди. Гўрўғлига ватан қилмасдан илгари подшолик давлатин сўраб турарди. Буларнинг шундай қуръаси бор эди. Қуръаси тирноғида; тирноғига қараса, дунёда нима воқеа борин билиб турар эди. Шунда: «Қандай ёв экан, билиб берай бўлмаса», — деди. Оға Юнус ҳар тарафга назар солиб, тирноғига қараб, бу ёвни аниқ билиб: — Ў, сенинг қирадиган одамларинг эмас, ўзингнинг бош бекларинг келибди,— деб Гўрўғлига панд-насиҳат қилиб, бу сўзларни айтаяпти:

Лодон бўлиб сен кўнглингни бўлмагини,
Қайта бошдан оғир кунда қолмагини,
От-абзалинг шайлаб уруш қилмагини,
Бу анжомда сира дучор бўлмагини.

Келган бунда билсанг Румнинг шоҳи,
Рухсат берган бунга Рум подшоҳи,
Олдида биргадир қанча споҳи.

Беклил қилиб сен [ҳам] Румга қарайсан,
Бирга бўлса подшомиз деб сўрайсан,
Тиф тортиб олдига қандай жўнайсан?!

Уйла, хоним, сенинг бу ишинг бекор,
Бу боришингдан бўлса хабардор,
Вайрон бўлиб кетар бунда шаҳарлар,
Нўқ бўп кетар сенда турган ихтиёр,
Қўлингдан келмайди, бу ишинг бекор,
Албатта бош эгиб бормоғинг даркор,
Чиқиб борсанг, сен бўласан гуноҳкор.

Бу туҳматни Авазга қилган Сардор,
Сардор касофатини сўраб келарлар,
Бўлган ишдан сендай хоним бехабар,
Бирга турган Аваз ўғлинг зўрабор,
Сўрамасдан қилиб эдниг гуноҳкор.

Аваз йиғлаб ул бекларга бортанди(р),
Бўлган ишнинг барин хабар қилганди(р),
Авазнинг ишини ҳақиқат билиб,
Сенга душман қанча лашкар келганди(р),
Сиёсатга тўпни қуриб турганди(р),
Яксон қилиб юбормоқ халқи Туркмандн.

От-абзалик чиқиб борсанг сен,
Қайда борсанг, сени қувиб тутади,
Аввал сени тўлга бойлаб отади,
Амалдоринг сарсон бўлиб ётади,
Шу касофат Сардорбекдан ўтади,
Бир иш бошлаб, ажаб ишни қилгансан.
Билмадим, у ишлар қандай мазаси,
Энди бор душманларнинг иззаси,

«Ҳақ әгилар, синмас» деган бир гап бор,
Мана, хоним, чиқди гапнинг тозаси.

Аваз учун, хоним, сенга йиғладим,
Ора тушдим, сира қабул қилмадинг,
Шу туҳмат эканин шў вақтда билдим,
Ора тушиб сенга қанча гапирдим,
Сен қабул қилмадинг, сиёsat қилдинг,
Ана бидоҳатни бу ерда кўрдинг.

Менманликман сен кунингни ўтказиб,
Аваз келган Рум шоҳини етказиб,
Одамларинг шайлаб бунда турасан,
Менманликман ўтган сендан хатолик,
Сўраганда нима жавоб берасан,
Уяласан, изза бўлиб турасан.

Бўлмаган иш, гуноҳкор қилдинг уни,
Ора тушдим, сўкиб уялтдинг мени,
Улмасин деб мен ҳам билдириб сени,
Иўқ бўп кетмасин деб Туркманинг эли,
Отдан туш, шаштингдан қайт, мард ўғлони!

Вайрон бўлмасин-да турган мазгилинг,
Улар нима, бегумон маълумдир ҳолинг.
Аччиғланса, билмаганинг билдирап,
Дўст йиғлатар, душманинг кулдирап,
Албатта уларга бир элчи юбор,
«Элчига ўлим йўқ» деган гап бор,
Элчи бориб сенинг сиринг билдирап.

Подшоларнинг қатнаб юрап элчиси,
Элчиларнинг бўлар экан тилчиси,
Бориб сўз айтсин-да хон арзачиси,
Ҳеч маҳалда хат кўтарарга ўлим йўқ.

Кўнгилдаги сирин шунда айтади;
Билиб келса, сенга хабар этади,
Бу туришда чиқиб борсанг, султоним,
Сендан хоним бу дунёдан ўтади.

Биласанми Румнинг шоҳи зўрабор,
Қанча бўлсанг, бўлолмайсан баробар,

Сен танангга ўйлаб кўргин, султоним,
Ҳар гап бўлса, ўзингдадир ихтиёр.

Айтайин сўзишни қабул қиласан,
Сен қабул қнлмасанг, билгин, ўласан,
Чиқиб борсанг, шунда уруш қиласанг,
Жудо бўлиб қоласан мазгилларингдан.

Зўр кишига тан бермаклигинг даркор,
Менманлик савдоси бошингга битар,
Кўп сўзларни айтар мендай парилар,
Шердил бўлмасин-да, эрларни қайтар,
Бу сўзларни айтди мендай гажакдор.

Бу сўзни эштиб, Гўрўғли ўйланиб қолди. Оға Юнус бўлар воқеаларни билдириб: — Майли, тўрам, айтдим панду насиҳатни. Агар борсанг, вақти замонинг ўтди, ихтиёр, давлатинг кетди. Бормасанг, яхшилик иш билан бир гап бўлар. Қандай бўлса, катта беклар катта ке-чиримли бўлади, ўзлари ўйлаб бир иш қнлади. Сени бу туришда омон қолади, деб ҳеч кўнглимизга келмади, — деб ўрдага қайтиб кетди. Шунда Гўрўғли йигитларига қараб, бир-шкки оғиз сўз сўраб турибди:

Эр йигитлар, бернинг энди маслаҳат,
Оғир иш бошима тушди, қабоҳат,
Борамизми, турамизми, жамоат.
Баримизнинг каттаси Рум подшосн,
Душманлик кўрсатиб бунда келибди.

Мен ўйлайман унга боришлик бекор,
Қирқ бир аломат қнргин бўлса бу ерда,
Ўйласак, бизларни қилар гуноҳкор,
Маслаҳат бер, бирга турган йигитлар,
Ҳар гап бўлса сизлардадир ихтиёр.

Қандай кунда баринг бирга турасан,
Уруш бўлса сен бошингни берасан,
Яхши-ёмон бўлиб турган кунларни,
Мендай мардман ўзинг бирга кўрасан.
Гоҳи шодмон, гоҳи ғамгин бўласан,
Ҳамманг ҳам Гўрўғли сирин биласан,
Оға Юнус сўйлаб кетди кўп сўзни,
Маслаҳат шу, нима жавоб берасан?

Неча сўзни унда Гўрўғли айтди,
Тўп-тўп бўлиб қилади маслаҳатди,
Бир нечаси маслаҳатни беради,
Оға Юнус аёл бунда сўзлади.

Румнинг шоҳи душман бўлиб келади,
Ўзини мард, бизни номард билади,
Мана Чамбнл бу ўртада қолади,
Уруш бўлса, кимга худо беради.

Биз ўлганда, улар омон қолами,
Қон тукмай, бош эгсанг, қандай бўлади?!
Мардман, деб қандайин лоф уради,
Мард киши бўйин эгмас ҳар кимга,
Ундан кейин ҳолинг қўйин бўлади.

Бир нечалар шундай маслаҳат берди: — Оға Юнус аёллик қилиб гапириди, бизлар ҳам мард деб юрган, ҳар ердан обрўмизни олган, душманга иш кўрсатиб обрўлик бўлиб келган, марднинг бири бўлиб юрган. Бу ёв ҳозир бизга тараф тортиб келган. «Эгилган бўйинни қилич кесмайди» деган гап бор. Биз оға Юнуснинг айтишига қараганда, уруш ҳаваси қўлмай, ёв-яроқни олмай, бир ёқдан таъзим қилиб олдига чиқиб борсак, сипоҳининг одатини киши билиб бўлмайди, бекорга бориб қўлга тушиб қолсак, қандай ланқага эга бўламиз. Чамбидда қўрғон сўраб, соп ботирлар йигилиб, бир мамлакатнинг каттаси бўлиб турган Гўрўғли шундай бўлди, деган ланқага қоламиз. Бир неча айтади: — Бузмакорлик қилма, бекорга сан ҳам касофат бўлиб юрма. Яхшилик ёғини кўра бер. Урушсанг, бундан ҳам бўлак ёв чиқар. Ботир бўлсанг, сўнгра майдонда бориб тура бер. Ҳозир одамларнинг ихтиёрига қараб ишни қила бер. Гўрўғли: — Буни бир синайик, элчи юбориб кўрайик, — деб буларни синамоқ учун арза ёзиб, Қандаҳор юртидан келган Тўлак ботирга: — Бу келган одамлар сенга бир вақтда яқин бўлган, шу хизмат сенга лозим, — деб гапириб тургани:

Хизматимда бўлиб юрган,
Менинг инъомимни олган,
Бу хизматга тайёр бўлган,

Сен саман отингни мингин,
Арза олиб бориб келгин!

Чамбил шахрин қамаб турган,
Тўпи тўпхонасин қурган,
Бу қандай ёв бунда келган,
Сен аниғин билиб келгин!
Сўнгра бўлмасин пушаймон,
Ё дўстимикан, ё келган душман,
Бекор гапнинг фойдаси йўқ,
Бўлмайик-да бунда сарсон,
Ҳақиқатин билиб келгин!

Тўлак, бўлдинг бизга элчи,
Сарф бўлмасин эрнинг кучи,
Хизмат қилиб бўлгин тилчи,
Сўз тозасин билиб келгин!

Билмаймиз қандай аломат,
От чопилиб бир аросат,
Билар-билмасдан сўз айтиб,
Бўлиб қолмасин қиёмат,
Ҳақиқатин билиб келгин!

Биз туармиз билсанг бунда,
Сен ҳам бориб келгин шунда,
Борсанг, сенга жавоб айтар,
Нима гапни билиб қайтар,
Сен ҳам бир лочиндай шунқор,
Билиб келгин на ихтиёр.

Ҳар ким гапирап ҳар сўзни,
Борми, йўқми кўрасан-ку,
Чамбилбеллик бек Авазни;
Бу келган қандай шунқорди(р),
Бу орада бир гап борди(р),
Сен бизга олиб келгин
Улардан бўлган хабарди!
Номдор Тўлак, бориб келгин,
Элчини ўлдирмайди,
Сен сесканмай юриб келгин,
Қорасини билиб келгин!

Бу сўзни Гўрўғли айтди,
Тўлак ботирни жўнатди,
Ботир Тўлак мениб отди,
Чамбильбелдан жўнаб кетди.

Тўлак борар шундай қараб,
Кўп ёвни бунда оралаб,
Бир нечалар сўз айтади:
«Ажали етган баччағар;
Бирор сени нобуд қиласар,
Қилич билан бирор урасар,
Бу юришинг ҳандай бўлар?!»
Кулоқ солмайди эр Тўлак,
Боради чодирга қараб.

Чодир-чаманлар тикилган,
Ҳар чодир бекларга тўлган
Бораётган Тўлак полвон;
Зўр йигитнинг бўлар кучи,
Тўлак ҳам юрган арзачи.

Ўзини ҳар ёна солиб,
Гўрўғлининг арзасин олиб,
Чодир каттасин саралаб,
Беклар ўтирган чодирга
Тўлак ботир яқин етди.
Бир сипоҳи бу чодирдан,
Чиқиб ҳам рўпара бўйти:
— Келгин, йигит, не гаи борди(р)?
Чиқариб бергандир хатди.
Элтиб ул замон сипоҳи
Қосимхон қўлига тутди.
Аваз билан бу Қосимхон,
Хатни ўқиб кўрар султон,
Хат ёзгандир Гўрўғлихон.

Хат устига хатлар ёзиб,
Гўрўғлининг бағрин эзиб,
Қўнгилдаги бу кай қолса,
Кетар бундан халқи тўзиб.

«Чамбиль юртин нуратамиз,
Вайрон қип бундан кетамиз,
Чамбильда ном кўтарганинг
Улу қизин йиглатамиз.

Танимай Аваз улини,
Биз кўрайик Гўрўғлини.
Қандай бўпти бунинг боши,
Иғвогарлик унинг иши.
Нобуд бўлиб бунда кетар
Чамбил шаҳрида кўп киши.

Бирга келган бу Авазхон,
Ўзи ёлғиз марди майдон,
Авазга туҳмат иш қилиб,
Эсига олмас Гўрўғлихон.
Бу хизмат туҳмат бўлган,
Талаб қилиб Аваз келган,
Уруш қилса, мана майдон».
Хатда бор Авазнинг сўзи,
Омонми, — деб, — улу қизи.
«Фарзандини эсга олган
Фамгинликда кун кечирган.

Сўрамасдан зарби ўтиб,
Ном кўтарган Гўрўғлихон,
Энди тоза ўйлаб кўрсин,
Бош кетиб бўлар сарсон».
Бу сўзларни ёзиб энди,
Узатди бунда Қосимхон.

Бир синпоҳи олиб хатни
Тўлакнинг қўлига тутди.
Нима деган хатда энди,
Тўлак билмай олиб борди.
Гўрўғли қошига етди,
Ҳаммаси ўрнидан туриб
Нима гап деб сўраб қопти.

Тўлак айтар кўрганини,
Ул чодпрда турганини:
— Мен ҳам кўрдим ўтдай ёниб,
Рум подшоси ўтириб,
Аваз билан бирга бўлиб.

Келган, хоним, Аваз улинг,
Подшо билан ёвлаб келган
Асли сенинг жони-дилинг,

Қилиб бўлмас унга майдон,
Агар, хоним, душман бўлсанг,
Тўқилар бунда қизил қонинг.
Хароб бўлади элатинг,
Мен ҳам кўриб фаҳмладим,
Кетар қўлдан мамлакатинг.
Хоним, келмайди қувватинг,
Хатни ўқиб ўйлаб кўргин,
Бекор бўлар ҳаракатинг,
Жойда қолсин Чамбил юртинг.

Бу хатни ўқиб кўриб:— Оға Юнуснинг сўзи тўғри чиқди. Бояги туришда борсак, билмасдан бориб уруш қилсак, бекор ҳалак бўламиз экан, балки элни қўлдан берамиз экан. Энди бир иш бошлайик, бу бўйни йўғонликни ташлайик, — деб бу хабардан Гўрўғли сесканиб, йигитларига қараб, бир сўз айтиб туриди:

Менманликни, беклар, ташланг,
Яхшилик йўлларга бошланг,
Устимиизга келган ғолиб,
Қилични бўйинга солиб,
Отли эмас, яёв бўлиб,
Чиқайик беклар олдига.

Ҳаққа етган энди нолам,
Обод бўлсин кулбахонам,
Келган бўлса, биз кўрайик,
Чиқиб бунда Аваз болам.

Аваз борда Чамбил обод,
Аваз кетди — бизга меҳнат.
Қуриб кетсин бунда Сардор,
Бўлсин унга бир қиёмат.
Ўнгу сўлга қараманглар,
Сира менманлик қилманглар.
Ҳамма бу сўзни билиб,
Отдан пиёда бўлиб,
Шул замонда бошни эгиб,
Чиқди Чамбил қаласидан.

Босиб ётибди кўп лашкар,
Буларда нима ихтиёр,
Чамбилбелдан чиқиб беклар,

Бораётир сатта ботир,
Кўзига кўринди чодир,
Беклар чодирга борди.

Аваздай ўғлини кўриб,
Бул танига ларза кириб;
— Пушаймон қип, бунда туриб,
Кетдинг мендан жудо бўлиб.

Ҳақ таоло бергай омон,
Кетсин биздан қайғу-туман,
Неча вақтлар жудо бўлган,
Кўришайлик, Аваз ўғлон.

Кечириб Аваз хатосин,
Кўриб Гўрўғли отасин,
Инграницаб ўрнидан турди;
Ота-бала бўлиб юрган,
Кўришиб-сўрашиб қолди.
Ўтгай ишларга Гўрўғли
Кўп пушаймонлар қилди.

Аваздай қўзим, арзим бор,
Қелибсан сенда ихтиёр,
Беклик давлатим сеники,
Сенда қолсин бу кирдикор.
Ўғли-қизинг омон турган,
Оға Юнус сўраб юрган,
Қўтоҳлик ўтди, Авазхон,
Ўзинг билан бирга юрган,
Баҳодирлар гувоҳ бўлган.

Бирга юр Чамбил тахтима,
Сен келдинг менинг бахтима,
Юринг энди, марди майдон.
Қимирламай ётсин лашкар,
Сизларда бўлсин ихтиёр,
Рум подшосининг ули —
Қосимхон дейди зўрабор.

Гўрўғлибек кўнглин хушлаб,
Келди буни тахтга бошлаб,
Кўнглида сўзни билдириди,

Беклигини Авазға бериб,
Тахтга Авазни миндириди.

Аваз ўғлон бунда келиб,
Бола-чақасини кўриб,
Қайта бошдан хурсанд бўлиб.
Аваз бек бўлиб қолди бунда,
Душман бўлган неча беклар
Турмай қочаётир шунда;

«Иҳтиёр қолди Авазда,
Қулоқ солмас айтган сўзга.
Қабул қилмас сира бизни,
Кек олмай қўймас Авазни.
Бул Авазға навбат етди,
Улдиради қўймай бизни».

Бир ажойиб Чамбил шаҳар,
Бош душмани Аҳмад Сардор
Гўрўғлини ўлди, дебди,
Ҳар нима бўлган беклигин
Бул Авазға берди, дебди.
Бунда одам турса ўлар,
Авазда қолди иҳтиёр;
Қочаётир Аҳмад Сардор,
Дуч бўлмайик-да Авазга.
Баччагарнинг иши бошқа,
Қочаётир тоғу тошга.

Авазхоннинг сўйлар сўзи
Отаси қошига келди
Бунда қолган улу қизи.
Ўсган жойларини кўриб,
Аваз ўғлон шодмон бўлиб,
Бири-биридан айрилиб,
Адашган бари топишиб.

Қилди Авазхон ғайратди,
Неча ёмон кунлар ўтди,
Бир-бириман дуч бўлиб,
Рум шоҳи бирга туриб,
Неча кунлар бунда ўтди.

Югуриб қилиб хизматди,
Келган лашкар элга қайтди.
Неча кун бу ерда бўлиб,
Қосимхон билан Ашурбек
Бул ҳам бирга жўнаб кетди.
Адашганлар топишиб,
Ётга бало ёпишиб,
Муроду мақсадга етди,
Шундай бўлиб бу сўз ўтди.

Бу сўзларнинг бири ёлғон, бири чин,
Вақти хушлик билан ўтсин кўрган кун.
Авазхон элига келди шу бугун.

Айтади бир неча насиҳатди,
Гўрўғлига берган изза-уятди,
Аваз душманлари бош олиб кетди,
Фозил шоир айтади таърифотди,
Шундай бўлар сипоҳининг одати.

Бек бўп келиб қолди Чамбилинг марди,
Гўрўғлининг жудо бўлган фарзанди.
Энди туриб яна қилади суҳбат,
Яна келди бунга айёми давлат.
Нечовлар келди Авазни кўриб,
Чамбил мамлакати нқболли бўлиб.

Обод бўлар мардларнинг кирдикори,
Ўрдага етишди Аваз шунқори,
Бир вақтда Аваз қочнб кетганди,
Ииғлаб қолган эди Авазнинг ёри.
Гуноҳкор бўп бунинг улу қизлари,
Ўрдага борганда Авазни кўрди.

Қўнглида кун чиққандай бўп Интизор,
Пайдо бўлди бунда давлатли шунқор,
Ўғлин бағрига олиб бу қайсар,
Ўрдада кеп сўрашади ойнмлар,
Ҳар гап бўлса Аваздадир ихтиёр.
Тенги-туши, қариндоши кўради,
Хон Гўрўғли қошида ўлтиради,
Ёмонларнинг жазосини беради,
Шундай қилиб Чамбил элни сўради.